Юқоридаги ифодалардаги w кўрсаткич грунтнинг намлик шароитини ифодалагани боис унинг грунт мустаҳкамлигини баҳолашдаги аҳамияти нақадар юқори эканлигини кузатиш мумкин. Ундан ташқари табиий зичлик ҳолати ҳам ўзига хос қийматга эга. Грунт намлиги ортиши ва зичлиги камайиши билан унинг мустаҳкамлиги сусайиши кўплаб мутахассислар томонидан эътироф этилган.

Шундан келиб чиқиб, зилзила таъсирда грунт тузилмасининг бузилиши унинг зичлик - намлик ҳолати билан ифодаланувчи силжишга қаршилигига боғлиқ эканлигини таъкидлаш мумкин. Мазкур ҳолатда тебранаётган грунт тузилмасининг бузилиши зилзиланинг маълум қисми таъсирида юзага келади, яъни:

$$\alpha = \alpha_c - \alpha_м \qquad (3)$$

бунда α - грунт тузилмасини бузилишга олиб келувчи зилзила таъсири (тезланиш ҳисобида); α_c - зилзиланинг кучи; $\alpha_м$ - грунт мустаҳкамлигини енгишга сарфланадиган зилзиланинг қисми.

Мувозанат тезланиши деб аталувчи ушбу миқдор тебраниш жараёнида грунт тузилмасини сақлаш борасида катта аҳамият касб этади.

Мувозанат тезланиши ҳақидаги тушунчани фанга дастлаб О.А.Савинов киритган бўлиб, кейинчалик сувга тўйинган грунтларнинг динамик хусусиятларини тадқиқотлашда Д.Д.Баркан, Н.Н.Маслов, П.Л. Иванов, Х.З.Расулов, Х.Б.Сид, Ю.П.Шкицкий ва бошқа кўплаб мутахассислар ундан фойдаланганлар [2].

Сейсмик таъсирнинг миқдори мувозанат тезланиши $\alpha_м$ дан кичик бўлганда грунтнинг табиий тузилмаси сақланади ва у яҳлит жисм шаклида эластик тебраниш жараёнини кечиради. Қачонки, сейсмик тезланишнинг қиймати $\alpha_м$ дан юқори бўлгандагина грунтнинг тузилмаси бузилиб унда динамик жараён юзага келади. Демак, грунтнинг $\alpha_м$ дан кичик харқандай тебранишида унинг мустаҳкамлиги мувозанат ҳолатини ифодаловчи (1) тенглик орқали ифодаланади. Мувозанат тезланишининг миқдори қанча юқори бўлса грунтнинг динамик ҳолатини белгиловчи ҳисобий тезланиш α (2) ифодага асосан шунча кам миқдорга эга бўлади.

Мувозанат тезланиши грунтнинг мустаҳкамлиги билан узвий боғланганлигини проф. Ҳ.З.Расуловнинг қуйидаги ифодасидан кузатиш мумкин:

$$\alpha_м = \frac{\pi g(\sigma tg\varphi_w + c_v)}{2\gamma_w H} \qquad (4)$$

бунда c_v – юмшоқ (c_w) ва бикр (c_b) боғланиш кучларини йиғиндисидан ташкил топган умумий боғланиш кучи, яъни:

$$c_v = c_w + c_b \qquad (5)$$

Сўнгги йилларда олиб борилган кузатувлар ва ўтказилган тажрибалар натижаси (4) ифода ёрдамида аниқланадиган мувозанат тезланиши грунтнинг тебраниши жараёнида доимий бўлмай, балки ўзгарувчан миқдор эканлигини кўрсатди. Шундан келиб чиққан ҳолда (4) ифодани қуйидагича тасвирлаш мумкин [3]:

$$\alpha_м(t) = \frac{\pi g[(\sigma(t)tg\varphi_w + c_v(t)]}{2\gamma_w H} \qquad (6)$$

бунда t – зилзиланинг таъсир вақти.

Демак, грунт мустаҳкамлигини ифодаловчи мувозанат тезланиши $\alpha_м$ тебраниш жараёнида σ ва c_v ларнинг камайиши ҳисобига ўзгаришга юз тутар экан. Ушбу ҳолат қуйидаги ифодалар ёрдамида шаклланиши мумкин:

$$\sigma(t) = \sigma_{ст} - \gamma_c h_z(t) \qquad (7)$$

ва

$$c_w(t) = c_w(o) + [c_w(b) - c_w(o)]e^{\mu t}, \qquad (8)$$

бунда $c_w(b)$, $c_w(o)$ ва $c_w(t)$ – мос рависда юмшоқ боғланиш кучининг бошланғич, охирги ва маълум вақтдаги миқдорлари.

σ(t) – зўриқишнинг t вақтдаги миқдори;

$\sigma_{ст}$ – зўриқишнинг дастлабки қиймати;

γ_c – сувнинг зичлиги;

$h_z(t)$ – зилзила жараёнида грунтнинг зичланиши оқибатида юзага келувчи динамик босим, қуйидагича аниқланади: [2]

$$h_{z,t} = \frac{v^2}{2k_ф} L^2 \cdot t, \qquad (9)$$

бунда $k_ф$ – грунтдан сув сизиш коэффициенти;

L – тебраниш жараёнда грунт қаърида зичланиш юз берадиган фаол қатлам қалинлиги;

v - грунтнинг зичлашув тезлигини ифодаловчи динамик зичлашиш коэффициенти, ҳар бир хусусий ҳолат учун тажрибадан қуйидагича аниқланади:

$$v = \frac{dn}{dt}, \qquad (10)$$

бунда n – грунт ғоваклиги; t – вақт.

Агар (6) ни назарда тутган ҳолда (3) ифодага эътиборни қаратсак, грунт тузилмасини бузилишга олиб келувчи ҳисобий тезланиш α нинг миқдори тебраниш жараёнида ортиб боришини кўриш мумкин. Ушбу ҳолат (7) ва (8) ифодаларга асосан грунтнинг силжишга қаршилигини камайиши ҳисобига юзага келади.

Сочилувчан грунтларнинг (қум, тош, шағал) силжишга қаршилиги, асосан, ички ишқаланиш кучларига боғлиқ бўлиб, зарраларнинг ўзаро силжиши таъсир этувчи юкнинг миқдорига

тўғри пропорционалдир.

Проф. Н.Н.Масловнинг таъкидлашича, зарралари боғланган грунтларда (лой ва лойсимон грунтлар) ушбу ҳолат бирмунча мураккаб бўлиб, унда силжишга қаршилик кўпроқ намлик кўрсаткичларига боғлиқ. Мазкур грунтларга таъсир этувчи ташқи босимнинг бир қисми зарралар орқали, кўпроқ қисми эса грунт сувлари орқали қабул қилинади. Намлик ҳолатидаги грунтларнинг силжишга қаршилиги, асосан сув - коллоид хусусиятга эга бўлган юмшоқ боғланиш кучлари (c_w) ҳисобига юзага келади. Бикр боғланиш кучлари (c_c) эса ушбу грунтларнинг қаттиқ ва ярим қаттиқ ҳолатларига хосдир.

Силжишга қаршилиги бўйича лойли грунтлар 3 турга ажратилган [1]:

Қаттиқ лойлар. Лойли грунтларнинг ушбу турига қаттиқ ва ярим

қаттиқ ҳолатдаги учламчи, қисман тўртламчи даврга оид боғланишли грунтлар киритилган. Мазкур ҳолатда зарралар аро ишқаланиш бурчаги (φ) грунт намлигига боғлиқ бўлмайди, юмшоқ боғланиш кучи эса (c_w) ҳисобга олмаслик даражада кичик миқдорни ташкил этишини назарда тутсак, уларни силжишга қаршилигини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

$$S_{\sigma,w} = \sigma_{дин} tg\varphi + c_b \qquad (11)$$

Юмшоқ лойлар. Мустаҳкамлик нуқтаи назардан лойларнинг ушбу турига асосан, тўртламчи даврга оид жинслар киритилади. Грунтнинг ушбу тури устида олиб борилган тадқиқотлар натижаси улар таркибида бикр боғланиш кучлари (c_c) бутунлай бўлмаслиги ва уларнинг силжишга қаршилиги асосан юмшоқ боғланиш кучлари (c_w) га боғлиқ эканлигини кўрсатди. Улардаги ички ишқаланиш кучлари (φ) нинг миқдори ҳам эътибордан четдаги даражада камдир. Тажрибаларнинг кўрсатишича, ташқи юк таъсирисиз ҳолатларда юмшоқ лойларнинг силжишга қаршилиги грунтнинг зичлик - намлик кўрсаткичларига боғлиқ эканлигидан дарак беради. Бу эса ушбу грунтларнинг силжишга қаршилигини қуйидагича ёзиш имкониятини беради:

$$S = c_w \qquad (12)$$

Ярим юмшоқ лойлар мустаҳкамлик жиҳатидан бикр ва юмшоқ лойлар оралиғида бўлиб, уларнинг силжишга қаршилигида грунтга хос бўлган барча кўрсаткичлар (φ, c_w, c_b) маълум миқдорда ўз қийматига эга бўлиб, уларнинг силжишга қаршилиги (1) ифода шаклида тасвирланади.

Шундай қилиб, юқорида юритилган мулоҳазаларга асосан, лойсимон грунтларнинг силжишга қаршилиги (мустаҳкамлиги) ҳақида сўз юритилганда уларнинг хусусий ҳолатидан келиб чиқиш лозим деган ҳулосага келиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, ушбу грунтларнинг сейсмик хусусиятини бахолашда уларнинг табиий зичлик - намлик ҳолатига асосий эътиборни қаратиш муҳим эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар:

1. Маслов Н.Н. Основы инженерной геологии и механики грунтов.-М.: Высшая школа, 1982, -571 с.

2. Расулов Х.З. Сейсмостойкость лессовых оснований зданий и сооружений. –Ташкент: Изд-во “Узбекистан”, 1977, -163 с.

3. Содиков А.Х. Экспериментальные исследования факторов, влияющих на критическое ускорение лессовых грунтов склона. //Проблемы архитектуры и строительства. –Самарканд: СамГАСИ, 2010. - №1.- С.10-14.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ
СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И ИЗДЕЛИЯ

УДК – 397.34. Т-12

БИНО ВА ИНШООТЛАРГА ИҚЛИМ ТАЪСИРИ ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИНИНГ УМРБОҚИЙЛИГИ

Таджиева Д.О., Рустамова Д.Б., Марупова Г.Р. (СамДАҚИ)

В статье рассматривается влияние климататическх воздействий на строительные материалы в условиях Республики Узбекистан. Дана информация о прочности и устойчивости строительных материалов с учетом климатических условий.

The article provides information about the climatic conditions of the Republic of Uzbekistan and their influence to the building materials which are used in construction and structures. It also provides information about climatic resistance and lifetime of materials.

Бино ва иншоотларга иқлим таъсири ва умрбоқийлик. Қурилиш материалларининг умрбоқийлигининг асосий омилларидан бири иқлим ҳисобланади. Иқлим қурилиш материалларининг хизмат қилиш муддатини бошқаради. Қурилиш материалларининг умрбоқийлигига иқлим қуйидаги ҳолатларда таъсир кўрсатади.

- Қуёш радиацияси.
- Ҳарорат.
- Ҳавонинг босими.
- Ҳавонинг намлиги.
- Шамол ва ёмғир.
- Кимёвий моддалар.

Қуёш радиацияси. Қуёшнинг ультрабинафша нурлари органик материалларнинг ҳолатини ёмонлаштиради, яъни материалнинг ичида кимёвий реакцияларни содир қилади ва оксидланишни келтириб чиқаради. Бундай таъсир тоғли ҳудудларда кучлидир, яъни ультрабинафша нурларнинг жадаллиги юқори ва жануб томонга силжиши бўйича ошиб боради.

Ҳарорат. Эски қоидалар шуни кўрсатадики, ҳароратнинг ҳар 10°С кўтарилишида кимёвий реакцияларнинг тезлиги икки марта ошади. Жуда юқори ҳарорат органик материалларнинг ёмонлашишини оширади. Ҳароратнинг ҳар 7°С кўтарилишида ёғоч қипиқли плитадан карбамид асосидаги елим ёрдами билан формальдегид чиқиши икки марта ошади. Худди шунингдек, иссиқлик қуёш радиацияси, кислород ва намлик билан бирикишида қурилиш материалларининг ёмонлашиш жараёнини кучайтиради. Пластик, резина, каучук ва бошқа турдаги қурилиш материаллари паст ҳароратда музлайди ва майдаланади. Шимолий Европада ташқи кўриниши ғовакли бўлган ғиштни паст ҳароратда пишириш икки қиш даврига чўзилади ва тарихда худди шундай ғиштни Қадимги Римда пишириш 2000 йилга чўзилган. Айниқса ғовакли минерал материаллар учун ҳал қилувчи омил – музлатиш ва эритиш даври ҳисобланади. Шимолнинг қирғоқ бўйидаги иқлими жуда ҳам зарарлидир. Ҳароратнинг кескин ўзгариши ва ҳатто совуқсиз ҳарорат ҳам материалларнинг шаклини ўзгартиради ҳамда унинг ёмонлашишига олиб келади.

Ҳавонинг босими. Ҳавонинг босими материалларнинг ёпиқ тузилмадаги ғоваклари ичидаги кучланиш ва ҳажмига таъсир кўрсатади. Масалан, ғовак ойна ва ҳар хил пластик ҳимояловчи материаллар. Шунингдек, ҳавонинг босими герметикли (зич беркитилган) деразага ҳам таъсир кўрсатади, яъни ўлчамларининг ўзгариши содир бўлади ва ҳароратнинг ўзгаришида худди шундай таъсир бўлади.

Ҳавонинг намлиги. Намликнинг ўзгариши материалларнинг кучланиши ва ҳажмининг ўзгаришига ҳамда ёмонлашишига таъсир кўрсатади. Кўтарилиб кетган намлик ва ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши материалларнинг емирилишини оширади. Ҳаво намлигининг таркиби доимий бўлган биноларда фақатгина мусиқавий асбоблар, фортепиано ва ғижжак ишлаб чиқариш мумкин. Худди шундай шароит бошқа интерьер материаллар, яъни пардоз қоплама материалларни ейилишини камайтириш ва тозаланишини яхшилаш учун ҳам қўлланилиши зарур.

Шамол ва ёмғир. Қачонки шамол ва ёмғир бир вақтда биргаликда келиши энг ёмон жараён ҳисобланади. Бундай ҳолат қурилиш материаларида намликнинг йўналишини мажбурлайди ва ёмонлашиш жараёнини бошлайди. Кучли шамол материалларда босимни келтиради, ҳатто материалларнинг бузилиши ёки кескин сусайишига олиб келиши мумкин. Шамол қумлар билан бирикишида баъзи бир қурилиш материалларининг бузилишига таъсир кўрсатади. Қорнинг оғирлиги ҳам қурилиш материалларининг тузилмасини бузиши мумкин.

Кимёвий моддалар. Қирғоқ бўйидаги туз-

нинг миқдори ҳавода металлар, пластмассалар ва баъзи бир фойдали қазилмаларнинг чиришини келтириб чиқариши мумкин. Саноатлашган ва бинолар қурилган ҳудудларда ҳамда йўллар бўйида емирувчи газлар (диоксид серий ва б.қ.) кўпдан-кўп ҳар хил қурилиш материалларини бузиши мумкин. Ўраб олинган емирувчан муҳитда кальций таркибининг бузилиши бетонга жиддий таъсир кўрсатади. Бундай ҳолат баъзи бир қурилиш материалларида ҳам содир бўлади. Табиий тош – замонавий ифлосланишдан кўпчилик қадимий ёдгорликлар ва маданий мерос объектларини ёмонлашаётганини тасдиқлайди.

Келажакда бутун ер шарининг исишида қурилиш материалларининг умрбоқийлигига иқлимнинг ўзгариши энг катта хавф эҳтимоли ҳисобланади. Иқлим ўзгаришига асосан 3 та антропоген манба таъсир кўрсатади.

1. Энергия ишлаб чиқариш.
2. Кимёвий саноат.
3. Кераксиз жараёнлар.

Ушбу манбалардан энергия ишлаб чиқариш манбаси нисбатан устунлик қилади. Улар асосан транспорт соҳасида ва электростанцияларда ёқилғини ёнишидан содир бўлади. Ернинг усти қатламининг мумкин бўлган қисмида табиий пайдо бўладиган элементлар жадвалда кўрсатилган.

1-жадвал

Органик моддалар учун ўзгарувчанлик таснифи

Тури	Ҳароратнинг қизиши, °С
Ўзгарувчан органик бирикмалар	> 250
Ярим ўзгарувчан органик бирикмалар	250-380
Органик бирикмаларга боғлиқ бўлган зарралар	< 380

Бутун ер шарининг исиши қурилиш материалларининг кўринишини аҳамиятли даражада ўзгартиради. Кўпгина ҳудудларда ҳароратнинг кўтарилиши, хусусан жуда фавқулотда юқори ҳарорат даврининг бошланиши кутилмоқда. Кўпгина ҳудудларда жуда муҳим салбий ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бу ҳолат шимолий Европа ва Осиёнинг шимолий қисмларида шамолнинг аралаш кўпайишида тез-тез содир бўлади. Шунингдек бу ҳудудларда музларнинг эриш даври бошланади. Бу вазият ғовак тошларни, бетонларни ва материалларни бўлиниб кетишига олиб келади. Скандинавияда кейинги юз йиллик вақт оралиғида тупроқда органик материаллар 50% га кўпайиши кутилмоқда. Металларнинг чириш меъёри ошади (Noah’s Ark, 2007 йил).

Бошқа томондан эса, жанубий Европада дифференциал иссиқликнинг кенгайишидан ва материалларнинг органик ва ноорганик таркибларининг қисқаришидан қурилиш материалларининг қуриши бузилиш ҳолатини оширади. Ушбу ҳудудлардаги биноларда термит туридаги емирадиган ҳашоратларнинг жойлашиши янги муаммоларни юзага келтиради. Баъзи ҳудудларда иқлимнинг ўзгариши камайтирилган хавфни олиб келиши мумкин. Марказий Европа ва Буюк Британияда иқлимий кескинликда қурилиш материалларида ҳеч қандай катта ўзгариш кутилмайди.

Кейинги омил сув тошқинларининг кўтарилиш эҳтимоли тупроқларнинг кимёвий асосининг ҳолатига таъсир кўрсатади. Денгиз сатҳининг кўтарилиши ва сув тошқини кенг тарқалган намликнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин. XXI аср ичида дунё океанларининг исиши давом этади. Шимолий ярим ер шарининг тропик ва субтропик ҳудудларининг юза қатламларидаги океанларнинг 95% дан кўпроқ майдонида ҳарорат сезиларли даражада кўтарилиш эҳтимоли мавжуд. Денгиз сатҳиларининг кўтарилиши атмосферадаги CO_2 ташламалари йўналишига боғлиқдир. Келгусидаги баҳолаш мезонларига асосан, бутун дунёда сув қирғоқлари чизиқларининг тахминан 70% бутун ер шарини қамраб олган ўртача кўрсаткич ўзгаришидан ± 20% ораликда денгиз сатҳи кўтарилади. Шу боис, келгусида қурилиш материалларининг танлови уларнинг қуриши жиҳатидан кўриб чиқилиши зарур ҳисобланади (Escarameia, 2007 йил).

Шундай қилиб, ҳар қандай ўзига хос ҳудуд учун бино ва унга ишлатиладиган қурилиш материаллари бўйича қарор қабул қилишда иқлимнинг ўзгариш тартиби эътиборга олиниши лозим. Ҳудудий иқлимий ўзгаришларнинг эҳтимоли олдиндан айтиб бўлмайдиган юқори даражада катта бўлиши мумкин. Бироқ, умумий қоидага мувофиқ, органик материаллар яхши ҳимояланган бўлиши керак ва қурилишда жуда соғлом қурилиш материаллари зарур бўлади.

Адабиётлар:

1. Neil S. Grigg (2003) Water, wastewater, and stormwater infrastructure management. USA - p. 243.
2. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as the basis for green buildings. London and New York - p. 303.
3. Пачаури Р.К., Меер Л.А. Иқлим ўзгариши, 2014 йил. Иқлим ўзгариши бўйича Ҳукуматлараро экспертлар гуруҳининг умумлаштирилган маърузаси. Женева, Швейцария, 2015 йил, 163 б.

УДК.666.691

МАЙДА ДОНАДОР ҚУМЛИ БЕТОНЛАРНИ БАЗАЛЬТ ТОЛАСИ БИЛАН МИКРОАРМИРЛАШ

Саидмуратов Б.И., т.ф.н.; **Ғуломова Ҳ.А.,** ўқитувчи (СамДАҚИ)

В статье рассмотрены вопросы микроармирование мелкозернистых песчаных бетонов с базальтовыми волокнами. На основе лабораторных испытаний установлен влияние базальтовых волокон на механические свойств песчаных бетонов.

In paper questions a micro-additional reinforcement of fine-grained sandy betons with basalt fibres are observed. On the basis of laboratory researches it is installed agency of basalt fibres on mechanical properties of sandy betons.

Ривожланган АҚШ, Буюкбритания, Япония, Германия, Франция, Италия, Австралия каби давлатларда микро толалар билан ҳажмий микроармирланган фибробетонларни қурилиш конструкцияларда қўлланиши унинг техник-иқтисодий самарадор эканлигини ишончли тарзда исботлади.

Бу борада илмий адабиётлар, илмий-тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ишлаб чиқаришга тадбиқ қилинаётган "микро толали фибробетонлар" орасидан базальт толаси қўлланилган бетон қоришмаларидан тайёрланган буюм ва конструкцияларнинг хоссалари яхшиланиб, эксплуатация муддатлари ортганлигини кўрсатди.

Бундай янги технологик усулларни Ўзбекистонда ҳам кенг тадбиқ этиш вақти етиб келди,чунки давлатимизда инвестицион муҳит яхшиланиб, қурилиш қўлами бир неча баробарга ошганлиги янги, замонавий, илғор технология ва усуллар асосида тайёрланадиган ана шундай буюм ва конструкцияларга бўлган талаб ортмоқда.

Ўзбекистон республикаси Жиззах вилоятининг Фориш туманида базальт тоғ жинсидан базальт толаси ва композит арматураларини ишлаб чиқариш корхонасининг қурилганлиги майда толали микроармирланган бетонларни ишлаб чиқариш ва унинг устида илмий-тадқиқот ишларини олиб боришга яхши бир туртки бўлди. Бетон юк остида сиқилишга яхши қаршилик кўрсатсада, юкланган шароитда эгилиш, чўзилиш кўрсаткичлари сиқилишга нисбатан 10-20 баробар пастдир, бу эса ўз навбатида конструкцияни пўлат арматура билан армирлашни талаб этади.

Ҳозиргача бетон ва пўлат биргаликда яхлит темирбетон конструкцияси сифатида кенг қўлланиб келсада, агрессив шароитларда эксплуатация қилинаётган конструкциялардаги пўлат арматураларни коррозияга учраб ўз хизмат даврини ўтамасдан яроқсиз ҳолатларга келиши, коррозияга чидамли бошқа турдаги мустаҳкам, умрбоқий материалларни бундай конструкцияларда қўллашни талаб этади.

Ана шундай материаллардан бири бу базальт толаси бўлиб, у бетонни майда тола ва қиллари билан ҳажмий армирлаб турли деформатик таъсирлар остида ҳосил бўладиган ёриқларни юзага келишини олдини олади ва ўз навбатида конструкцияларни эгилишга ва чўзилишга бўлган кўрсаткичларини оширишга имкон яратади.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг "Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш" кафедрасида микроармирланган базальт толали майда донадор қумли бетон таркиблари устида бир неча йиллардан буён қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Микроармирланган бундай бетонлар аҳамияти юпқа қалинликдаги конструкцияларда каттадир.

Юпқа қобиқли фазовий конструкцияларда фойдаланиш учун қўлланиши мумкин бўлган базальт толаси билан микроармирланган қумли бетонларни оптимал таркибини яратиш учун қуйидаги маҳаллий хом-ашёлардан фойдаланилди:

1. Жиззах вилояти Фориш туманида ишлаб чиқарилаётган базальт толасининг характеристикаси, кўрсаткичлари:

- базальт толаси диаметри 20 дан 500 мкм гача тола узунлиги 1 мм дан-10 мм ни ташкил қилади;
- чўзилишга бўлган мустаҳкамлиги 1200 МПа гача;
- иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти λ<0,46 Вт/м ^{0}С;
- зичлиги -2,0 г/см$^{3;}$
- эластиклик модули Е(50-55) ГПа;
- олов бардошлиги – 300^{0}С гача;
- коррозия ва кимёвий таъсирларга ўта юқори.

2. Зарафшон дарёси ҳавзасидан қазиб олинган йириклик модули $М_й$=2,7 бўлган қум кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилган;

3. Навоий цемент заводида ишлаб чиқарил-

ган М400 портландцемент, $R_ц$=387 кг с/см^2.

4. Тошкентда ишлаб чиқариладиган JK-02 суперпластификаторларидан фойдаланилди. Ушбу суперпластификатор бетон қоришмасини ҳаракатчанлигини П1 дан П5 гача ошириш имкониятини беради. Бундан ташқари бетоннинг механик хоссаларини яхшиланишига ҳам ўз таъсирини ўтказади

1-жадвал

Зарафшон дарёси ҳавзасидан қазиб олинган йириклик модули $М_й$=2,7 бўлган қумнинг кўрсаткичлари (қумнинг элакдаги қолдиқлар миқдори)

	Элак кўзларининг ўлчамлари						Уймазичлиги кг/м^3	Ҳақиқий зичлиги кг/м^3
	2.5	1.25	0.63	0.315	0.14	0.14 дан ўтгани		
Хусусий қолдиқ %	4	16	34	20	16	10	1.60	2.65
Тўла қолдиқ %	4	20	54	74	90	100		2.65

Юқорида таърифи келтирилган хомашёлардан фойдаланиб ўлчамлари 4х4х16 см бўлган бетон намуналар тайёрланди.

Базальт толасини тадқиқотланаётган таркиблардан тайёрланган бетонларни механик кўрсаткичларга таъсирини аниқлаш учун назорат намуналари ҳам тайёрланди (2-жадвал).

Бундан ташқари JK-02 суперпластификаторнинг бетон қоришмаси пластиклик даражаси (1-3%) оралиғида текширилди ва олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

Таркиблар фазовий юпқа қобиқли конструкциялар учун фойдаланиладиган В30 бетон синфи учун ҳисобланиб, у асосда лаборатория тадқиқот-тажрибалари ўтказилди.

2-жадвал

1 м^3 бетон қоришмаси учун ҳисобланган таркиблар

Номланиши	Ўлчов бирлиги	1-таркиб	2-таркиб	3-таркиб
Портландцемент М 400	кг	650	650	650
Йириклик модули $М_й$=2,7 бўлган дарё қуми	кг	1245	1245	1245
Сув	Литр	312		
Суперпластификатор	%	-	1	1
Базальт толаси	%	-	-	3

Ушбу таркиблар асосида тайёрланган қоришмаларни силкитувчи столда ёйилувчанлиги (конус чўкиши) текширилганда қуйидаги кўрсаткичлар олинди:

3-жадвал

Майда қумли бетон қоришмасининг пластиклик кўрсаткичига JK-02 суперпластификаторнинг таъсири

Номланиши	Конус ёйилиши
Назорат таркиби (кимёвий қўшилмасиз)	14 см
1% JK-02 билан	22 см
3% JK-02 билан	28 см

2-жадвалда келтирилган таркиб асосида бетон қоришмаларидан тайёрланган намуналар 3+6+3 режим (85-90^{0}С) да иссиқлик буғли ишлов берилди. Олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Майда донадор қумли микроармирланган қумли бетонларни иссиқ-буғли ишловдан сўнги мустаҳкамлик кўрсаткичлари

Номланиши	Ўлчов бирлиги	Эгилишга бўлган мустаҳкамлик	Сиқилишга бўлган мустаҳкамлик
Назорат таркиби	МПа	4,1	18,0
2-таркиби 1% JK-02 билан	МПа	4,9	21,6
3-таркиби 1% JK-02 билан ва базаль толаси-3%	МПа	6,4	26,3

3 ва 4-жадваллардан кўриниб турибдики, намунавий таркибга JK-02 суперпластификаторини 1 % қўшилиши қоришма оқувчанлигини 14 см дан 22 см гача оширди. Сиқилишга бўлган мустаҳкамлиги 20%, эгилишга бўлган мустаҳкамлиги -19% оширди.

3-таркиб бўйича ҳисоблаш бетон қоришмасига 3% майда толали базальтни қўшилиши назорат таркибига нисбатан сиқилишга мустаҳкамлиги – 46%, эгилишга бўлган мустаҳкамлиги – 56% оширди.

Хулоса: майда донадор қумли бетонларни таркибига суперпластификатор ва базальт толалаларини қўшилиши бундай бетонларни мустаҳкамлик кўрсаткичларини сезиларли даражада оширади.

УДК64391

ЎРТАЧА ЙИРИКЛИКДАГИ ҚУМ ВА ГИЛЛИ ГРУНТ АРАЛАШМАСИНИНГ ФИЗИК ВА ДЕФОРМАЦИОН КЎРСАТКИЧЛАРИНИ ТАЖРИБАДА АНИҚЛАШ

Азимова Ш.Н., ассистент (СамДАҚИ)

В статье проанализированы результаты лабораторных исследований по определению модуля деформации композитных грунтов, состоящих из песка и глинистого грунта (в различных процентных соотношениях) нарушенной структуры

In article results of tests, definitions of the module of deformation of sand and gil with the destroyed structure are resulted at various parities of sand.

Сўнгги йилларда Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида олиб борилаётган кенг кўламли қурилиш ишлари, жумладан, Бухоро - Нукус автомобил ва Мискен темир йўллари, Бухоро ва Қорақалпоғистондаги газни қайта ишлаш заводлари ва муҳандислик коммуникациялари (газ, нефт, сув, оқова сувлари қувурлари) қурилишлари, гидротехник иншоотлар қурилиши структураси бузилган, бўш ва ножинс маҳаллий грунтлардан тўшама қатлам, тўлдиргич ёхуд қурилиш ашёси сифатида фойдаланишни тақозо этади. Маълумки, бундай иншоотларни лойиҳалаш ва барпо этиш жараёнида структураси бузилган грунтларнинг физик, деформация ва мустаҳкамлик кўрсатгичларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Масалан, турли хил тоғ жинсларидан ўтказиладиган катта ўлчамли темирбетон ёки металл қувурларни нотекис чўкишларини камайтириш учун тўшама қатламни хусусиятлари ва қалинлиги қандай бўлиши лозим? Ёхуд тирговуч деворлар орқа бўшлиқларини тўлдиришда фойдаланиладиган структураси бузилган грунтларнинг хусусиятлари фаол босимни камайтириш ёхуд суст босимни ошириш учун қандай талабларга жавоб бериши лозим. Шу каби амалий масалаларини ечиш, структураси бузилган грунтларни нафақат қурилиш хусусиятларини, балки самарали таркибини ҳам аниқлашни талаб этади.

Маълумки, зикр этилган ҳолларда ёки қумли, ёки гилли грунтлардан фойдаланилади. Уларнинг ўхшаш хусусиятлари билан бир қаторда, бир– биридан тубдан фарқ қиладиган хусусиятлари ҳам мавжуд. Табиий грунтлар эса, соф ҳолда жуда кам учрайди.Қурилиш амалиётида табиий структураси бузилган (згарган) гилли грунтлардан ҳамда йирик қумдан кенг кўламда фойдаланилади. Ўртача йирикликдаги қум ва гилли грунтлар аралашмасини оптимал таркибини мустаҳкамлик, деформация ва сув ўтказмаслик нуқтаи назаридан аниқлаш - йўл ва гидротехник иншоотлар қурилишида асос, тўлдиргич ва тўшама қатлам сифатида, саноат ва фуқаро қурилишида пойдевор ён атрофини, пол остини тўлдиришда, сунъий асос барпо этишда, сатҳини текислашда, тиргович деворларнинг орқа бўшлиқларини тўлдиришда ва шунга ўхшаш бошқа амалий масалаларни ечиш учун зарурдир.

Қумли ва гилли грунт аралашмасини оптимал таркибини мустаҳкамлик, деформация ва сув ўтказмаслик нуқтаи назаридан аниқлаш масаласи автомобил ва темирйўллари, гидротехник иншоотлар, саноат– фуқаро, муҳандислик коммуникациялари қурилишларида пойдевор ён атрофларини, пол остини тўлдиришда, сунъий асос барпо этишда, ободончилик ишларида ер сатҳини текислашда, тирговуч деворларнинг орқа бўшлиқларини тўлдиришда кенг кўламда фойдаланилиши сабабли, қурилиш амалиёти учун долзарб муаммодир. Шунга қарамай, уларнинг хусусиятларини аниқлашга бағишланган илмий изланишлар натижалари мавжуд адабиётларда етарли даражада ўз аксини топмаган. Ҳисоб ва лойиҳа ишларини бажариш учун эса уларнинг физик, мустаҳкамлик, деформация ҳамда сув ўтказувчанлик кўрсатгичлари зарур бўлади. Аксарият ҳолларда ушбу амалий масалаларни ҳал этиш учун қум ва гил аралашмасидан ташкил топган грунтларнинг физик кўрсатгичларига боғлиқ равишда жадваллаштирилган мустаҳкамлик, деформация ва сув ўтказувчанлик кўрсатгичларининг меъёрий ҳамда ҳисобий қийматлари кифоя қилади.

Маълумки, табиий структурага эга бўлган гилли, қумли грунтлар, йирик чақиқ тош ва ҳ.к.лар учун уларнинг физик кўрсатгичларига боғлиқ равишда деформация, мустаҳкамлик ва сув ўтказувчанлик кўрсатгичларининг меъёрий қийматларини аниқлаш имконини берадиган кўпгина меъёрланган жадваллар мавжуд. Бундай жадваллар айрим ҳудудий грунтлар учун ҳам ишлаб чиқилган. Структураси бузилган тупроқ (суглинок) билан қум аралашмасидан ташкил топган грунтлар хусусиятларини ўрга-

нишга бағишланган илмий изланишлар эса мавжуд эмас. Таклиф этилаётган қум ва тупроқ аралашмасидан ташкил топган грунтларнинг оптимал таркиби, уларнинг физик, деформация, мустаҳкамлик ҳамда сув ўтказувчанлик кўрсатгичлари, биринчи яқинлашиш сифатида иншоотларнинг турғунлигини, мустаҳкамлигини, деформациясини баҳолашда қўлланилиш учун мўлжалланган. Кўпгина кўрсатгичлар, амалиётда қўлланилиши қулай бўлиши учун жадвал ёки график шаклга келтирилган .

Намуналарни тайёрлаш қуйидагича бажарилди: қумнинг гранулометрик таркиби аниқлангач [4], гил грунт ҳам майдаланиб, 2 мм ли элакдан ўтказилди. Қум 0% ва гил грунт 100 % дан бошлаб, то қум 100% ва гил 0 % бўлгунча намуналарнинг чизиқли деформация модули КПр-1 компрессия ускунасида аниқланди [3].

Одометр қасқонига жойлаштирилган грунт намунаси штамп орқали σ_1= 50 кПа, σ_2 =100 кПа, σ_3=150 кПа, σ_4=200 кПа, σ_5= 250 кПа, σ_6=300 кПа босқичли нормал босимда сиқилди.

Ҳар бир босқич босимдан грунт намунасининг сиқилиши натижасида ғоваклик коэффициентининг камайиб бориши қуйидаги ифода орқали аниқланди [1]:

$$e_i=e_0-(1+e_0)\frac{S_i}{h} \qquad (1)$$

бу ерда e_i - намунага узатилган σ_i кучланишга мос келадиган ғоваклик коэффициенти;

e_o ~ намунанинг бошланғич ғоваклик коэффициенти;

S_i - намунанинг σ_i кучланиш таъсирида чўкиши

h - намунанинг бошланғич баландлиги (h = 25 см);

Аниқланган σ_i - нинг қийматлари асосида P_i -нинг ҳар хил қиймати учун $e_i=f(P_i)$ боғланиш графиги 1- расмда келтирилган.



1-расм. e=f(p) графиги

1-расмда келтирилган $e_i=f(P_i)$ графиклардан кўринадики, грунт таркибидаги гил зарралари ортиб бориши билан уларнинг сиқилиши ортиб борар экан.

1-жадвал

σ, кПа	e_i	Йирик қум ва гилли грунт аралашмаси, %										
		0/100	10/90	20/80	30/70	40/60	50/50	60/40	70/30	80/20	90/10	100/0
0	e_0	1.37	1.37	1.38	1.38	1.39	1.41	1.415	1.418	1.42	1.42	1.42
50	e_1	1.21	1.23	1.28	1.30	1.31	1.32	1.36	1.37	1.38	1.40	1.41
100	e_2	1,10	1.18	1.22	1.24	1.24	1.27	1.29	1.31	1.33	1.38	1.40
150	e3	1,04	1.15	1.18	1.19	1.20	1.22	1.25	1.29	1.32	1.37	1.38
200	e_4	0.99	1.10	1.14	1.16	1.175	1.19	1.22	1.27	1.30	1.36	1.37
250	e_5	0,98	1.07	1.10	1.13	1.137	1.17	1.20	1.24	1.29	1.35	1.36
300	e_6	0,97	1.04	1.07	1.09	1.11	1.14	1.19	1.23	1.28	1.34	1.35

Келтирилган $e_i=f(P_i)$ графикдан сиқилиш коэффициенти – m_0 қуйидаги ифода орқали аниқланди. [1]

$$m_0=\frac{e_1-e_2}{P_2-P_1} \qquad (2)$$

бу ерда P_1, P_2 - поғона юкнинг дастлабки ва ундан кейинги босқичидаги босимлари;

e_1 ва e_2 - шу босимларга мос келувчи ғоваклик коэффициентлари.

Сиқилиш коэффициенти m_0 нинг аниқланган қийматлари 2 - жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

	Йирик қум ва гилли грунт аралашмаси, %										
	0/100	10/90	20/80	30/70	40/60	50/50	60/40	70/30	80/20	90/10	100/0
m_0 Па	2,2	2,8	2	1,6	1,6	1	1,1	0,9	0,8	0,4	0,38
m_v Па	0,9	1,8	0,8	0,7	0,7	0,4	0,46	0,39	0,33	0,16	0,148
E_0 кПа	889	444	952,4	1194	1194	1739	2000	2015	2424	5000	9604

Маълумки, грунтларнинг деформацияларини аниқлашда аксарият ҳолларда, нисбий сиқилиш коэффициенти m_v қўлланилади [2], унинг ўртача қийматлари қуйидаги ифода орқали аниқланди:

$$m_v=\frac{m_0}{1+e_0} \qquad (3)$$

Нисбий сиқилиш коэффициентининг аниқланган қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

Нисбий сиқилиш коэффициентидан фойдаланиб, аралашма грунтларинингдеформация модули қуйидаги ифода орқали аниқланди.

$$E_0=\frac{\beta}{m_v}, \qquad (4)$$

бу ерда $\beta=1-\frac{2\mu_0^2}{1-\mu_0}$ - грунтнинг ён томонлама кенгайиш коэффициенти бўлиб, унинг ўртача қийматлари 0,8 этиб олиш рухсат этилади [1, 2,

3].

Деформация модули 50...100 кПа нормал кучланишлар оралиғида аниқланди. Унинг ўртача қийматлари 2- жадвалда келтирилди.

Келтирилган тажриба натижаларидан хулоса қилиш мумкинки, асос грунтлари учун кўпроқ уларнинг деформацияси таъсир этганда соф қумлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ экан. Айнан мақолада келтирилган қум ва гил нисбатлари намуналарининг мустаҳкамлик кўрсатгичлари φ ва С ларни аниқлаш учун ҳам комплекс тажриба - синов ишлари ўтказилди.

Адабиётлар:

1. Цытович Н.А. Механика грунтов. 1963. -636 с. 1983. -288 с.
2. Далматов Б.И. Механика грунтов, основания и фундаменты. -Ленинград, Стройиздат, 1988, - 416 с.
3. Чаповский Е.Г. Лабораторные работы по грунтоведению и механике грунтов. Москва, 1975, 303 с.
4. УзРСТ 25100-95. Грунтлар, тавсифнома. Ўзб.Рес.Давархитекткурилиш кумитаси, Тошкент, 1996.
5. ҚМҚ 2.02.01- 98. Бино ва иншоотлар заминлари. -Ўзб.Рес. Дав. Архитектқурилиш қўмитаси. Тошкент, 1999. -144 б.

УДК 004.042

ИССЛЕДОВАНИЕ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ ПРОЦЕССОМ ПРОИЗВОДСТВА КЕРАМИЧЕСКОГО МАТЕРИАЛА

Аъзамов Т. Н.
Ташкентский университет информационных технологий имени Мухаммеда Ал-Хоразмий

Maqolada keramikmateriallarni ishlab chiqarishni nazorat qilishning an'anaviy usullari tahlil qilinib, bunda temperature va aerodinamik maydonlarni barqarorlashtirish, keramik qurilish materiallarini pishirishni boshqarishni avtomatizatsiyalash, mahsulotlarning sifatini va miqdorini oshirish imkonini beradi va shu bilan energiya resurslarini sarflashni kamaytiradi.

The article analyzes traditional methods for controlling the production of ceramic materials. It was noted that stabilization of the given temperature and aerodynamic fields, automotive regulation of the firing process and pushing of the wagons allow to increase the volume and quantity of products, thereby reducing the consumption of energy resources.

В повышении качества керамического кирпича, увеличения объема выпускаемой продукции, экономическом использовании сырья и энергетических ресурсов, выведении человека из зоны влияния вредных для его здоровья факторов важное место занимает автоматизация технологического процесса обжига.

Не смотря на наличие значительного количества управляющих влияний, туннельная печь не позволяет в полной мере использовать преимущества автоматики. В лучшем случае, система управления может обеспечить стабилизацию заданного температурного и аэродинамических полей. Компенсация возмущений, связанных с нарушением геометрической конструкции садки, изменения свойств полуфабриката и другими факторами требует перенастраивания режима обжига. Кроме того, в случае возникновения нарушений в данном процессе, связанных с выходом из строя технологического оборудования (садчиков, толкателей, вентиляторов и т.п.) их устранение возможно лишь при условии использования опыта и инструкций практиков - Технологов. Но и они не всегда могут оперативно выяснить и устранить причину возникновения нарушения.

Преимущественно на заводах стараются осуществлять управление максимальной температурой. Однако проектирование системы управления температурного поля по одной точке контроля температуры с влиянием на общий расход топлива на обжиг не обеспечивает стабилизации заданного режима в печи. Для поддержки температурного поля печи необходимо регулировать расходы топлива и воздуха в отдельности на каждую горелку или на группу горелок. Многие из действующих туннельных печей не разрешают осуществлять такое регулирование из-за того, что имеют по одному общему газопроводу по каждую сторону печи, от которого ответвляются многочисленные горелки на соответствующих позициях печи в зоне обжига и нагревания. Установка исполнительных механизмов на каждую горелку нецелесообразно из-за большого количество горелок в печи, и, как следствие, из-за чрезмерного осложнения и удорожания системы управления.

Чтобы ввести для туннельной печи контур стабилизации максимальной температуры в зоне обжига, обычно предприятии изменяют схему газовой разводки печи, путем объединения горелок зоны обжига в отдельную группу и установку исполнительного механизма для регулирования расхода газа к этим горелкам. Таким образом удается регулировать температуру в зоне обжига, не внося важных изменений в тепловой режим других зон. Однако ос-

тавшаяся часть температурной кривой остается нерегулированной. Еще более остро проблема регулирования температуры в зоне обжига возникает в случае оснащения туннельных печей горелочными группами, где на каждую горелку расход газа может быть разным.

Часто используются для обеспечения стабилизацию аэродинамического и температурного полей печи наиболее распространенные системы, в которых существуют несколько отдельные, не связанные между собой контуры регулирования.

На современных производствах керамической промышленности широкое распространение получили компьютерно-интегрированные комплексы, базирующиеся на использовании контроллеров и ПК. Но наряду с производствами, которые имеют полностью автоматизированные линии, за неимением средств в данной области на сегодняшний день существуют и предприятия, управления обжигом на которых осуществляется с помощью локальных средств автоматизации.

Стабилизация аэродинамического поля печи осуществляется путем регулирования разрежения в зоне нагревания и давления в зоне охлаждения [1]. В зоне нагревания регулирующее устройство руководит поворотной заслонкой, расположенной на трубопроводе выведения дымовых газов. Температура этих газов не должна быть низшей точки росы из-за того, что при снижении температуры газов ниже этой точки водные пары, содержащиеся в газах конденсируются на холодных изделиях. Этим может быть вызванное отслоение поверхности и, тем самым, появление брака уже в начале процесса обжига. Точка росы дымовых газов нестабильна из-за того, что зависит от влажности изделий, поступающих в печь. Влажность же кирпича также непостоянна и определяется условиями формования и сушки сырца.

Таким образом, измерение точки росы дымовых газов и варьирование объема выводимых газов по разнице температуры дымовых газов и их точки росы обеспечивает минимальные потери тепла. При этом повышается качество стабилизации аэродинамического поля печи в зоне нагревания. Для более точного измерения температуры дымовых газов и точки росы отбор сигналов проводят в начале зоны нагревания перед дымососом [2] .

Реализация описанного способа показана на рис. 1.

Температура дымовых газов, измеренная датчиком 1, преобразуется с помощью преобразователя 2 в унифицированный токовый сигнал. На регулятор 4 подается сигнал от преобразователя 2 и датчика точки росы 3. Там находится их разность, определяющая управляющее воздействие на исполнительный механизм 5, который сочленен с регулирующим органом 6, изменяющим интенсивность отбора дымовых газов таким образом, что разница между их температурой и точкой росы восстанавливается к заданному значению.



Рис. 1. Схема регулирования отбора дымовых газов.

В случае существования воздушной завесы между зонами нагревания и обжига регулирование температурного поля в зоне нагревания может осуществляться с помощью изменения количества воздуха, вдуваемого через указанный занавес [3]. Регулятор, который получает сигнал через вторичный преобразователь от термопары, управляет поворотной заслонкой на трубопроводе воздушной завесой.

В системах управления градиентный контроль следит за возрастанием температуры в зоне нагревания с последующим влиянием как на расход дымовых газов, так и на воздух для завесы.

При периодическом проталкивании печных вагонов большое значение имеет его интервал. Отсюда вытекает необходимость контроля интервала проталкивания, автоматизации процесса толкания и разработка системы отключения горелок в момент толкания.

Существуют системы управления, в которых уровень тепловой обработки изделий в печи связан с интервалом проталкивания вагонов. Существуют способ автоматического регулирования процесса обжига, который предусматривает изменение времени между толканиями вагонов в зависимости от температуры в нескольких точках зоны обжига. Для того, чтобы изменяемая температура характеризовала зону обжига, термопары на трех позициях соединяются последовательно. Суммарная термоэлектродвижущая сила измеряется встроенным специальным преобразователем времени, который учитывает время пребывания вагонов в печи при определенной температуре. Схема предусматривает автоматическое проталкивание вагонов в зависимости от произведения температуры в зоне обжига и времени пребывания изделий в этой зоне. Такое

управление разрешает экономить топливо для обжига и повышает производительность туннельной печи. К недостаткам этого способа регулирования относится возможность его использование только при условии постоянного количества обжигаемых изделий и подаваемого в печь теплоносителя.

Существует так же система, которая корректирует температурное поле зоны обжига в зависимости от ритма проталкивания. Ее структурная схема приведена на рис. 2



Рис.2. Структурная схема системы управления температурным полем зоны обжига.

Температура на каждой позиции печи зоны обжига измеряется датчиками температуры 8-10 и сравнивается в регуляторах 11-13 с за датчиками 14-16. В случае отклонения текущего значения температуры от заданного регуляторы 11-13 влияют на регулирующие органы 18-20, установленные на газопроводах горелок 5-7, таким образом, чтобы восстановить заданную температуру в печи.

Время пребывания изделий в зоне обжига задается равным произведению интервала проталкивания $\Delta t_{пр}$ на количество позиций зоны обжига n.

При обычном интервале проталкивания температура в зоне обжига определяется кривой 1. В этом случае корректор 17 не влияет на задатчики температуры 14-16. При задержке загрузки реальное время нахождения изделий в зоне обжига превышает заданное, и корректор выдает сигнал на снижение температуры на той позиции, где время выдержки исчерпано. Например, при задержке на время меньше Δtпр корректирование осуществляется на третьей позиции (рис. 2) и температурное поле определяется кривой 2. При задержке больше Δtпр кривая обжига может принимать формы 3 и 4.

При постоянном заданном ритме проталкивании корректор влияет на задатчики таким образом, что дальнейшая температура определяется в обратной последовательности - кривыми 3, 2 и 1.

В системах управления могут быть также предусмотрена возможность перенастраивания кривой обжига в случае изменения ритма проталкивания. Но в данном случае речь может идти не только о задержке в проталкивании, но и об изменении значения $\Delta t_{пр}$. В случае, когда $\Delta t_{пр} \geq \Delta t_{прдоп}$ ($\Delta t_{прдоп}$-наибольший допустимый интервал проталкивания) система автоматически выключает подачу газа и воздуха на горелки или горелочные группы и тем самым переводит печь в "режим ожидания".

Температурное поле зоны охлаждения поддерживается путем изменения расхода холодного воздуха, который вдувается в печь.

Во время обжига изделий в туннельной печи из-за расслоения потока теплоносителя, его температура с левой и правой сторон печной стенки может различаться. Это, в свою очередь, вызывает неравномерный прогрев садки. Для устранение упомянутого эффекта предложена система. рис. 3.



Рис. 3. Схема системы управления, направленной на выравнивание температуры с обеих сторон печи.

Если температуры по сторонам печи равны, клапаны 14 и 15 открыты, а тепловой режим стабилизируется регулятором 11 расхода топлива по суммарному сигналу датчиков температуры 4 и 5. Если с одной стороны печи температура начинает повышаться, сигнал соответствующего датчика становится больше, чем сигнал датчика с противоположной стороны. Это вызывает возникновение сигнала на выходе элемента сравнения 7. В зависимости от знака этого сигнала возникает сигнал на выходе знакочувствительного элемента 13. Срабатывает привод соответствующего запорного клапана 14 или 15, который закрывается, и подача топлива к соответствующей горелке 1 или 3 прекращается.

Если температура со стороны датчика 4 больше, чем температура со стороны датчика 5, то закрывается клапан 14. Одновременно с возрастанием температуры в зоне датчика 4 на

входе регулятора расхода топлива 11 появляется сигнал такой полярности, при которой исполнительный механизм 12 уменьшает подачу топлива. Однако чувствительность регулятора 11 выбрана меньшей чем чувствительность элемента 13. Поэтому клапан 14 закрывается раньше, чем суммарный сигнал на входе регулятора 11 возрастет до уровня его срабатывания. Это разрешает сохранить неизменным режим работы горелок 2 и 3, а также и в зоне этих горелок и датчика 5.

Снижаясь, температура в зоне датчика 4 становится равной температуре в зоне датчика 5, клапан 14 открывается, а тепловой режим стабилизируется регулятором И.

Если с одной стороны печи температура начинает снижаться (например из- за выхода из строя датчика температуры, нарушения контакта на клеммной коробке), то сначала срабатывает один из запорных клапанов. Поскольку сигнал от датчика в данном случае отсутствует, то срабатывает и позиционный регулятор, например, 10 и без выдержки времени через коммутирующий элемент 17 подключает к суматора 6 компенсующий сумматор 8. Сумматор 8 выдает сигнал, пропорциональный разности сигналов задатчика 18 и суммарного сигнала датчиков 4 и 5. Чем меньше сигнал датчика 4, тем больше компенсирующий сигнал. Складываясь на сумматоре 6 с сигналами датчиков 4 и 5, компенсирующий сигнал исключает появление на регуляторе 11 сигнала, увеличивающего расход топлива выше расчетной производительности двух горелок. При отсутствии компенсирующего сигнала система увеличивает расход топлива таким образом, что на работающие горелки поступает топливо с отключенной горелки.

Но работа описанной системы становится невозможной в случае использования на печи не отдельных горелок, а горелочных групп, которые завязаны на один трубопровод подачи топлива. В данной ситуации перекрытие каждой отдельной горелки (в группе их 10-12) весьма затруднено и приводит к подорожанию системы. Кроме того, когда садка состоит из нескольких (больше двух) пакетов, то равная температура теплоносителя с обеих сторон печи еще вовсе не означает, что такая самая температура будет в газовом потоке и между пакетами. Поэтому проблема неравномерного прогрева садки такой системой не учитывается. Решить задачу неравномерности с помощью систем автоматического управления невозможно. Для этого необходимо усложнить конструкцию самой печи.

В системах управления предусмотрены контуры регулирования аэродинамическим режимом подвагонеточного пространства. Необходимость данной процедуры возникает из-за того, что несбалансированность аэродинамических режимов в печном и подвагонеточном пространствах приводит к значительному газообмену через подовую систему печи (образованную печными вагонами и песочными затворами), имеющею неплотности. В основном регулирование аэродинамического режима подвагонеточного пространства осуществляется по перепаду давлений между ним и обжиговым каналом [4].

Усовершенствование такой системы состоит в положении, что подсосов воздуха не может быть, в том случае, когда аэродинамический режим подвагонеточного пространства совпадает с аеродинамическим режимом канала печи [5]. На рис. 4 приведена структурная схема данной системы.

В этой системе осуществляется регулирование подачи воздуха в подвагонеточное пространство по разности давлений в нем и обжиговом канале печи.



Рис.4. Структурная схема системы выравнивания аэродинамического поля подвагонеточного пространства и канала печи.

Наиболее приемлемым является регулирование расхода воздуха по разности давлений в зоне высоких температур, перед ближайшим к зоне обжига вентилятором, где даже небольшие подсосы из канала печи могут существенно увеличить температуру в подвагонеточном пространстве.

Датчик разности давлений 23, влияя на регулятор 7, уменьшает подачу воздуха вентилятором 3, снижая давление в точке аэродинамического поля и уменьшая расход массы воздуха между вентиляторами 3 и 5. Уменьшение расхода воздуха вентилятором 3 приводит к соответствующему уменьшению расхода воздуха вентилятором 5. Снижение уровня подсосов из печи в районе вентилятора 5 приводит к

соответствующему уменьшению расхода воздуха вентилятором 6. Это, в свою очередь, приводит к выравниванию давлений и уменьшению отбора воздуха вентилятором 6 к полному совпадению аэродинамических характеристик в обжиговом канале и подвагонеточном пространстве.

Различие температур в сечениях печи выделяется схемой сравнения 24, к входу которой подключены датчики температур 17 и 18. Выход схемы 24 к входу блока произведений 30. К другому входу блока 30 подключен датчик расхода 11. Таким образом, на выходе блока 30 формируется сигнал, поступающий на один из входов сумматора 33, на другой вход которого подается сигнал от датчика расхода 11. На выходе сумматора формируется сигнал, который в схеме сравнения 27 сравнивается с сигналом от датчика расхода 12. Сигнал разности поступает в регулятор 8, который управляет производительностью вентилятора 5, устанавливая уровень расхода массы. Аналогичным образом управляются вентиляторы 4 и 6, обеспечивая уровень расхода массы воздуха в двух сечениях подвагонеточного пространства каждый между, соответственно 6 и 4 и 5 и 6 вентиляторами.

Следует отметить, что расход воздуха, который подается на вентиляцию подвагонеточного пространства, и температуры воздуха, отводимого из него, поскольку скорость теплопередачи (через низ печных вагонов) зависит от различия температур, а температура носителя в обжиговом канале практически не изменяется, то есть если воздух, который подается вентилятором 3 становится холоднее, то под нагревается быстрее. Различие температур увеличивается, что приводит к увеличению сигнала из выхода блока 30 и сумматора 33. Регулятор 8 в этом случае увеличивает расход воздуха, отбираемого вентилятором 5.

В отличие от многих отечественных производств, которые строились возле месторождений глины и использовали только ее, заграничные предприятия не имеют такой привязки к конкретному сырью. Поскольку большинство из этих заводов является многоассортиментными и часто производят продукцию "под заказ", используя для этого разнообразную шихту, то и в системах управления предусмотрено перенастраивание процесса обжига на новую температурную кривую в соответствии с видом изделий на печном вагоне.

Также, в отличие от существующих отечественных, заграничные системы управления обжигом имеют возможность работать как в полностью автоматическом, так и в ручном (как для всего процесса, так и для его отдельных участков, например, отдельных горелочных групп) режимах. Однако к недостаткам зарубежных систем управления можно отнести интерфейс пользователя языком производителя (например итальянском), что значительно усложняет процесс обучения обслуживающего персонала. Также такие системы управления поставляются "под ключ" только вместе с печью и другим технологическим оборудованием, которое, конечно, влияет на цену, превышающую 1,5 млн. долларов и потому для большинства предприятий являющуюся недосягаемой.

Заграничные системы управления рассчитаны на безупречное выдерживание технологического регламента на всех стадиях производства, а потому при определении температурного поля совсем не учитывается степень помола шихты.

Как показала практика, даже при наличии систем управления от ведущих фирм, не удается избежать распределения температуры газовой среды по высоте и ширине печи. Поэтому неоднородность свойств изделий сохраняется и не учитывается при управлении процессом обжига. А математическое обеспечение, которое бы разрешало обеспечивать необходимое качество изделий, отсутствует.

Литература:

1. Аъзамов Т.Н., М.С.Якубов Особенности многостадийного процесса обжига керамического кирпича в туннельной печи // Международный научный журнал «Молодой учёный» №10(144)/2017 стр. 111-113

2. Аъзамов Т.Н., Ражабов Н.А., Гайбулов К.М. Особенности технологии обжига керамических строительных материалов// "Меъморчилик ва курилиш муаммолари" илмий техник журнали. Самарқанд 2017 й. №3 сон, 58 бет

3. Айматов Р.А., Бобоев С.М., Алибеков Ж. "Газ таъминоти" ўқув қулланмаси. Тошкент. 2003 й. 176-бет.

4. Способ автоматического регулирования теплового режима печи: С.Н. Юров, В.Ф. Костин- №3799750/29-33; Заявлено 08.10.84; Опубл. 07.04.86, Бюл. № 13.- 2с

5. Ярощук И.В., Остапенко Ю.А. Экспериментальное исследование обжига кирпича в туннельной печи для создания математического обеспечения системы упавления // Сб.трудов VIII междун. научно-технич. конф. «Машиностроение и техносфера на рубеже XXI века».- ТомЗ.-Донецк: ДонГТУ, 2001.

6. Аъзамов Т.Н. "Оптимизация процесса производства керамических изделий с учетом свойств сырьевых материалов" // "Modern modification in the national education: Theoretical and practical science" мавзусида халқаро миқиёсидаги конференция. 2018г. 152 стр

7. В.С. Тихонов, А.Н. Авельев. Устройство для автоматического регулирования аэродинамического режима подвагонеточного пространства туннельной печи: - №2875772/29-33; Заявлено 25.01.80; Опубл. 23.10.81, Бюл. №39 .- 4с.

УДК 692.23.536.2

ҒИШТ БИНОЛАР ТАШҚИ ДЕВОРЛАРИНИНГ ИССИҚЛИКНИ САҚЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ

Сирожиддинов У.С., доцент в.б.; **Жўраев У.Қ.** мустақил изланувчи (СамДАҚИ)

Статья посвящена исследованию методов повышения сейсмостойкости кирпичных зданий, а также изучению влияния бетонных антисейсмических поясов на температурное поле внешних стен и разработке предложений по предотвращению образования конденсационной влаги на угловых участках стен.

Paper is devoted research of methods of raise of seismic stabilty of brick buildings, and also studying of agency of concrete antiseismic belts on temperature pattern of external walls and working out of offers on prevention of formation of the condensing moisture on angular sections of walls.

Хоналар ичида меъёрдаги температура-намлик режимини сақлаб туриш ва иссиқлик йўқотилишини олдини олишнинг турли усуллари ихтиро қилинган. Маълумки, биноларнинг шакли ҳам иссиқлик йўқотилишига таъсир этади. Шу маънода биноларнинг цилиндр, куб ёки параллелепипед шакли иссиқлик сақлаш учун энг оптимал ҳисобланади. Лекин бизнинг мамлакатимизда аксарият жамоат ва маъмурий биноларнинг ташқи деворларини кўп қиррали (бурилишли) қилиб қуриш анъанага айланган. Ўтказилган тадқиқотлар ташқи деворларнинг кўп бурилишли шакли хона бурчакларидаги иссиқ ҳавони яхши айланишига тўсқинлик қилишини кўрсатди. Натижада шифт ва деворларда моғорлар пайдо бўлиб, хонадаги микроиқлимни ёмонлаштиради ва хонанинг эксплуатацион сифатларига путур етказади. Мақолада ғишт девор антисейсмик камарлар ташқи сиртининг иссиқлик ўтказувчанликка қаршилигини ошириш усуллари таҳлил қилинган.

Ғишт биноларнинг иссиқлик-физик хусусиятларини яхшилашда хонанинг ички ёки ташқи деворларини иссиқлик изоляциялаш услубини тўғри танлаш муҳим ўрин тутади. Ичкаридан иссиқлик изоляциялаш усулини қўллаганда ташқи деворларнинг иссиқлик йўқотиши ташқи деворни ўзини изоляциялашдан 6 марта кўп бўлиши, бундан ташқари, юк кўтарувчи деворлардан фойдаланиш шартлари ёмонлашиши натижасида деворда ёриқлар ва деформация пайдо бўлишии, девор конструкцияларида “шудринг нуқтаси” ҳосил бўлиб, конденсат билан боғлиқ емирилишларга олиб келиши илмий маълумотлар асосида таҳлил қилинди.

Амалиётдан маълумки, ҳар қандай материал, жумладан қурилиш материаллари сиртининг температураси “шудринг нуқтаси” температурасидан ҳам паст бўлганда, материал юзасида сув томчилари пайдо бўлади, яъни конденсацион намлик ҳолати юзага келади.

Қурилиш материаллари ва ташқи тўсиқ сиртларида ҳосил бўлаётган конденсацион намлик вақт мобайнида, секинлик билан қурилиш материалларининг жисмига сўрилиб, конструкциянинг нисбий намлигини оширади.

Температуралардаги тафовутни муайян шароитларда ғишт деворли хоналар деворларига ёпма плиталар таянган участкаларда, ташқи деворларнинг бурчагида, карниз қисмида, деворларнинг цокол билан туташган жойида, панел деворларнинг бир-бири билан туташган чокларида ҳамда деворларнинг дераза ўрни билан кесишган жойларида кузатиш мумкин. Ғишт деворли хоналарнинг ташқи конструкциялари сиртларида ҳароратининг пасайиши конденсацион намликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади.

Деворларга таянган ёпмалар мисолида оладиган бўлсак, деворлар эни қанчалик кичик ва ёпма плитанинг девор устига чиққан қисми қанчалик катта бўлса конденсацион намлик ҳолати шунчалик яққол кўзга ташланади. Ғишт деворли хоналар деворларига ёпма плиталар таянган участкалар температурасини аниқлаш учун температура майдонини қуриш ёки иссиқлик ўтказувчи қўшимчаларни ҳисоблаш методикасидан фойдаланиш мумкин.

Ташқи тўсиқ конструкциялари конденсацион намлигини ҳосил бўлиш ёки бўлмаслигини аниқлаш учун ички ва ташқи ҳаво ҳароратини билиш зарур. Ички ҳаво ҳарорати ва нисбий намлиги бинонинг қандай мақсадда қурилганлигиги асосан танлаб олинади. Масалан, тадқиқотларда турар-жой бинолари учун ички ҳавонинг нисбий намлиги $g_т$ =50 - 55% ва ҳарорати $t_и$ = 18°С қабул қилинди. Ташқи ҳаво ҳарорати ва нисбий намлик даражаси учун ҚМҚ 2.01.01-94 бўйича энг совуқ ойнинг ўртача ҳарорати ва намлиги қабул қилинди.

Ўтказилган экспериментал тадқиқотлар юқорида баён қилинган натижаларни берди. Тадқиқотларда Самарқанд шаҳрида ғиштдан $\lambda_{терим}$ = 0,76 Вт/(м·°С) бўлган қум-цемент қоришмаси билан терилган ва ички томондан 2

см қалинликдаги $\lambda_{сувоқ}$ = 076 Вт/(м·°С) бўлган қум-цемент қоришмаси билан сувалган қалинлиги 51 см бўлган деворда температураларнинг тақсимланиши ва хона деворларига ёпма плиталар таянган участкаларни қўшимча иситиш лойиҳаси ва ҳисоблаш ишлари бажарилди. Ҳисоб-китобларда бинонинг томёпмаси сифатида қалинлиги 16 см $\lambda_{терим}$ = 1,92 Вт/(м·°С) бўлган темир-бетон плиталар олинди. Бунда плиталарнинг девор устига минган қисми 20 см ни ташкил этди. Тажрибаларда энг совуқ 5 кунлик температураси – 18 °С, хона ичидаги харорат эса 20 °С ни ташкил этди. Нисбий намлик 60 фоиз бўлганда "шудринг нуқтаси" температураси t_d = 12,0°С га тенг.

Тадқиқот ишлари давомида ва илмий манбалардан ғишт бино деворларига ёпма плиталар таянган участкаларда температура майдони иккиўлчамли эканлиги аниқланди. Ўлчовлар ва ҳисоблашлар натижаси деворларга ёпма плиталар таянган жойларда температура $\tau_{ёпма}$ = 10,9°С га тенг бўлиб, бу ҳарорат "шудринг нуқтаси" температураси t_d = 12,0°С дан 1,1 °С га пастлигини ва ушбу участкада конденсат ҳосил бўлиш хавфи юқори эканлигини кўрсатди. Конденсат ҳосил бўлишини олдини олиш учун деворга плиталар таянган жойлар ва деворнинг шу қисмини иситиш амалларини ўтказиш зарур бўлди. Иссиқликни сақловчи материал сифатида $\lambda_{исит}$ = 0,041 Вт/(м·°С) бўлган γ_0 = 40 кг/м^3 пенополистирол плиталардан фойдаланилди.

Температура майдонларини ҳисоблаш натижалари бўйича ёпма плита ва деворларда конденсат ҳосил бўлмаслигининг конструктив йўли топилди. Бунинг учун, плиталар таянган жойларга плитанинг пастки ва устки қисмларида кенглиги 100 мм бўлган пенополистирол карниз ва плинтусларни жойлаштириш керак бўлади. Бунда иссиқ изоляцион материалнинг қалинлиги 40 мм.ни ташкил этди. Қайд этиш жойизки бу усулда фақат конденсат тушишининг олди олинади.

Ташқи тўсиқлар ички сиртида конденсация юзага келмаслиги учун бино ичидаги ҳаво алмашинишини ошириб, намлигини пасайтириш керак бўлади. Бундан ташқари тўсиқлар ички сиртининг ҳарорати шудринг нуқтасининг ҳароратидан катта бўлиши керак. Бу эса ташқи тўсиқнинг иссиқлик ўтказувчанлик қаршилигини ошириш ёки унинг ички сиртининг иссиқлик ўтказувчанликка қаршилигини камайтириш билан амалга оширилади.

Ташқи тўсиқ конструкцияларда конденсацион намлик ҳосил бўлиш ёки бўлмаслиги графикка асосан конструкцияда сув буғининг максимал парциал босим чизиғи аниқланади. Ундан кейин шу конструкцияда сув буғининг ҳақиқий эластиклиги аниқланиб чизилади. Агар, сув буғининг максимал парциал босими кесишмаса, конструкцияда конденсацион намлик ҳосил бўлмайди, аксинча бўлса конденсацион намлик ҳосил бўлишининг эҳтимоли бор.

Бажарилган ҳисоблаш ишларида ташқи деворлар конструкцияларида ўзгармас иссиқлик миқдори оқимининг муҳандислик ҳисобларини кўриб чиқилди.

Юқорида қайд этилганидек, ғишт бинолар деворларида деталларнинг кўплаб уланма ва кесишмали жойлари мавжуд. Хусусан, бундай жойларга ғиштли бинолар хоналари деворларига ёпма плиталар таянган жойлар, бурчаклар ва бошқа чўзиладиган элементлар ўрнатилган қисмлар киради. Ундан ташқари ўлчамлари чекланган иссиқлик ўтказувчи алоҳида уланишлар, масалан, темирбетон ва пўлат балкалар, текисланган деворлар, перемичка, консоллар борки уларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти девор материалининг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентидан юқори тураді. Муайян шароитларда бу жойларда конденсат ҳосил бўлиш эҳтимоли ортади. Ғишт бинолар деворларидаги қўшимчаларда температурани ошириш мақсадида иссиқ ҳимоя элементи-пенополстиролни- девор жисми ичидан ёки ташқарисидан жойлаштириб муаммони ҳал қилиш имконияти мавжуд.

Адабиётлар

1. Маҳмудов М.М. Енгил конструкциялардан барпо этиладиган бинолар- нинг энергия тежамкорлик сифатлари ва иссиқлик устуворлиги.

2. Оболонский Н.В. Архитектурная физика. М: изд-во Мир книги: 2004 г.

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ
СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

ҚОҒОЗ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИДАН ЧИҚАДИГАН ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ

Қаршиев Ж.А., ўқитувчи (СамЧТИ); **Жўраев О.Ж.**, доцент;
Саидов С.С., доцент (СамДАҚИ)

В статье рассмотрены вопросы водоснабжения промышленных предприятий и удаление сточных вод, являющиеся одной из актуальных проблем сегодняшнего дня. Оценена роль метода флотации при обработке сточных вод с бумажных предприятий, а также разработки и эффективного использования очистки сточных вод путем фильтрации.

Water supply of industrial enterprises and wastewater disposal is one of the urgent problems of today. The role of the flotation method in the treatment of sewage from paper enterprises. Development and effective use of wastewater treatment by filtration.

Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалигини ривожлантириш табиатини кўриклаш ва асраш, экологик холатини сақлаб қолиш ва яхшилаш ҳамда аҳолисини соғломлаштиришда сувнинг мохияти катта. Саноат миқёсида қоғоз ишлаб чиқариш жараёни жуда мураккаб хусусиятларга эга. бўлиб, уни ишлаб чиқаришда жараёни бориш учун асосий восита сув ҳисобланади. Саноатда сувни ифлосланиши натижасида ҳосил бўлган оқовалар анъанавий тозалаш иншоатларидан ўтгандан кейин ҳам тупроқ ва ҳавога атроф-мухитга ўзини салбий таъсирини кўрсатади. Шу сабабли ҳосил бўладиган оқова сув таркибидаги эриган моддаларни чиқариш ва уларни чуқур тозалаш жараёнларини ўрганиш, таъсир кўрсатувчи омилларни илмий асосда ишлаб чиқиш ва самарали сув тозалаш усулларини қўллаш муаммоларини ечиш, шу кун мавзусининг долзарб масаласи эканлигини кўрсатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган китобида муҳандислик - коммуникатциялари тармоқларини ривожлантириш ва модернизатсия қилиш бўйича кенг кўламли вазифаларни бажариш кераклигини айтиб ўтган. Қоғоз ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқадиган оқова сувдан эримайдиган ва ўзи мустақил чўкадиган аралашмаларни ажратиб олиш учун флотация усулдан фойдаланилади. Эриган моддалар, масалан сирт фаол моддалар (СФМ) ни ажратиб олишда яхши самара беради. Бу жараённи кўпикли қуюлтириш деб ҳам аташади. Нефтни қайта ишлаш, суъний тола селлулоза қоғоз ишлаб чиқариш, терини ошлаш, машинасозлик, озиқ-овқат, кимё саноати оқова сувларини тозалашда флотация усули кенг қўлланилади Жараённинг узлуксизлиги, қўлланиш соҳасининг кенглиги, капитал ва эксплутатсион сарф-харажатларни унча катта эмаслиги, қурилмаларнинг соддалиги, тиндириш жараёнига нисбатан жараённинг тезлиги юқорилиги, намлиги юқори бўлмаган (90-95%) чўкма олишнинг имконияти борлиги, тозалаш самарадорлигининг юқорлиги (95-98%), юқоридаги усулнинг афзалликларини кўрсатади

Флотатциянинг элементар жараёни сувда юқорига кўтарилаётган ҳаво пуфакчаси билан қаттиқ гидрофоб заррачаларини ажратиб турган сув қатламчанинг бузилиб, пуфакчанинг заррача билан ёпишиб бирикиши хисобига рўй беради Пуфакча заррача комплекси сув сирт-юзасига кўтарилиб йиғилади ва ишлов бериладиган оқова сув нисбатан юқорироқ консентратсияли заррачаларнинг кўпикли қатлами ҳосил бўлади. Флотатцион заррача-пуфакча комплексининг ҳосил бўлиши, жараённинг тезлиги ва заррачаларни ўзаро мустаҳкам боғланишига, заррачалар табиатига, шунингдек, реагентларнинг заррачалар юзаси билан таъсир табиатига ва заррачаларнинг сувда намланиш қобилиятига боғлиқ. Пуфакчанинг бирикишида унинг ёпишиш майдонини чегараловчи ва қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатидаги фазаларни чегараси хисобланган 3 фазали периметр – линия ҳосил бўлади. 3 фазали периметр нуктасида пуфакча юзасига ўтказилган уринма ва қаттиқ жисм юзаси сувга қараган бурчак θ - (тета) ни ҳосил қилади ва у «ҳўлланиш бурчаги»деб ҳам аталади.

Заррачаларнинг ёпишқоқлик бурчак θ кўрсатгичи заррачаларнинг ҳўлланиш характерла-

рига боғлиқ. Ҳўлланиш бурчаги қанча катта бўлса заррачаларнинг бир-бирига ёпишқоқлигига ва заррача юзасида пуфакчани тутиб колиш мустаҳкамлиги шунча кўп бўлади. Муаллақ заррачаларнинг хўлланиш юзаси каттали-гига адсорбсион ходисалар сувда СФМ ва электролитларнинг борлиги таъсир кўрсатади.



1-расм. Флотация жараёни акти:1-газ пуфакчалари; 2-қаттиқ заррача

Сирт-актив моддалар реагент-йиғувчилар, заррачага адсорбсияланиб, уларнинг хўлланишини камайтиради, яъни гидрофоб қилади. Реагент-йиғувчилар сифатида ёғ-мой кислоталари, уларнинг тузлари, меркантанлар, кеантогенатлар дитиокарбенатлар, алкилсулфатлар ва аминлар қўлланилади.

Флотация флокулятция жараёни билан бирга олиб борилса унда бу жараён флотация деб аталади. Коагулясиядан сўнг ивиқларни флотация қилишда янги ҳосил бўлган ивиқларга ҳаво пуфакчаларининг ёпишиши ундан олдин ҳосил бўлган ивиқларга нисбатан ҳаво газ пуфакчаларга кўпроқ ва яхши ёпишишини назарда тутиш керак.

Еритмадан ҳавони ажратиш йўли билан флотация. Бу усул таркибида жуда кичик муаллақ заррачалар билан ифлосланган сувларни тозалаш учун ишлатилади. Усулнинг мохияти суюқликда тўйинган ҳаво эритмасини ҳосил қилишдан иборат. Босим камайганда эритмадан ифлосликларни флотация қилувчи пуфакчалар ажралиб чиқади. Сувда ҳавонинг тўйинган эритмасини ҳосил қилиш усулига қараб вакуумли, флотацияга бўлинади.

Вакуумли флотацияда оқова сувни аерасия камерада атмосфера босими остида ҳаво билан тўйинтирилади, сўнгра флотасион камерага юналтирилади, бу ерда вакуум насос ёрдамида 29.9÷39.9 кПа (225÷300 мм сим.уст) ушлаб турилади. Камерада ажралаётган майда пуфакчаларнинг бир қисм ифлосликларни чиқариб юборади. Флотация жараёнининг давомийлиги 20 мин давом этади.

Бу усулнинг афзаллиги: пуфакчаларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг заррачалар билан ўзаро ёпишиши бир текис осон мухитда амалга ошиши билан изоҳланади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. "Танқидий тахлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир рахбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак" номидаги китоби "Ўзбекистон" Тошкент 2017

2. Родионов А.И., Клушин В.Н., Систер В.Г. Технологические процессы экологической безопасности. М.: Калуга, 2000. – 650 с.

3. Турсунов Т.Т. Пулатов Х.Л., Муталов Ш.А. Оқова сувларни тозалаш технологияси фанидан маърузалар матнлари Тошкент – 2009

4. Ковалёв Б.Б., Ковалёва О.В. Теоритеческий и практический аспект электрохимический обработки воды. Кишинёв: Издетельско-полиграфический центр Молдавского госунверситета. 2003 г.

SHAHAR CHIQINDI SUVLARINI XLORLASH USULI BILAN ZARAZSIZLANTIRISH

Shakarov N.J., Ergashev I.SH., Tilyabov M.U. (SamDAQI)

Воду часто рециркулируют с помощью сильных окислителей, чтобы привести сточные воды в неопасное состояние (хлорирования). Хлор и его соединения (хлорная известь, диоксид хлора), а также озон используются в качестве окислителей. Чем больше холестерина в воде, тем больше хлор в ней поглощается. Поэтому для очистки сточных вод необходимы большие дозы. Хлорированная вода, содержащая аммиак или аммониевые соли, требует большого количества хлора, потому что хлор реагирует с водой с образованием хлораминов.

Water is often recycled with strong oxidizing agents to bring the waste water to a non-hazardous state of chlorination. Chlorine and its compounds (chlorine lime, chlorine dioxide), as well as ozone, are used as oxidants. The more cholesterol in the water, the more chlorine is absorbed into the water. Therefore, large doses are needed to treat wastewater. Chlorinated water, which contains ammonia or ammonium salts, requires a large amount of chlorine, because chlorine reacts with water to form chloramines.

Hozirgi kunda shahar chiqindi suvlarini tozalashning oxirgi bosqichi uni zararsizlantirishdir. Ma'lumki, ochiq suv havzalariga biologik usul bilan tozalangan chiqindi suvlarni tozalab bo'l-

maydi, chunki bunday suvlarni zararsizlantirmay suv havzalariga tashlash turli yuqumli kasalliklarni tarqalish xavfini tug'diradi. Qorin tifi, ichburug', sariq kaslligi va boshqa kasaliklarning tarqalishiga ko'pincha ichimlik suvining ifloslanishi sabab bo'lgan. Tozalash inshootlarida tozalangan suv hech qachon yuz foiz viruslardan tozalanmaydi.

Zararsizlantiruvchi omillardan eng ko'p ishlatiladigani xlor hisoblaniladi. Xlor gaz holatida va xlorli oxak holiday ishlatilishi mumkin. Keyingi vaqtlarda tozalash insootlarining o'zida elektroliz yo'li bilan faol xlor ajratib olish masalasi yo'lga qo'yilmoqda.

Bu har tomanlama foydali usul. Bunda xlor miqdoiri xlorator yordamida aniqlanib, kerakli miqdorda suvga solinadi. Chiqindi suvlarning xlorlangandan keyingi xususiyatini bilish uning ko'rsatgichlarini aniqlash gigiyena fanining vazifasi hisoblanadi.

Jumladan, chiqindi suv tarkibidagi organik moddalar har qanday sharoitda ham tabiiy suvnikidan ko'pdir, demak bunday suvlar xlorni o'ziga ko'proq tortadi. Demak, chiqindi suvlarni zararsizlantirish uchun ko'proq xlor sarflanadi.

Chiqindi suvlar uchun belgilangan xlor normasi 10 mg, mexanik yo'l bilan tozalangan suvlar uchun 30 mg. Suv zararsiz holatga o'tishi uchun xlor bilan yahshlab aralshishi kerak, bunuing uchun 30 minut vaqt ketadi. Buning uchun tozalash inshoatlariga aralashtirgich qurilmasi o'rnatiladi.

Suv xlorlangandan so'ng sistemali ravishda laboratoriyada qoldiq xlor aniqlanishi kerak. Qoldiq xlorning ruxsat etiladigan normasi 1 litr suvga 1,5 mg. Vaqti-vaqti bilan suvning bakteriologik holati tekshirib turiladi. S.N. Cherkinskiy va A.V. Kulikovlarning fikricha, suvning kol indeksi 1000 da oshmasligi kerak. Maslan, Kojuxovskiy tozalash inshootida tozalangan chiqindi suvni xlorlash oqibatida 1 ml. Suvdagi ichak tayoqchalari soni 10-60 atrofida bo'lgan.

Xlor va xlorli birikmalar keng tarqalgan oksidlovchilar qatoriga kiradi. Ular oqova suvda H_2S, gidrosulfid, metal-oltingugurt birikmalari, fenol, sian birikmalari uchraganda yaxshi natija beradi. Xlor suvga solinganda erib, aktiv formadagi xlor xosil bo'ladi va u oqova suvdagi birikmalarni oksidlaydi. Xlor suvfa solinganda vodorod oksoxlorat va xlorid kislotasi hosil bo'ladi.

$$Cl_2+H_2O \rightarrow HOCl+HCl$$

Keyinchalik HOCl kislotasining dissotsiatsiyasi sodir bo'ladi:

$$HOCl= H^{+}+OCl^{-}$$

Bunda Cl_2+HOCl+OCl^- yig'indisini erkin "aktiv xlor" deb ataladi. Sianidlarni oqova suvda zararsizlantirish jarayoni ishqoriy muhitda, pH=9 da olib boriladi. Sianidlarni elementar azodgacha oksidlash mumkin:

$$CN^{-}+2OH+Cl_2\rightarrow CNO^{-}+2Cl^{-}+H2O$$



Rasm. Oqova suvlarni xlorlash usulida tozalash. 1-o'rtalagich, 2,5-nasos, 3-injektor, 4-sig'im

Xlorlash jarayoni sig'imda olib boriladi. Ijektorda gazsimon xlor oqova suv bilan aralashib sirkulatsiyon sistemaga qushiladi. Suv to'liq tozalangandan keyin sistemadan chiqarilib, keyingi bosqichga yuboriladi.

$$2CNO+4OH+3Cl_2\rightarrow CO_2+6Cl^{-}+N_2+2H_2O$$

"Aktiv xlor" manbayi sifatida kalsiy xlorat, gipoxlorit, xloratlar, xlor dioksidi bo'lishi mumkin. Kalsiy xloratquyidagicha olinadi:

$$Ca(OH)_2+Cl_2\rightarrow CaOCl_2+H_2O$$

Gipoxlorit esa quyidagicha olinadi:

$$Ca(OH)_2+Cl_2\rightarrow Ca(ClO)_2+CaCl_2+2H_2O$$

Sianidlarni "aktiv xlor" bilan oksidlanishini quyidagicha olib borish mumkin:

$$CN^{-}+OCl^{-}\rightarrow CNO^{-}+Cl^{-} \text{ (a)}$$

$$CNO^{-}+2H_2O\rightarrow CO_3^{-2}+NH_4^{+}$$

Gidroliz tezligi muhit pH ga bog'liq. Muhit pH=5,3 bo'lganda bir sutkada sianidlarni 80% gidrolizlanadi. Bunda ikki bosqichda sianidlar N_2 va CO_2 gacha oksidlanadi. 1-bosqichda reaksiya (a) buyicha boradi. Keyingi bosqich quyidagi reaksiya buyicha boradi:

$$2CNO^{-}+3OCl^{-}+H_2O\rightarrow 2CO_2+N_2+2OH^{-}+3Cl^{-} \text{ (b)}$$

Reaksiya davomida muhit pH=8-11 atrofida bo'ishi kerak. Oksidlanish jarayoni qanday borganini qoldiq "aktiv xlor" ning konsentratsiyasiga qarab baholanadi. Ishlatiladigan kaltsiy xloratda "aktiv xlor" miqdori 30% gacha bo'lishi kerak, gipoxlorit kaltsiyda esa 60% gacha. Oksidlash uchun kerak bo'ladigan reagentlarning miqdori X_1 (kg/sut) quydagi formula orqali topiladi:

$$X_1=X_{Cl}+Qn/a$$

bu yerda, X_{Cl}-sianidlarni oksidlanishi uchun kerak bo'ldigan "aktiv xlor" ning sarfi, kg/m^3; Q-suv sarfi, m^3/sut; n-reagentni ortiqcha berish koeffitsienti (n=1,2-1,3); a-reagentdagi "aktiv xlor" ning miqdori, birlik ulushda.

Xulosa qilib, hozirgi vaqtda chuchuk suv tanqisligi sababli chiqindi suvlarni ochiq suv havzalariga tashlamay, undan ma'lum maqsadlar uchun qayta foydalanish shu kunning dolzarb masalasi bo'lib qoldi. Shu usul bilan aholi uchun zarur bo'lga suv havzalarini saqlab qolish,

markazlashgan vodoprovot sistemasida ishlatiladigan usullardan foydalanish, yani bir qavatli yoki ikki qavatli qumli filtrdan foydalanish mumkin. Sungra xlorlab suv ilgari holatiga qaytadi. Shu usul bilan suvdagi oksigenni 2 mg.ga, osilma moddalarni esa 1,5-3 mg.ga yetkazish mumkin. Bulardan tashqari, suv tarkibidagi azot va fosforni ham yo'qotish zarur.

Tozalangan suvni qayta tozalash vaqtida ham shunday kimyoviy moddalar paydo bo'ladi-ku, ular suvning sifatini mutloqo o'zgartirib yuboradi. Jumladan, suvni xlorlashda galoidometanlar hosil bo'ladi, ular blastomogen ta'sir ko'rsatuvchi kimyoviy moddalardir. Shu sababli qayta tozalangan suvlarni texnik maqsadlarda ishlatganda ham tarkibida turli kimyoviy moddalar borligini xisobga olib ochiq usulda ishlatishga ruxsat berilmaydi.

Gigiyenistlar tomonidan qayta tozalangan suvlar uchun ularning zarar bermaydigan sifat ko'rsatkichlari ishlanib chiqilgan. Shu ko'rsatkichlar qayta tozalangan chiqindi suvlarda saqlana olsa, unday suvlarni texnologik jaroyonlarda ishlatish mumkin.

Adabiyotlar:

1. Shamsiddinova G.D., Karimova D.A. Kimyoviy ekologiya. O'quv qo'llanma. Toshkent, Fan va texnika nashryoti, 2010.

2. Musayev M.N.. Sanoat chiqindilarini tozalash texnologiyasi asoslari. Toshkent. O'zbekiston faylasuflari milliy nashriyoti, 2011.

3. Ergashev A., Ergashev T.. Ekalogiya, biosfera va tabiatni muhofaza qilish. Toshkent, "Yangi asr avlodi", 2005.

УДК 504.4

ПРОБЛЕМЫ ОХРАНЫ И РАЦИОНАЛЬНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ

Собирова Д.А., ассистент, (СамДАҚИ); **Хамраев Ф.,** инженер, (ООО Геофундаментпроект)

Ushbu maqolada suv resurslari muammolari, holati va ularning sifatiga ziyon yetkazadigan ko'plab turli xil kimyoviy moddalar, hamda atrof-muhitni ifloslantirishning asosiy manbai sanoat korxonalari oqova suvlari va ularning muammolari haqida yoritilgan.

This article deals with a wide range of chemicals that affect water quality, state and quality of water, as well as the major sources of environmental pollution, from industrial wastewater and their problems.

Состояние водных ресурсов, на сегодняшний день, вызывает тревогу. Дело в том, что в водоёмы попадают огромное количество различных, не свойственных им, химических веществ, которые ухудшает их качество. Основным источником загрязнения окружающей природной среды являются промышленные предприятия, теплоэлектростанции и транспорт. Переход на новые технологии позволит уменьшить выбросы загрязнений. Общие правила заключаются в том, чтобы предотвратить загрязнения. Для этого в промышленности применяются системы очистки сточных вод и газоулавливающие установки, – на выхлопных трубах автомобилей устанавливаются специальные фильтры. Уменьшению загрязнения среды способствует переход на новые, более «чистые» источники энергии.

Рост городов, бурное развитие промышленности, интенсификация сельского хозяйства, значительное расширение площадей орошаемых земель, улучшение культурно-бытовых условий и ряд других факторов все больше усложняет проблемы обеспечения водой. Потребности в воде огромны и ежегодно возрастают. Ежегодный расход воды на земном шаре по всем видам водоснабжения составляет 3300-3500 км^3. При этом 70% всего водопотребления используется в сельском хозяйстве.

Много воды потребляют химическая и целлюлозно-бумажная промышленность, черная и цветная металлургия. Развитие энергетики также приводит к резкому увеличению потребности в воде. Значительное количество воды расходуется для потребностей отрасли животноводства, а также на бытовые потребности населения. Большая часть воды, после ее использования для хозяйственно-бытовых нужд, возвращается в реки в виде сточных вод. Дефицит пресной воды уже сейчас становится мировой проблемой. Все более возрастающие потребности промышленности и сельского хозяйства в воде заставляют все страны, ученых мира искать разнообразные средства для решения этой проблемы.

На современном этапе определяются следующие направления рационального использования водных ресурсов: более полное использование и расширенное воспроизводство ресурсов пресных вод; разработка новых технологических процессов, позволяющих предотвратить загрязнение водоемов и свести к ми-

нимуму потребление свежей воды.

Под загрязнением водных ресурсов понимают любые изменения физических, химических и биологических свойств воды в водоемах в связи со сбрасыванием в них жидких, твердых и газообразных веществ, которые причиняют или могут создать неудобства, делая воду данных водоемов опасной для использования, нанося ущерб народному хозяйству, здоровью и безопасности населения.

Основными источниками загрязнения и засорения водоемов является недостаточно очищенные сточные воды промышленных и коммунальных предприятий, крупных животноводческих комплексов, отходы производства при разработке рудных ископаемых, воды шахт, рудников, обработка и сплав лесоматериалов, сбросы водного и железнодорожного транспорта, отходы первичной обработки льна, пестициды и т.д.

Загрязняющие вещества, попадая в природные водоемы, приводят к качественным изменениям воды, которые в основном проявляются в изменении физических свойств воды (в частности в появлении неприятных запахов, привкусов и т.д.), в изменении химического состава воды (в частности, появление в ней вредных веществ), в наличии плавающих веществ на поверхности воды и откладывании их на дне водоемов.

Производственные сточные воды загрязнены в основном отходами и выбросами производства. Количественный и качественный состав их разнообразен и зависит от отрасли промышленности, ее технологических процессов. Их делят на две основные группы: содержащие неорганические примеси (в т.ч. и токсические), и содержащие яды.

Рост населения, расширение старых и возникновение новых городов значительно увеличили поступление бытовых стоков во внутренние водоемы. Эти стоки стали источником загрязнения рек и озер болезнетворными бактериями и гельминтами. В еще большей степени загрязняют водоемы моющие синтетические средства, широко используемые в быту. Они находят широкое применение также в промышленности и сельском хозяйстве. Содержащиеся в них химические вещества, поступая со сточными водами в реки и озера, оказывают значительное влияние на биологический и физический режим водоемов. В результате снижается способность вод к насыщению кислородом, парализуется деятельность бактерий, минерализующих органические вещества.

Вызывает серьезное беспокойство загрязнение водоемов пестицидами и минеральными удобрениями, которые попадают с полей вместе со струями дождевой и талой воды. В результате исследований, например, доказано, что инсектициды, содержащиеся в воде в виде суспензий, растворяются в нефтепродуктах, которыми загрязнены реки и озера. Это взаимодействие приводит к значительному ослаблению окислительных функций водных растений. Попадая в водоемы, пестициды накапливаются в планктоне, бентосе, рыбе, а по цепочке питания попадают в организм человека, действуя отрицательно, как на отдельные органы, так и на организм в целом.

Сточные воды, содержащие растительные волокна, животные и растительные жиры, фекальную массу, остатки плодов и овощей, отходы кожевенной и целлюлозно-бумажной промышленности, сахарных и пивоваренных заводов, предприятий мясомолочной, консервной и кондитерской промышленности, являются причиной органических загрязнений водоемов. В сточных водах обычно содержится около 60% веществ органического происхождения; к этой же категории органических относятся биологические (бактерии, вирусы, грибы, водоросли) загрязнения в коммунально-бытовых, медико-санитарных водах и отходах кожевенных и шерстомойных предприятий.

Защита водных ресурсов от истощения и загрязнения и их рациональное использование для нужд народного хозяйства - одна из наиболее важных проблем, требующих безотлагательного решения.

Значительно уменьшить загрязненность воды, сбрасываемой предприятием, можно путем выделения из сточных вод ценных примесей. Сложность решения этих задач на предприятиях химической промышленности состоит в многообразии технологических процессов и получаемых продуктов. Следует отметить также, что основное количество воды в отрасли расходуется на охлаждение. Переход от водяного охлаждения к воздушному, позволит сократить на 70-90 % расходы воды в разных отраслях промышленности. В этой связи, крайне важными являются разработка и внедрение новейшего оборудования, использующего минимальное количество воды для охлаждения.

Существенное влияние на повышение водооборота может оказать внедрение высокоэффективных методов очистки сточных вод, в частности физико-химических, из которых одним из наиболее эффективных является применение реагентов. Использование реагентного метода очистки производственных сточных вод

не зависит от токсичности присутствующих примесей, что по сравнению со способом биохимической очистки имеет существенное значение. Более широкое внедрение этого метода, как в сочетании с биохимической очисткой, так и отдельно, может в определенной степени решить ряд задач, связанных с очисткой производственных сточных вод.

Таким образом, охрана и рациональное использование водных ресурсов - это одно из звеньев комплексной мировой проблемы охраны природы

Литература:

1. Туровский И.С. Обработка осадков сточных вод. -М.: Стройиздат. 1984.
2. Жуков А.И. Монгайт И.Л., Родзиллер И.Д. Методы очистки производственных сточных вод. -М.: Стройиздат.
3. Евилович А.З. Утилизация осадков сточных вод. -М.: Стройиздат. 1989.
4. Комплексное использование и охрана водных ресурсов. Под редакцией О.А. Юшманова -М.: Агропромиздат. 1985.
5. Охрана производственных сточных вод и утилизация осадков. Под редакцией В.Н. Соколова -М.: Стройиздат. 1992.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ ХАВЗАСИДАГИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДЛАРИДАГИ СУВ ХЎЖАЛИК МУАММОЛАРИ

Даулетмуратова Н.А., (ҚДУ)

Статья посвящена проблеме сохранения водных ресурсов приаральских регионов, а также других территорий Республики Узбекистан.

Article is devoted a problem of preservation of water resources at the Aral regions, and also other territories of Republic Uzbekistan.

Дунёда ҳозирда тўлиқ ҳал қилинмаган қуйидаги сув хўжалик муаммолари мавжуддир: 1. Умумий сув танқислиги; 2. Чучук ичимлик сув ресурсларининг танқислиги.

Ўзбекистон Республикасида ҳам худди дунё миқёсидаги сув хўжалик муаммолари мавжуд бўлиб, ундан ташқари Орол денгизи суви сатхининг пасайиб бораётганлиги ҳам мавжуддир.

Бу муаммоларни келиб чиқишининг асосий сабаблари қуйидагилардир:

- Орол денгизи хавзаси ва шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чучук сув захираларининг ўта чегараланган миқдорда эканлиги;
- чегараланган чучук сув ресурсларининг ҳудудий ўта нотекис тақсимланганлиги ва тарқалганлиги:
- Орол денгизи хавзасида умуман ва шу жумладан Ўзбекистонда собик иттифоқ тузуми даврида пахта якка ҳокимлигининг вужудга келиши;
- қишлоқ хўжалигини экстенсив равишда ривожлантирилганлиги, пахта етиштиришнинг ҳажмини янги ерларнинг ўзлаштириш ҳисобига амалга оширилганлиги, ҳар бир ўзлаштирилган гектар ерни унумдорлигини кўтаришга етарли ахамият берилмагани, Сирдарё ва Амударё сувларини тўлалигича асосан суғоришга сарфланиши ва натижада Орол денгизига 80 - чи йилларнинг охиридан бошлаб бир томчи сув қуйилмаганидадир.

Бу сув хўжалик муаммоларини зудлик билан ҳал қилиниши Орол денгизи хавзасида экологик вазиятни соғломлаштириш, санитар ҳолатни яхшилаш ва жамиятимизнинг келажагини таъминлашда муҳим ахамиятга эгадир.

-Мавжуд чегараланган чучук сув ресурсларини турли (коммунал-хўжалик, саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик ва суғорма деҳқончилик, транспорт ва ҳ.к.) оқова сувлари билан ифлосланаётганидадир.

Муаммоларни ҳал килишнинг куйидаги йўллари мавжуд:

1. Бор сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, сувни бефойда сарфланишига ва ифлосланишига йўл куймаслик, агарда бу йўл билан сув хўжалик муаммоларини узилкесил ҳал қилиш мумкин бўлмаса у ҳолда;
2. Ҳавзалараро мавжуд сув ресурсларини қайта тақсимлаш йули билан сув билан кам таъминланган хавзаларга (худудларга) сув ресурси катта миқдорда ва ортиқча бўлган сув ресурсини қўшни хавзага узатиш йўли билан ҳал қилиш;
3. Табиатда жуда катта миқдорда бўлган (денгиз, кўл ва ер ости) шўрроқ ва шўр сувларни чучуклаштириш йўли билан мавжуд сув танқислигини ҳал қилиш.
4. Орол денгизи хавзасида умуман ва шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида пахта якка хокимлигини тугатиш;
5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришни

жадал усулда амлга ошириш, яъни хар бир ўзлаштирилган гектарнинг унумдорлигини ошириш, сувни тежаш технологияларини ва суғориш техникаларини кенг жорий қилиш.

6. Табиатни мухофаза қилишни умуман ва шу жумладан сув ресурсларини мухофаза қилишни кун талаби даражасида ташкил қилиш.

Ҳозирги кунда Орол денгизи хавзасида умуман ва шу жумладан Ўзбекистон ҳудудида юқорида санаб ўтилган тадбирларни маълум даражада амалга оширган ҳолда мавжуд сув хўжалик муаммолари ҳал қилинмоқда.

Табиий экологик ҳолати бузилмасдан олдин (1911-1962 йиллар) - денгиздаги сув сатхи 53+0.4 м мутлоқ баландликда бўлиб, ундаги сув ҳажми 1064 куб.км, майдони 66 минг кв.км, денгиз сувида эриган тузлар миқдори 10/11г л ни ташкил қилган. Денгиз сув йўли ва балиқчилик маскани бўлган. Кемалар Термиз шаҳрини Амударё ва Орол темир йўл бекати билан боғлаган. Йилига 44000 тоннагача ноёб (муйлабли ва лаққа) балиқ овланган.

Орол ҳавзасидаги суғоришга яроқли бўлган 32.6 млн.га ердан 5.1 млн.га суғорилган. Бунинг учун мавжуд хавза сув ресурсларидан (119 куб.км) 51.5 куб.км сарфланган. Худди шу ҳолатда Орол буйининг экологик тизими вужудга келган. Шунинг учун ҳам Орол бўйидаги ҳаётни ёки бу тизимсиз тасаввур қилиш ва Орол денгизининг геологик ва гидрогеологик тарихида бўлган ўзгаришлардан келиб чиқиб, усиз ҳам яшаш мумкин деган хулоса чиқариш асло мумкин эмас.

1995 чи йилга келиб Орол денгизидаги сув сатхи 37 м баландликкача, унинг хажми 285 куб. км гача, майдони эса 30 минг кв. км гача камайди, сувдаги эриган тузлар микдори эса 30 г/л дан ошиб кетди. Шу давр ичида хавзадаги мавжуд суғориладиган ерларни сув билан таъминланиш даражаси кескин ортди, қўшимча 2.5 млн. га ер ўзлаштирилди ва унга Сирдарё ва Амударё деярли ҳамма сув ресурслари ишлатилиб, денгизга деярли сув келмай қолди. Натижада денгиз қурий бошлади у балиқчилик хўжалиги ҳамда сув йўли сифатида ўз мавқеини йўқотди, экологик мувозанат издан чикди, иқлим ўзгара бошлади ҳарорат кишда 1.5-2.5 даражагача совийди, ёзда эса 1.5-2.5 даражагача исийди, ўсимликларни ўсиш (вегетация) даври 10-15 кунга қисқаради ва ҳ.к.

Орол денгизининг қуриган туби аҳолини, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини ҳамда ҳавони захарловчи туз - чанг заррачаларга тўла масканга айланди. Шамол орқали уларни 500 км масофага тарқалиши аниқланган. Турли тахминий ҳисобларга кўра Орол денгизида 10 млрд. тоннадан зиёд бундай тузлар захираси бўлиб, ҳар йили унинг 100-130 млн. тоннагача қисмини шамол ҳавога кўтаради.

Умуман олганда Орол денгизи ва бошқа ички сув хавзаларининг табиий экологик мувозанат тизимидаги ўрни ҳақида аниқ тасаввур йўқ. Шунинг учун ҳам айрим давлатларнинг табиат қонунлари ва синчиклаб ўтказилган илмий тадқиқотлар натижаларига асосланмаган табиий бойликлардан фойдаланиш сиёсати юмшоқ қилиб айтганда жиддий ўйланмаган бўлади.

Масалан, муаммонинг ўта мураккаблигини тасдиқлаш мақсадида профессор А.А. Турсунов тадқиқотлари асосида қуйидаги фикрларни келтирамиз. Орол хавзасидаги экологик мувозанатнинг бузилишига қадар ғарбдан Турон паст-текисликлигига йилига 2500 куб. км намлик, 15 млн. тонна чанг ва бошқа саноат чиқиндилари ҳаво билан бирга келган (Кавказ, Урал, Помир, Тяньшан ва Химолай тоғ тизмалари билан уралган Турон минтақаси ҳавоси нисбатан тоза хисобланган). Ички сув хавзаларида йилига 370 куб. км сув буғланган. У минтакага келадиган намнинг 14 фоизини ташкил қилиб, муҳим иклим хосил килувчи омил хисобланган. У Қизилқум ва Қорақум ҳавосини ёзда бир-мунча совитган, қишда эса илитган. Ҳозирги кунга келиб аҳвол тубдан ўзгарди. Орол денгизи ва Қорабуғоз хавзасининг қуриган қисмидан ҳавога йилига 310 минг тоннагача қаттиқ (туз ва чанг) аэрозоллар кўтарилмоқда. Унга эса кўпчилиги тадқиқотчиларнинг фикрича сўнгги йилларда Европа, Осиёнинг Орол хавзасига якин қисмида содир бўлаётган экологик ўзгаришларнинг сабаби бўлмоқда.

Бу ўзгаришлар халқ хўжалигининг кўплаб тармоқларини манфаатларига дахл қилади ва натижада ижобий самарадорлик билан бирга салбий оқибатларни вужудга келтиради. Агарда бутун сув хўжалик тизимни ягона мажмуа деб қаралиб ва мавжуд табиий шароитларни эҳтимолий ўзгаришларини ҳисобга олиб халқ хўжалигининг турли тармоқларини сувнинг миқдрорига ва сифатига бўлган талабларини узоқ муддатли башоратлаш асосида уни лойиҳаланган тақдирда бўладиган салбий оқибатларни сезиларсиз даражада бўлишини таъминлаш мумкин. Шунинг учун сув хўжалик тизимини бошқаришни ташкиллаштиришни сув хўжалик мажмуасини (СХМ) барпо қилиш асосида амалга ошириш керак. Бир вақтни ўзида СХМни мавжуд сув ресурслари билан барча халқ хўжалик тармокларини сувга бўлган талабини оптимал равишда қаноатлантириш имкониятини берувчи сув ва у билан боғлиқ табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни амалга

оширувчи тадбирлар ва иншоатлар мажмуаси сифатида қабул қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Узбекистон XXIаср бусагасида: хавфсизликка тахдит, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари.

2. Мирзаев Ш.О., Холбоев Б.М., Валиев Х.И. Сув ресурсларидан мукаммал фойдаланиш фанидан маърузалар матни туплами. Карши МИИ, 2000.

УДК – 628.1 Н - 87

СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИШ ҲАМДА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР

Нурматов П.А., Норқулов Б.М., Таджиева Д.О. (СамДАҚИ)

В статье рассматривается вопросы рационального использования водных ресурсов и предотвращение проблем, связанных с обеспечением питьевой водой.

In article it is considered questions of rational use of water resources and prevention of the problems connected with maintenance by potable water.

Ҳозирги фан техника ривожланган даврда сув ва сув ресурсларидан ортиқча, шунингдек ҳеч қачон бу неъмат тўгамайдигандек муносабатда бўлиш инсонлар олдида турган жуда катта хафвдир. Ер юзида сув энг кўп тарқалган модда булса-да, уларнинг 98 фоиз захирасини денгизларнинг шўр сувлари ташкил этади. Умумий чучук сувнинг атиги 0,1 фоизидан фойдаланиш имкони бор, холос (қолган сувлар эса ер қутблари ва баланд-баланд тоғ чўққиларида музликлар ва қор тарзида мавжуддир). Сувдан тежамкорлик билан фойдалана олмаслик сабабларидан яна бири такомиллашмаган технологияларга ҳам боғлиқдир.

Мамлакатимизда кўпгина ташкилотлар, саноат-корхоналари катта ҳажмдаги истеъмолга яроқли сувларни тўғридан-тўғри олиб ишлаб чиқариш учун ишлатиб келмоқда ва ишлаб чиқаришдан чиққан оқова сувлар эса тозаланмасдан ариқ ҳамда каналларга ташланмоқда, бу эса ўз навбатида аҳоли саломатлиги учун катта хавф тўғдириб қолмасдан, деҳқончилик, чорвачилик соҳаларида ҳам зарарли таъсирларини кўрсатаяпди. Давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, хориж технологияларини кенг қўллашимиз, шунингдек айланма сув тизимига ишлатилган сувни яъни оқова сувларни тозалаб саноат-корхоналарида тўлиқ қайта ишлатишга мослаштириш лозим. Республикамизнинг кўпгина худудларида, айниқса қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви очиқ қудуқлардан истеъмол қилинади, бу эса санитария-гигиена талабларига жавоб бермайди.

Чучук сувларнинг қайта тикланиши табиатда сув айланиши туфайли содир бўлади. Бу йилги об-ҳаво шароитида эса ёғингарчилик миқдори кам бўлганлиги сабабли бу кўрсатгич сезиларли даражада пасайиб кетди. Натижада ерости сувлари истеъмол туфайли ҳар йилгига нисбатан икки-уч ой олдин камайишни бошлади. Сув ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиб, ичимлик сувига бўлган талабни қондириш учун энг аввало аҳоли ўртасида сувга бўлган муносабатларни яхшилаш, инсонларнинг сувдан тўғри фойдаланишини шакллантириш, ҳамда ушбу мақсадга қаратилган тадбирларни оммалаштириш зарурдир. Сўнгги 40 йил ичида дунёдаги ҳар бир киши бошига тўғри келадиган чучук сув миқдори 60 фоизга камайганлигини эътиборга олсак, ҳозирда ишлаб турган сув истеъмоли кўп бўлган соҳаларнинг иқтисодий тежамкорлик билан ишлашини амалий ёндашувлар асосида ҳал этиш керак. Маълумот учун: ичимлик суви истеъмолига бўлган талаб сўнгги 100 йил ичида 6 мартага ортган, бу кўрсатгич 2050 йилга келиб яна 2 баробарга кўпайиши кутилмоқда. Бу энг аввало ирригация ва қишлоқ хўжалиги талабларидан келиб чиқмоқда. Айрим мамлакатлар эса оддий озиқ-овқат ишлаб чиқариш учун сув излаш билан овора…

Сўнгги йиллар мобайнида одамлар ҳаёт тарзи ва озиқланиш меъёрида ўзгаришлар рўй берди, ўтиш иқтисодиётини бошдан кечираётган мамлакатларда гўшт ва сут маҳсулотлари кўпроқ истеъмол қилина бошлади. Мисол учун бир килограмм буғдойни етиштириш учун 800 литрдан 1000 литргача сув сарфланса, бир килограмм гўшт учун бу миқдор 2000 литрдан 16000 литргачани ташкил қилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, 1985 йилларда бир йилда 20 килограмм гўшт истеъмол қилган хитойлик, 2017-2018 йилларга келиб 55-60 килограмм гўшт истеъмол қилишга ўтган. Бу эса Хитой учун 400 км.куб қўшимча сув дегани-

дир. Таққослаш учун 2012 йилда Швециянинг ҳар бир аҳолиси учун 79 килограмм, АҚШ нинг ҳар бир аҳолиси учун эса 128 килограмм гўшт тўғри келган. Инсоният ўз эҳтиёжлари учун чучук сувлардан жуда кўп фойдаланади. Аммо бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида чучук сувнинг етишмаслиги ҳоллари кузатилмоқда. Ҳозирги вақтда сайёрадаги шаҳар аҳолисидан 20 фоизининг ва қишлоқ аҳолисидан 75 фоизининг чучук сувга бўлган эҳтиёжи қониқарли даражада эмас.

Ушбу ҳолатларни чуқур ўрганиб мамлакатимизда сувга бўлган эҳтиёж ва талабни таъминлаш мақсадида мавжуд истеъмол сувларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси сувни тежаб ишлатиш борасида инновациялар яратиши ҳамда исроф бўлишига йўл қўймаслиги шарт. Ўзбекистон Республикасида олинган чучук сувнинг 92 фоизи қишлоқ хўжалигида, 6 фоизи саноатда, 0,5 фоизи коммунал хўжалигида сарфланса, 1,5 фоизи бўлиниб кетади.

Ҳозирда мамлакатимизда 77 та чучук ер ости ичимлик сув манбалари мавжуд ва уларнинг умумий захираси 57,6 млн. метр.кубни ташкил этади. Ушбу чучук сув захираларини муҳофазалаш борасида давлат сиёсати даражасида амалий ишлар йўлга қўйилган.

Эндиликда кам ва кўп қаватли хонадонларда сутка давомида сув билан таъминланган жойларда сувни тежовчи мосламаларни ўрнатиш ҳамда истеъмолчига сув етказувчи маънан эскирган яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурларни алмаштириш, шунингдек қишлоқ жойларда сўғориш учун ишлатилаётган артезиан қудуқларнинг сув истеъмоли сарфини сезиларли даражада камайтириш ва сўғориш учун ишлатиладиган сувларни ёғингарчилик бўлган вақтларда сунъий ҳовузлар қилиб ёғин сувларини йиғиш ҳамда сўғоришда ушбу сувлардан фойдаланишни йўлга қўйишни такомиллаштириш лозимдир.

Адабиётлар:

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида.” Тошкент. “Ўзбекистон”, 1995.
2. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни- 1993.
3. “Оқоваларни тозалаш”. К.А.Якубов. Услубий кулланма, 2004 йил.
4. “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” А.Ражабов, П.Нурматов, Б.Норқулов. Маърузалар матни, 2016.

УДК: 628.16

ТАБИИЙ СУВЛАРНИ ЭЛЕКТРОКОАГУЛЯЦИЯ ЙЎЛИ БИЛАН ТОЗАЛАШДА АРАЛАШТИРИШ ВА МОМИҚ ҲОСИЛ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИНИНГ АҲАМИЯТИ

Алладустов У.Б. (СамДАҚИ)

При реагентном методе очистки воды, процесс хлопьеобразование измеряется критерием Кэмпа, выражающим произведение градиента скорости на продолжительность перемешивания. Однако, при одинаковых значениях критерия Кэмпа получается различный эффект очистки воды. В статье приводятся результаты экспериментальных исследований влияния процесса перемешивания и хлопьеобразования на эффект очистки воды электрокоагуляцией.

At a reagent a water treating method, process the flocculation is measured Camp's expressing product of a gradient of speed on duration of hashing by the criterion. However, at identical values of criterion of Camp the various effect of water treating turns out. In article results of experimental researches of influence of process of hashing and a flocculation on effect of water treating are resulted by electrocoagulation.

Сувни самарали тозалашда коагулянтнинг сувга аралашиш ва момиқ ҳосил бўлиш жараёнини таъминловчи оптимал гидродинамик шароит яратиш энг муҳим шартлардан бири ҳисобланади. Гидродинамик режим чўкишга тайёр бўлган коагуляцияланган заррачаларнинг улчами, зичлиги, уларнинг бир-бири билан бирикиш тезлиги ёки парчаланишини белгиловчи асосий омилдир.

Момиқ ҳосил бўлиш боскичида сувни аралаштириш жадаллиги тезлик градиенти (G) ва аралаштириш давомийлиги (T_n) кўпайтмасини ифодаловчи Кэмп критерияси GT_n ёрдамида ҳисобга олинади. Сувни тозалаш амалиётида тезлик градиенти G аралаштиргичлар учун $1000\,c^{-1}$ гача, аралаштириш давомийлиги T_n 2 минутгача, момиқ ҳосил қилиш камералари учун эса мос равишда G $200\,c^{-1}$ гача ва T_n 8-60 минут қабул қилинади[1,3]. Тавсия этилган Кэмп критерияси GT_n қийматининг кенг кўламда узгариши аралаштириш жараёнининг

оптимал параметрини топишда анча қийинчилик тўғдиради ва шунинг учун хам тадқиқотлар давомида кўпинча бу критерияннинг аниқ қиймати худди коагулянт дозаси каби махаллий шароитдан келиб чиққан холда эксперимент ўтказиш йўли билан қабул қилинади. Мавжуд услубларда фақатгина реагентнинг оптимал дозасини аниқлаш бўйича гап юритилади, вахоланки коагуляция самарасига кучли таъсир кўрсатувчи аралаштириш жараёнининг оптимал параметрларини аниқлаш бўйича масала етарликча ёритилмаган.

Хориж адабиётларида Кэмп ишидан бошлаб сувни коагуляция йўли билан тозалашда механик аралаштиргичли камераларда аралаштириш жараёнини ҳисобга олиш бўйича баъзи бир таклифлар ва услубий кўрсатмалар келтирилган.

Кейинги йилларда МДХ давлатларида ҳам момиқ ҳосил қилувчи камераларни хисоблашда аралаштириш жадаллигини ҳисобга олиш бўйича кўплаб кўрсатмалар нашр этилди. Мазкур манбаларда ҳар хил реагентларни қўллаб сувни тозалашда Кэмп критериясиинг оптимал қиймати ва тезлик градиентини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган.

Ундан ташқари сувни тозалашда аралаштириш жараёнининг роли ва уни ҳисобга олиш усуллари кўплаб ишларда қараб чиқилган ва тезлик градиенти ҳамда аралаштириш давомийлиги қийматини коагуляциянинг иккала босқичи учун ҳам танлаш бўйича умумийлаштирилган тавсиялар берилган. Когуляциянинг иккинчи босқичи яъни момиқ ҳосил қилиш жараёнида аралаштириш тезлигини поғонали камайтириш таклиф этилади.

Лекин ҳар хил муаллифларнинг Кэмп критериясининг момиқ ҳосил бўлиш жараёнига таъсири бўйича айтилган фикрлари турлича. Масалан баъзи бир муаллифлар тезлик градиенти ва аралаштириш давомийлиги момиқ ҳосил бўлиш самарасига бир хил таъсир кўрсатади деб ҳисоблайди ва шу сабабли бу иккала қиймат кўпайтмасини бир хил критерия сифатида қабул қилади. Лекин бошқа бир тадқиқотчилар бу фикрга қўшилмаган ҳолда бу иккита фактордан ҳар бири момиқ ҳосил бўлиш жараёнига алоҳида таъсир кўрсатишини ва Кэмп критериясининг битта қийматига тезлик градиенти ва аралаштириш давомийлигининг бир қанча миқдорлари тўғри келишини таъкидлаб утишади. Мисол учун тезлик градиенти етишмаганда аралаштириш давомийлигини купайтириш оркали эришиб бўлмаслиги ва аксинча аралаштириш давомийлиги етарли бўлмаганда керакли момиқ ҳосил бўлиш самарасига етиша олмаслиги қайд этилади.

Юқорида келтирилган фикрлардан шу нарсани таъкидлаб утиш мумкинки тозаланаётган сувнинг сифатига, ишлатиладиган реагент турига ва коагуляция жараёнини жадаллаштириш усулига боғлиқ равишда Кэмп критерияси қийматини танлаш бўйича аниқ бир таклиф ва мулохазалар мавжуд эмас. Шунинг учун бу параметрларни худди коагулянт дозаси каби маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда эксперимент ўтказиш йўли билан аниқланиши мақсадга мувофиқдир. Бу холда дастлаб аралаштириш ва момиқ ҳосил қилувчи камеранинг аниқ конструкцияси учун Кэмп критерияси аниқлаб олинади ва сўнгра камера улчамлари ва жараён технологик тасвири аниқланган критерия қиймати бўйича танланади.

Кэмп критериясини аниқлашда тезлик градиентини хисоблаш бирмунча қийинчилик тўғдиради, иккинчи кўрсаткич - аралаштириш давомийлиги эса жараён давомида ўрнатилади.

Гидравлик типдаги камераларда аралаштириш жараёни камерага тушаётган сув энергияси ҳисобига амалга оширилади ва тезлик градиенти қўйидагича аниқланади:

- тўсинли камералар учун

$$G = \left[\frac{(n \cdot V_1^2 + (n-1)V_2^2)Q\rho}{2 \cdot W_K \cdot \eta} \right], \ c^{-1}$$

- айланма сув ва сув гирдоби ҳосил килувчи камералар учун

$$G = \left(\frac{\rho \cdot V^2 \cdot Q}{2 \cdot W_K \cdot \eta} \right)^{0,5}; \ c^{-1}$$

бу ерда, n -тўсинлар сони;

V_1 ва V_2- камера коридори ва бурилишда сувнинг тезлиги. м/с;

Q - тозаланаётган сув сарфи, м^3/с;

ρ - сув зичлиги, кг/м^3;

W_K - камера хажми, м^3;

η -сувнинг динамик қовушоқлиги;

V -узатиш қувуридан сувнинг камерага кириш тезлиги, м/с.

Сувларни электрокоагуляция йўли билан тозалашда аралаштириш ва момиқ ҳосил қилиш жараёнининг сувнинг тозаланиш даражасига таъсири лаборатория шароитида эксперимент тадқиқотлар ўтказиш натижасида ўрганилди. Аралаштириш ва момиқ ҳосил қилувчи камера қувур кўринишдаги органик шишадан тайёрланган бўлиб ўқ бўйича камера ичига худди шу кўринишдаги кичик улчамли аралаштиргич жойлаштирилган. Ички камера сув аралаштиргич ва ташқи камера эса момиқ ҳосил қилиш вазифасини бажаради. Камера-

нинг пастки қисми конуссимон қилиб ясалган. Электрокоагуляторда ишлов берилган сув дастлаб ички камеранинг пастки конуссимон қисмидан узатилади ва аралаштириш жараёнидан сўнг ташқи камерага келиб тушади. Момиқ ҳосил қилингандан сўнг сув ташқи камеранинг пастки конуссимон қисмидан ўлчов сиғимига узатилади. Ажралиб чиққан электролитик газлар камераннг юқорги қисмида ўрнатилган патрубка орқали чиқазиб юборилади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари эгри чизиқли боғлиқлик графикалари кўринишида 1 ва 2- расмларда кўрсатилган.



1-расм. Сувнинг тозаланиш даражасининг аралаштириш ва момиқ ҳосил қилиш камерасида сувни аралаштириш ҳамда тиндириш давомийлигига боғлиқлик графикаси: 1 – $T_{пер}$=0 мин; 2 – $T_{пер}$ =2,60 мин; 3 – $T_{пер}$ =3,88 мин; 4 – $T_{пер}$ =4,93 мин; 5 – $T_{пер}$ =6,00 мин

1- расмдан кўринадики тиндирилган сувдаги муаллақ заррачалар концентрацияси аралаштириш ва момиқ ҳосил қилиш камерасида сувни аралаштириш давомийлигига бевосита боғлиқ. Масалан камерада сувнинг аралаштириш давомийлиги «0» бўлганда яъни электрокоагуляторда коагуляцияланган сув тўғридан-тўғри тиндиришга юборилганда (1-эгри чизиқ) тиндирилган сув таркибидаги муаллақ заррачалар миқдори 48-50 мг/л ни ташкил қилади. Аксинча камерада сувнинг аралаштириш давомийлиги ошган сайин (3,4 ва 5-эгри чизиқлар) тиндирилган сув таркибидаги муаллақ заррачалар миқдори камайиб боради ва 6-10 мг/л ни ташкил қилади яъни сувнинг тозаланиш даражаси ошиб боради



2-расм. Ташқи камерада аралаштириш давомийлигининг сувнинг тозаланиш даражасига таъсири. Сувнинг лойқалиги (Сисх): 1 – 393 мг/л; 2 – 974 мг/л; 3 – 1250 мг/л;

Ички ва ташқи камераларда коагуляцияланган сувни аралаштириш давомийлиги сувнинг тозаланиш даражасига катта таъсир кўрсатади. Ички камерада сувни аралаштириш давомийлигининг ташқи камерага нисбатан кўпайиши сезиларли самара бермайди, баъзи ҳолларда эса тозаланган сув таркибидаги муаллақ заррачалар кўпайиши кузатилди. Шунинг учун ҳам кейинги ўтказилган тажрибаларда ички камерада аралаштириш давомийлигини бир хил узгармас сақлаб турган холда фақатгина ташқи момиқ ҳосил қилувчи камерада аралаштириш давомийлиги ўзгартирилиб борилди.

2- расмдан кўринадики ташқи камерада сувнинг бўлиш вақти қанча кўп бўлса сувнинг тозаланиш даражаси шунча юқори бўлади. Бу боғлиқлик айниқса унча лойқа бўлмаган сувларни тозалашда яққол кўзга ташланади. Бошланғич лойқалиги 400 мг/л дан юқори бўлган сувларни тозалашда аралаштириш давомийлиги янада оширилганда сувнинг тозаланиш даражаси кам узгаради.

Сувларни электрокоагуляция йўли билан тозалашда аралаштириш ва момиқ ҳосил қилиш жараёнининг аҳамияти бўйича қараб чиқилган материалларга ва ушбу жараённинг сувнинг тозаланиш даражасига таъсирини ўрганиш бўйича утказилган тадқиқотлар натижасига асосланган холда қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш мумкин:

-сувларни икки поғанали технологик тасвир бўйича тозалашда коагуляциянинг қайси бир усулини (кимёвий, электрокимёвий) қўллашдан

қатъий назар коагуляция жараёнини жадаллаштиришнинг иккинчи бўғини (момиқ ҳосил қилиш) сувни тозалашда биринчи даражали роль ўйнайди;

-сув таъминоти амалиётида коагуляция жараёнини жадаллаштиришнинг момиқ ҳосил қилиш бўғини бўйича қўлланиладиган мавжуд усулларидан энг арзон ва самаралиси - тозаланаётган сув оқимининг энергиясидан фойдаланиб аралаштириш ҳисобланади. Улардан энг яхши аралаштириш усули – гидравлик усул бўлиб унда аралашиш жараёни электрокоагуляция давомида ажралиб чиқадиган электролитик газлар ҳисобига жадаллаштирилади;

- момиқ ҳосил қилувчи мавжуд гидравлик камералар конструкцияси электрокимёвий йўл билан коагуляция қилинган заррачаларни тозалашда кутилган натижани бермайди ва самарадорлиги анча паст;

- коагуляция жараёнини жадаллаштиришнинг иккинчи бўғини хисобланмиш момиқ ҳосил қилиш жараёни самараси тезлик градиенти ва аралаштириш давомийлигига бевосита боғлиқ.

- сувларни электрокоагуляция йўли билан тозалаш технологик тасвирида аралаштириш ва момиқ ҳосил қилиш камерасини қўллаш сувнинг тозаланиш даражасини 10-15% га оширишi ва шу билан бирга сув тиндиргичда сувнинг тиндирилиш вақтини 2 мартагача қисқартириши мумкин;

- аралаштириш ва момиқ ҳосил қилиш камерасини ҳисоблашда тозаланаётган сувнинг лойқалиги ва қўшиладиган металл дозасига боғлиқ равишда ички камерада аралаштириш давомийлигини 0,8-2,0 минут, ташқи камерада эса – 2,0-5,0 мин оралиғида қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Абрамов Н.Н. Водоснабжение. -М.: Стройиздат. 1982. -358 с.

2. Яковлев С.В., Краснобородько И.Г., Рогов В.М. Технология электрохимической очистки воды. -Л.: Стройиздат, Ленингр.отд-ние, 1987.312 с.

3. Николадзе Г.Н. Технология очистки природных вод. -М.: Высшая школа. -1987. -479 с.

УДК:621.575.9

УЛУЧШЕНИЕ ТЕХНИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК ТВЕРДЫХ СОРБЕНТОВ ДЛЯ СОЛНЕЧНЫХ ХОЛОДИЛЬНИКОВ

Рашидов Ю.К. (ТАСИ)**, Абдуллаев К.Ю., Иноятов Д.Т., Умаров С.А.** (СамГАСИ)

В статье проведена оценка энергетических показателей солнечного адсорбционного холодильника. Показано, что эффективность его работы существенно зависит от свойств используемого адсорбента: массы сорбата, обмениваемого в цикле, и величины перегрева сорбента выше температуры начала десорбции.

In paper assessment of power indicators of the solar adsorptive refrigerator is carried out. It is shown that the efficiency of his work significantly depends on properties of the used adsorbent: the mass of the sorbet exchanged in a cycle and sizes of overheating of a sorbent is higher than temperature of the beginning of a desorption.

Разработка эффективных солнечных адсорбционных холодильных установок (САХУ) привлекает внимание многих исследователей в связи с перспективностью практического применения в системах кондиционирования воздуха зданий в условиях жаркого климата. В отличие от традиционных парокомпрессионных холодильников, термохимические холодильные устройства не нуждаются в электрической или механической энергии, а потребляют лишь тепловую энергию. Они экологически безопасны (в качестве хладагента, вместо фреонов, используют воду или другие безопасные вещества), просты по конструкции и в эксплуатации.

Несмотря на большое число теоретических исследований, посвященных изучению эффективности САХУ [1–5], представляет определённый научный и практический интерес анализ особенностей их работы с целью выявления основных ограничений и возможностей повышения их энергетической эффективности.

В работе [5], с учетом результатов работ [1–4] и с использованием общих ограничений законов термодинамики, были выполнены оценки предельных энергетических показателей солнечных адсорбционных холодильных установок.

Данная статья посвящена анализу вопроса влияния свойств используемого адсорбента (в первую очередь, температуры его регенерации) на энергетические показатели САХУ.

Одной из принципиальных, но не рассмотренных подробно в [5], является проблема эф-

фективного протекания процесса регенерации адсорбента, осуществляемого путем изобарической десорбции рабочей жидкости за счет подвода теплоты от внешнего источника. Для обеспечения высокой термодинамической эффективности, этот процесс должен быть близок к равновесному: температурные напоры должны быть малыми, а давление паров сорбата над адсорбентом, находящимся при температуре T_1, должно лишь незначительно превосходить давление насыщенных паров сорбата в конденсаторе при температуре окружающего воздуха T_2. Аналогично, в процессе поглощения сорбата, давление его насыщенных паров, при температуре в холодильной камере T_3, должно быть близко к давлению его паров над адсорбентом при T_2:

$$p_{исп}(T_3) \approx p_{сорб}(T_2);$$

$$p_{сорб}(T_1) \approx p_{исп}(T_2). \quad (1)$$

Если считать, что удельные теплоты испарения сорбата $\mathbf{q_{исп}}$ и сорбции $\mathbf{q_{сорб}}$ постоянны в рассматриваемом диапазоне изменения температур, а для пара сорбата применимо уравнение состояния идеального газа, то интегрирование уравнения Клапейрона-Клаузиса дает:

$$\ln p_{исп}(T_2) - \ln p_{исп}(T_3) = \frac{q_{исп}}{R}\left(\frac{1}{T_3} - \frac{1}{T_2}\right);$$

$$\ln p_{сорб}(T_1) - \ln p_{сорб}(T_2) = \frac{q_{сорб}}{R}\left(\frac{1}{T_2} - \frac{1}{T_1}\right), \quad (2)$$

где R – газовая постоянная.

Из (1) из (2) можно получить выражение для температуры начала десорбции сорбата T_1*:

$$T^*_{1,Тр} = \frac{T_2^2}{T_3}.. \quad (3)$$

Подставив эту температуру в выражение для эффективности цикла Карно [1], получим предельное для САХУ значение коэффициента преобразования теплоты, подведенной к адсорбенту в процессе регенерации, в энергию холода $COP^*_x = q_{исп}/q_{сорб}$ [2, 3, 7]. При подводе тепла к адсорберу при этой температуре, получается и максимальный интегральный коэффициент преобразования энергии солнечного излучения в рассматриваемой солнечной адсорбционной холодильной установке [3, 5]. В работе [7] минимальная температура десорбции в адсорбционных и химических машинах была рассчитана в общем случае из энтропий и энтальпий адсорбции и испарения. В работах в [2, 8] для оценки минимальной температуры десорбции предложено использовать полуэмпирическое правило Трутона, декларирующее пересечение кривой равновесия для чистой жидкости и изостер адсорбции в одной точке. Его выполнимость была проверена в [9] для всех основных рабочих пар адсорбционных тепловых машин: вода – силикагель Fuji RD; вода – цеолит 13X; вода – Селективные Сорбенты Воды, аммиак – уголь PX31; метанол – уголь AC-35; метанол – уголь TA90; метанол – цеолит CBV 901 Y и CO_2 – уголь. Правило Трутона позволяет существенно упростить математические выражения; в частности (3) при этом превращается [2, 8] в:

$$T^*_{1,Тр} = \frac{T_2^2}{T_3}.. \quad (4)$$

Оказалось [9], что для всех рассмотренных рабочих пар, значения T_1^*, рассчитанные по формуле (4), отличаются от экспериментальных, как правило, не более, чем на 1…3ºС, что сравнимо с точностью определения этой величины. Таким образом, во всех последующих расчетах целесообразно пользоваться выражением (4), которое справедливо для всех практических важных случаев. Отметим, что при выполнении правила Трутона, выражения (3) и (4) полностью совпадают, поскольку $q_{исп}/q_{сорб} = T_2/T_3$ [2], т.е. для адсорбционных устройств отношение $q_{исп}/q_{сорб}$ независимым параметром не является, как, например, для случая химических холодильных машин. Для последних можно оценить погрешность применения правила Трутона при определении T_1^*, сравнивая выражения (3) и (4):

$$\frac{T^*_{1,Тр}}{T^*_1} = \frac{T_2}{T_3}\cdot\left[1 - \frac{q_{исп}}{q_{сорб}}\left(\frac{T_2}{T_3} - 1\right)\right]. \quad (5)$$

Для солнечного химического холодильника характерный диапазон изменения температуры окружающей среды составляет T_2 = 10…45ºС (283…308 К), а температуры охлаждения, – T_3 = –15…10ºС (258…283 К), и отношение T_2/T_3 изменяется в диапазоне 1,0…1,23. При характерном соотношении теплот $q_{исп}/q_{сорб} = 0{,}8$, практически во всем диапазоне изменения T_2/T_3, температуры T_1^* и $T^*_{1,Тр}$ совпадают с погрешностью менее 1%, что позволяет в дальнейшем пользоваться правилом Трутона и для химических холодильников. Заметные отклонения будут наблюдаться только для случая, когда $q_{исп}/q_{сорб} \le 0.5\ldots0.6$.

Итак, для обеспечения начала регенерации адсорбента он должен быть нагрет до температуры T_1^*, рассчитываемой по (3) или (4). Если используемый для регенерации нагреватель не

позволяет нагреть адсорбент до этой температуры, то адсорбционный холодильник работать вообще не будет, и его энергетическая эффективность будет равна нулю. Как отмечено в [3], наибольшая эффективность САХУ достигается тогда, когда весь сорбат удаляется непосредственно при этой температуре, как это осуществляется в химических тепловых машинах. Для такого идеального адсорбента изобара десорбции при давлении, равном давлению в конденсаторе, должна быть ступенчатой, что соответствует моновариантному типу равновесия [10]. Возможность синтеза реального адсорбента со свойствами, близкими к свойствам идеального, обсуждается в [10, 11].

В реальной САХУ адсорбционное равновесие дивариантно, и равновесное давление паров сорбата над адсорбентом является функцией двух переменных, – температуры и влагосодержания адсорбента, а давление насыщенных паров сорбата зависит только от температуры в конденсаторе. Это приводит к тому, что для извлечения сорбата из адсорбента в процессе регенерации требуется повышение температуры адсорбента выше начальной температуры десорбции, т.е. до некоторой температуры $T_1^{max} > T_1^*$, при которой осуществляется оптимальное по количеству извлечение сорбата из адсорбента. Наличие оптимума связано с тем, что при малой разности температур ($T_1^{max} - T_1^*$) эффективность мала, т.к. мала масса удаляемого сорбата, а при большой – она снова уменьшается из-за того, что основная часть сорбата уже удалена и дальнейшее повышение температуры приводит к росту тепловых потерь.

ВЫВОДЫ

1. Ключевыми факторами, определяющими эффективность работы адсорбционной холодильной установки, при фиксированной температуре охлаждения T_3 и температуре окружающей среды T_2, является удельная масса обмениваемого в цикле сорбата и характерный масштаб ΔT_0 перегрева сорбента выше начальной температуры десорбции T_1^*. Эффективность установки возрастает с ростом обмениваемого в цикле сорбата и уменьшением ΔT_0. При заданных T_2 и T_3 эти факторы определяются лишь свойствами адсорбента и поэтому могут служить критериями при оптимизации его выбора.

2. Существует оптимальная величина перегрева адсорбента ΔT_1^* выше начальной температуры десорбции T_1^* в режиме регенерации. Для адсорбентов, равновесие которых с рабочей жидкостью описывается уравнением Дубинина-Астахова, максимальное значение внутреннего холодильного коэффициента преобразования энергии COP_x^{max} достигается при $\Delta T_1^* \leq (1{,}5\ldots2{,}0)\Delta T_0$. В случае САХУ, в которой регенерация адсорбента осуществляется с помощью солнечного приемника, оптимальное с точки зрения получения максимальной суммарной эффективности преобразования солнечной энергии в энергию холода значение перегрева должно быть еще ниже.

Литература:

1. Raldow W.M., Wentworth W.E. Chemical Heat Pumps a Basic Thermodynamic Analysis. // Solar Energy. 1979. V. 23. No. 1. PP. 75–79.
2. Critoph R.E. Performance limitation of adsorption cycles for solar cooling. // Solar Energy. 1988. V. 41. No. 1. PP. 21–31.
3. Sharonov V.E., Aristov Yu.I. Chemical and Adsorption Heat Pumps: Comments on the Second Law Efficiency. //2007. http://dx.doi.org/10.1016/j.cej.2007.07.026.
4. Чалаев Д.М., Аристов Ю.И. Оценка работы низкотемпературного адсорбционного холодильника. // Теплоэнергетика. 2006. №3. СС. 73–77.
5. Попель О.С., Фрид С.Е., Шаронов С.С. Анализ работы солнечной адсорбционной холодильной установки периодического действия. // Теплоэнергетика. 2007.
6. Refrigerators and freezers for storing vaccines and freezing icepacks. //2007. http://www.who.ch/gpv-document
7. Аристов Ю.И. Химические и адсорбционные тепловые машины: эффективность и граничные температуры цикла. // Теор. Основы Химич. Технологии, 2007.
8. Haseler L.E. Absorption cycle heat pumps for domestic heating. – AERE-G 104R, AERE Harwell, 1978.
9. Aristov Yu.I., Tokarev M.M., Sharonov V.E. Universal relation between the boundary temperatures of a basic cycle of sorption heat machines. // Chem. Engn. Sci. 2007 (submitted).
10. Aristov Yu.I. New Composite Adsorbents for Conversion and Storage of Low Temperature Heat: Activity in the Boreskov Institute of Catalysis. // J. Heat Transfer Society of Japan. 2006. V. 45. No. 192. PP. 12–19.
11. Aristov Yu.I., New family of materials for adsorption cooling: material scientist approach // J. Engn.Thermophysics, 2007, v. 16, No. 2, pp. 63–72.

УДК – 697.34 Н-76

БИНО ВА ИНШООТЛАРДА ЭНЕРГИЯ ТАЛАБИ ВА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИНИ САҚЛАШ

Норқулов Б.М., Рустамова Д.Б., Носирова С.А. (СамДАҚИ)

In article questions of requirement of heat, savings of heat and energy in buildings and constructions are considered.

В статье рассматриваются вопросы потребности тепла, сбережения тепла и энергии в зданиях и сооружениях.

Бугунги кунда бино ва иншоотларда энергия талаби ва иссиқлик таъминотини сақлаш бўйича Архитектура ва қурилиш амалиётида бино ва иншоотларни иссиқлик билан таъминлашга сарфланадиган иссиқлик-энергия ресурсларини иқтисодий муаммосига жуда катта эътибор қаратилмоқда.

Кўпчилик иқтисодий ривожланган мамлакатларда бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини оширишга катта имконият мавжуд. Бино ва иншоотлар учун энергия ресурслари харажатларининг ўсаётган таърифлари жиддий иқтисодий юк бўлиб юзага келмоқда. Айнан шунинг учун кўпгина давлатларнинг ривожланиш дастурида бино ва иншоотларда энергия талаби ва иссиқлик таъминотини сақлаш муҳим мавзу бўлиб қолди[1].

Замонавий бино ва иншоотлар иссиқлик самарадорлигини ошириш бўйича жуда катта заҳираларга эга бўлмоқда.

Ўтган замонларда бино ва иншоотларнинг энергия талабини аниқловчи кўрсаткичлар бўлмаганлиги учун лойиҳа сифатининг устун мезони бўлган. Ўтган вақт оралиғида бино ва иншоотларда энергиядан фойдаланиш самарадорлигини ўрганиш ўзгартирилди ва кенгайтирилди. 1990 йиллар бошланишига қадар, энергия самарадор бино ва иншоотларни қурилиши бошланишида энергияни тежаш бўйича тадбирларни ўрганиш асосий қизиқиш бўлган. 1990 йилларнинг ўрталарида эса микроиқлим сифатини бир вақтнинг ўзида оширишга ёрдам берган энергия тежамкор қарорларга муҳимлик даражаси берилган.

Қурилишда энергия самарадор ва экологик тоза технологияларнинг турли концепциялари асосида лойиҳалаштирилган ва қурилган микро туманлар, ҳаттоки архитектура қурилиш майдонлари ҳамда катта миқдорда бино ва иншоотлар пайдо бўлди. Ушбу концепциялар ўзининг номланиши белгиланган. Улардан энг кўп таниқли бўлгани қуйидагилар ҳисобланади:

- энергия самарадор бино ва иншоотлар;
- энергия талаби паст бўлган бино ва иншоотлар;
- энергия талаби ультра (ўта) паст бўлган бино ва иншоотлар;
- энергиядан фойдаланиш нол бўлган бино ва иншоотлар;
- суст бино ва иншоотлар;
- биоиқлимий архитектура;
- бақувват бино ва иншоотлар;
- “ақлий” бино ва иншоотлар;
- заковатли бино ва иншоотлар;
- юқори технологияли бино ва иншоотлар;
- экологик холис бино ва иншоотлар.

Адабиётларда ушбу концепцияларнинг ҳар бирига аниқлик киритишга ҳаракат қилинган. Қийинлиги шундаки, битта қурилиш объектида қоидага мувофиқ, бир вақтнинг ўзида бир неча ҳар хил концепцияларни амалга оширилаётганини кўрсатиш мумкин. Бу ерда, адабиётлардаги маълумотларга асосланган ҳолда юқорида қайд этилган концепциялар бўйича энергия самарадор ва экологик тоза бино ва иншоотларни аниқлашга уриниб кўрамиз.

Бино ва иншоотларда энергия ресурсларини самарали ишлатилиши техник амалга ошадиган, иқтисодий асосланган, ижтимоий ва экологик нуқтаи назардан мақбул ҳамда дастлабки ҳаёт кўринишини ўзгартирмайдиган инновация қарорларини қўлланилиши ҳисобидан эришилади. Энергия самарадор бино ва иншоотларга паст энергия талаб қиладиган ва нол энергия талаб қиладиган бино ва иншоотлар тегишли бўлиши мумкин.

Энергия талаби паст бўлган бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотларда анъанавий манбалардан энергия талабини пасайишига сезиларли таъсир кўрсатадиган ноанъанавий (қайта тикланадиган) энергия манбаларини қўлланилиши бўйича махсус тадбирлар кўзда тутилган.

Энергия талаби паст бўлган бино ва иншоотларнинг қоидалари: ноанъанавий (қуёш, грунт ва ш.к.) энергия манбаларини ишлатилиши, тўсиқ конструкцияларни супер изоляцияси, сўриб олинадиган ҳавонинг иссиқлигини ва канализациядан оқиб тушадиган иссиқликни фойдаланишга тиклаш, умумий майдоннинг энергия талаби кўпи билан 15 Вт/м^2.

Архитектуранинг йўналишларидан бири ёрқин ифодаланган ойнали муфассаллик ишлатилганлик ҳисобланади. Биоиқлимий архитектура – қурилишда нисбатан кўриниши ёшдир. Биоиқлимий архитектуранинг асосий қоидаси – табиат билан ўзаро мослиги ва уй-жой биноларини табиатга яқинлаштиришга интилишдир.

Бақувват бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотларнинг муҳимлилик даражасига энергия тежамкор технологияларни танлашда техник қарорлар, яъни бир вақтнинг ўзида экологик тоза қурилиш материаллари қўлланилганлиги билан қурилган биноларни микроиқлимини яхшилашга ва атроф-муҳитини муҳофазалашга ёрдам бериш ҳисобланади.

Ақлий бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотларнинг муҳимлилик даражасига компьютер технологияларини қўллаш асосида хоналарда ва тўсиқ конструкцияларда иссиқлик ва масса оқимларини оптималлаштириб, иссиқлик таъминоти ва иқлим яратилганлиги ҳисобланади.

Юқори технологияли бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотларда энергия иқтисодига, микроиқлим сифатига ва экологик хавфсизлигига кучли фикрлаш қоидалари ва ноу-хауга асосланган техник қарорларнинг ишлатилиши ҳисобидан эришилади.

Яшовчан бино ва иншоотлар. Ушбу бино ва иншоотлар атроф-муҳит ва инсон билан экологик мувозанатда жойлашган бўлади. Яшовчан бино ва иншоотларнинг таърифлари 1- 2- чизмаларда кўрсатилган.



Яшовчан бино ва иншоотлар экологик тоза қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлатилиши имкониятини, талаб этиладиган энергияни энг мақбул ишлатилишини, сув ресурсларини сақланишини, такроран ишлатиладиган қурилиш материалларини қўлланилишини, инсонни ўраб турган атроф-муҳит сифатини яхшилашни ўрганишни ўз ичига олади.

Энергетик холис бино ва иншоотлар – талаб этиладиган энергиянинг сони ва сифати атроф-муҳит ҳолатини сезиларли даражада бузилишини келтириб чиқармайди.

Холис қурилиш материаллари: ишлаб чиқарилиши атроф-муҳит ҳолатини сезиларли бузилишини келтириб чиқармайди; хонанинг микроиқлим нисбатига таъсири экологик тоза ҳисобланади; такроран ишлатилиши мумкин.

Бироқ, ушбу муаммоларнинг алоҳида жиҳатларини ўрганиш етарлича эмасдек бўлиб кўринади. Жумладан: бинони ва атроф-муҳитни ҳамда уларнинг экологик ва энергетик ҳолатини тўлиқ мажмуада ўрганиш зарур. Бу эса қурилишнинг назарий ва амалий бош мақсади ҳисобланади.

Ушбу ўрганишнинг натижасида ҳар қандай шароитда қурилиш тармоғини бузадиган баъзи бир "чегаравий ҳолат" аниқланиши мумкин. Бу "чегаравий ҳолат" сув ресурсларининг талаби ва ифлосланиши, "иссиқхона самараси"га келтирадиган газларни чиқарилиши, қурилиш ва маиший чиқиндилар ва ҳ.к.ларни ўз ичига олади. Мазкур кўрсаткичлар турар жой тумани лойиҳаларининг экологик ва энергетик самарасини баҳолашда аниқловчи бўлади.

Замонавий бино ва иншоотларни лойиҳалаш концепциясининг асосига инсоннинг ҳаёти сифатига бевосита таъсир кўрсатадиган атроф-муҳит инсонни ўраб турган сифатга уй каби ва худди шу каби инсоннинг иш ўрнига ёки умумий фойдаланадиган жойларга шаҳар ва туманларнинг асосини ташкил этувчи ғояси сифатида ётади.

Бундай ижтимоий жиҳатларни ажратилиши инсонларнинг маънавий ва моддий талаблари асосида архитектура ва қурилиш ривожланаётганининг эътироф қилингани ҳисобланади.

XXI аср архитектураси ва қурилиши учун энг асосий ғоя – инсон фаолиятида табиат пассив муҳит эмаслигини тушунишдир. Бунинг натижасида қурилиш учун энг юқори шинам кўрсаткичларга эга янги табиий атроф-муҳит яратилиши мумкин ва худди шу вақтда бино ва иншоотларнинг иқлимий тизими учун энергетик манба бўлади.

Адабиётлар:

1. Charles J. Kibert, Jan Sendzimir, and G. Bradley Guy (Edited by 2003) Construction ecology: nature as

the basis for green buildings. London and New York - p. 303.

2. David C. Coleman (2010) Big ecology: the emergence of ecosystem science. University of California Press. Berkeley, Los Angeles, London - p. 236.

3. И.А.Каримов. Узбекистан на пороге XXI века: угрозы безопасности, условия и гарантии прогресса. – Москва : Издательский дом “Дрофа”, 1997. – 318 с.

4. http://www.blackwellpublishing.com

Биноларни энергия самарадорлиги соҳасида Ўзбекистон-Норвегия ҳамкорлиги доирасида “Ўзбекистонда биноларни энергия аудити” ва “Кадрлар салоҳиятини ривожлантириш бўйича – натижалар ва мақом Норвегия дастури” ахборот семинарининг материаллари. Тошкент, 05.03.2014. www.eenor.uz, www.ensi.no.

УДК 628.16.065.2

ТАБИИЙ ЛОЙҚА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШНИНГ АСОСИЙ УСЛУБЛАРИ ВА ТЕХНОЛОГИК ШАКЛЛАРИНИ ТАНЛАШ

Мирзаев А.Б., Нодиров Д.М., Мухаммадиева М.Б. (СамГАСИ)

В статье приведены результаты исследований и представлена информация о типах реагентов, типах механических смесителей и основных задачах процесса смешивания природных мутных вод с реагентами.

This article provides information on the types of reagents, types of mechanical mixers, and the main tasks of the process of mixing natural mud waters by mixing natural blurred water with reagents.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг бозор муносабатларига, ўтиш натижасида шаҳар ва қишлоқларда кўплаб янги корхоналар пайдо бўлмоқда. Уларнинг фаолият кўрсатиши учун маълум миқдорда сув керак булади, сувдан фойдланиш натижасида сувнинг ифлосланиши, яъни табиий лойқа сувлар пайдо бўлади. Бу табиий лойқа сувларнинг миқдори ва таркибий сифат кўрсатгичлари турлича бўлишлиги табиийдир. Бу табиий лойқа сувларнинг таркибида ҳар хил ўлчамли, органик ва ноорганик ифлослантирувчи моддалар мавжуд. Шу сабабли, бундай таркибли табиий лойқа сувларни тозалаш учун ихчам, ўз-ўзини тозалай оладиган, фойдаланишда қулай ва ишлаши ишончли бўлган қурилмаларни ишлаб чиқиш мамлакатимиздаги экологик ҳолатни барқарорлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммодир. Дарёлар ва бошқа сув ҳавзаларида сувнинг табиий тозаланиш жараёни содир бўлади. Аммо бу жараён жуда секин амалга ошади. Саноат ёки табиий лойқа сувлар миқдори кам бўлган пайтларда сув ҳавзалари уларни табиий усулда тозалай олар эди. Ҳозирги пайтда, яъни табиий лойқа сувлар миқдори ва саноат корхоналари кўпайганида, табиий усулда уларни тозалаш имконияти қолмади. Шу сабабли табиий лойқа сувларни сунъий усулда тозалаш, зарарсизлантириш ва улардан қайта фойдаланиш зарурати туғилмоқда.

Табиий лойқа сувни тозалашдан асосий мақсад унинг таркибидаги зарарли моддаларни парчалаш ёки бошқа усулда уларни сувдан ажратиш. Бу жараён анча мураккаб булиб, у саноат корхоналаридаги каби хом ашё (табиий лойқа сув), тайёр маҳсулот (тозаланган сув) ва чиқинди (чўкмалар) нинг иштирокида амалга ошади. Табиий лойқа сувларни тозалаш услубларини механик, кимёвий, физико-кимёвий услубларга ёки уларнинг биргаликда қўлланишини эса комбинацияли (аралашган) услубга ажратиш мумкин. Бу услубларнинг қай бирини амалда қўллаш, ҳар бир ҳолатда, ифлослантирувчи моддаларнинг хоссалари ва зарарлилик даражаси ҳамда сув ҳавзасидан фойдаланиш тойифасига боглиқ ҳолда аниқланади.

Табиий лойқа сувларни тозалаш технологик схемасини танлаш – унинг таркибида турли хил ифлосланувчи моддалар борлиги, уларнинг қийматлари турлича бўлганлиги ҳамда тозаланадиган сувнинг миқдори, тозалашга келиб тушиш режими ўзгариб туриши, сувнинг тозаланиш даражасига қўйиладиган талаблар-турлича бўлганлиги ва шу каби сабабларга кўра, анча қийин масаладир. Чунки табиий лойқа сувларни тозаланиш даражаси уни қабул қиладиган сув ҳавзаси ёки жой релефи, иқлимий шароитларининг хусусиятлари ва унинг таркибидаги ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат қилинадиган улушига ҳам боғлиқ. Агар тозаланган табиий лойқа сув, саноатда ишлаб чиқаришда қайта фойдаланиш учун узатиладиган бўлса, у ҳолда сувнинг зарурий тозаланиш даражаси ишлаб чиқариш технологиясида қўлланиладиган сувнинг сифатига қўйиладиган талабларга боглиқ бўлади.

Табиий лойқа сувларни тозалашда асосан алюминий, темир ва калций тузларининг эритмалари қўлланилади. Анионли флокулянтлар сифатида полиакриламид (ПАА) фаол кремний кислотами (АК), катионли флокулянтлар сифатида эса, поливинил-N-бензил триметил аммо-

ний хлорид (ВПК-101) ёки полиэтиленимин (ПЭИ) ларнинг қўлланилиши сувларни тозалашда коагулянтлар сифатида металлургия, машинасозлик ёки бошка шу каби корхоналарнинг чиқиндилари таркибидаги темир ва алюминийлар ҳам қўлланилиши мумкин [1,2].

Барча турдаги ускуналарда сувни тозалаш жараёни самарадорлиги моддаларнинг коагуляцион тузилишининг зичлиги ва мустаҳкамлигига боглиқ. Майда дисперсланган аралашма учун коагулянтнинг оптимал улушини аниқлашда асосий меъзонлардан бири момикнинг мустаҳкамлиги ҳисобланади.

Бир пайтнинг ўзида мустаҳкам ва зич момиқни олиш учун белгиланган коагулянт улушини сув билан аралаштириш оптимал шароитда олиб борилмоғи керак. Табиий лойқа сувлар реагентли усулда тозалашда оптимал тартибни танлаш коагуляциялаш тузилишнинг занжирли - уяли модели асосида амалга ошириш мумкин. Математик моделлаштиришнинг маълум услублари ёрдамида табиий лойқа сувларга электрокимёвий ишлов бериш тартибини оптималлаштириш мумкин. Ҳозирда мавжуд реагантларни улушлаш қурилмалари тадқиқот ва синовлар натижасида олинган қийматини сувнинг сарфига қараб белгилаб туришга асосланган.

Коагуляция жараёнининг асосий сифат кўрсатгичларини сақлаш учун реагентларнинг оптимал улушини сақлаб туриш катта қийинчилик туғдирмайди. Реагентларни табиий лойқа сувлар билан аралаштириш — махсус улушловчи қурилма ёрдамида аралаштиргичларга киритиш билан амалга оширилади. Биринчи поғонада аралаштиришни идеал аралаштирш тартибида иккинчисини эса, идеал сўриб чиқариш тартибида. Бунинг асосий сабаби шундаки, биринчи тартибда реагент табиий лойқа сув билан барча ҳажми бўйича текис тақсимлаган ва иккинчи босқичда эса пайдо бўлган момиқлар қайтадан майдаланиб кетишиинг олди олиниши зарур, у соҳада олиб борилган изланишлар натижалари шуни кўрсатадики, реагентларни аралаштириш жараёни, жумладан минерал коагулянтларни, жуда катта тезлик билан амалга оширмоқ керак.

Коагулянтларни сув билан мукаммал аралаштириш, сувни тозалаш, даражасини кўтарибгина қолмай, унинг олиштирма сарфини ҳам камайтиради. Аралаштиришни жуда тез амалга ошириш коагулянт гидролиз маҳсулотлари дисперслик даражасининг ўзгартиради ва сувни ифлослантирувчи заррачаларнинг бу маҳсулотлар юзасида адсорбцияланишини тезлаштиради. Катта тезликда аралаштирилганда коагулянт гидролизи маҳсулотларини сиртига сорбцияланиш эҳтимоли кескин ошади. Бу эса, заррачалардан мустаҳкам момиқлар пайдо қилиш билан биргаликда, уларнинг сарфини камайтиради [3,4]. Табиий лойқа сувларни тозалашда қўлланиладиган механик аралаштиргичларни турлари 1-расмда келтирилган.



1 - расм. Механик аралаштиргичларни шакллари а) трубинали аралаштиргич, б) куракли аралаштиргич в) паракли аралаштиргич, 1- сувни киритилиши; 2-реагентни киритилиши; 3-қўзғагич; 4- аралашиш камераси; 5-сувни чиқиши.

Коагулянтларни сув билан аралаштириш тартибини аниқлашда, табиий лойқа сув ва қўшиладиган реагентнинг таркиби ва физико-кимёвий хоссаларини эътиборга олиш зарур. Аралаштиришнинг тартибининг оптимал кўрсатгичларини аниқлашнинг ахамияти, ифлослантирувчи заррачаларнинг шаклланиш жараёнида коагуляциянинг ортокинетик босқичи муҳим рол ўйнайди [5].

Аралаштиришни жадаллаштириш коагуляцияланаётган заррачаларнинг ўзаро тўқнашиш эҳтимолини оширади ва бунинг натижасида момиқлар пайдо бўлиши тезлашади. Аммо жараёнда тезлик градиенти маълум максимал даражага етгач, уни янада тезлаштириш пайдо бўлаётган момиқларининг кайта майдаланишига олиб келади. Сувни тозалаш амалиёти натижалари кўрсатишича, тезлик градиентининг қиймати 20-70 секни ташкил қилиши керак. Реагентларни коагулянтлар билан биргаликда аралаштириш даражасини баҳолашда тезлик градиенти билан бир қаторда унинг жараёнининг давомийлиги, яъни КЭМП доимийлиги қўлланилади. Реагентларни сув билан аралаштиришни жадаллаштириш аралаштиргичларнинг турларини ишлаб чиқиш билан биргалик-

да олиб борилмоқда. Аралаштиригичларда реагентлар билан сув катта тезликда тез, тўлиқ ва текис амалга оширилиши, момиқлар пайдо қилиш камераларида эса коагуляцияланган заррачаларнинг момиқ сифатида шакланиши учун шарт-шароитлар яратилади. Бунда реагентларнинг аралашиши босқичма - босқич силлиқ пасайтирилмоғи лозим. Пайдо қилинган йирик, мустаҳкам ва зич момиқлар сувдан ажратилиши учун кейинги иншоотга, яъни, тиндиргич ёки тинитгичларга узатилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки табиий лойқа сувларни реагентлар ёрдамида тозалаш учун ихчам механик аралаштиргичларни қўллаш ўта долзарбдир. Бу жуда катта унумдорликка эга бўлмаган, тозалаш иншоотларининг ишчи ўлчамларини кескин камайтиради, натижада ихчам ва сифатли тозалаш имкониятли иншоотлар ёрдамида мақсадга эришилади яъни катта капитал харажатларни талаб қилмайди.

Адабиётлар:

1. ҚМҚ 2.04.03.-97. Сув оқова. Ташқи тармоқлар ва иншоотлар. Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. Тошкент-1997 йил.

2. Якубов К.А., Мирзаев А.Б., Бўриев Э.С. Сув таъминоти ва канализация тизимларини ташкил этиш ва улардан самарали фойдаланиш Дарслик. Тошкент. 2016 йил. 312 б.

3. Николадзе Г.И., Минц Д.М., Кастальский А.А. Подготовка воды для питьевого и промышленного водоснабжения. –М.: Высшая школа, 1984.

4. Запольский А.К., Баран А.А. Коагулянты и флокулянты в процессах очистки воды: Свойства. Получения. Применений. –Л.: Химия, 1987.

5. Куренков В.Ф., Снигирев С.В., Чуриков Ф.И. Эффективность флокулянтов и коагулянтов при раздельном и совместном применении в модельных системах// Бутлеровские сообщения. 2005.Т.6. №1.

УДК 628.543.504.61

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДЛАРИДА НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ УЧУН САРФ БЎЛАДИГАН ТЕХНИК СУВ МЕЪЁРЛАРИ ҲАМДА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Мирзаев А.Б., Мирзаев М.Н., Мухаммадиева М.Б. (СамГАСИ)

В статье представлена информация о показателях качества систем водоснабжения для нефтеперерабатывающих заводов, выборе системы водоснабжения и конструкции сгруппированной системы водоснабжения.

This paper provides information on the quality indicators of the water supply systems for oil refineries and the selection of the water supply system and the design of the grouped water supply system.

Табиий сувларни энг кўп сарф қиладиган соҳаларидан бири Республикамизда нефтни қайта ишлаб чиқариш саноат корхоналаридир, яъни Республикамиздаги умумий сув сарфини 5-6 % нефтни қайта ишлаш заводларида нефт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳамда заводнинг хўжалик-маиший юмушларига сарф бўлади. Булардан кўриниб турибдики, нефтни қайта ишлаш ишлаб чиқариш саноат корхоналарига талаб даражасига етарли миқдорда ва сифатли сув етказиб бериш ҳамда қўлланиладиган техник сувларни тозалаш ва қайта фойдаланиш масаласи Ўзбекистон шароитида ўта долзарб муаммолардан биридир. Тоза ва айланма техник сув сарфлари, нефтни қайта ишлаш заводларида ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган сувни миқдори, заводни технологик тизимига, нефтга ишлов бериш даражасига, ишлаб чиқарадиган маҳсулотни ҳажми, миқдорига ҳамда ҳаво билан совутиш аппаратиускуналарини қўллаш даражасига боғлиқ ҳолда қабул қилинган технологик тизимни ҳисоблаш натижасида тақрибан меъёрий хужжатларга асосланиб топилади [1]. Нефтни қайта ишлаш жараёнида, техник сув, нефт маҳсулотлари билан ифлосланади ва минерал аралашмалар пайдо бўлади, бу эса ўз навбатида нефтни қайта ишлаш заводидаги сув таъминоти тизими билан ёнғинга қарши сув таъминоти тизимини бирлашган тўғридан-тўғри шаклини қўллашга мажбур қилади. Нефтни қайта ишлаш заводларида бир тонна нефтни қайта ишлаш учун нисбий сув сарфлари қуйидагиларни ташкил қилади: НҚИЗ иссиқлик соҳаси бўйича; тоза сувлар 0,4÷0,6м^3; айланма техник сувлар 5,5÷10м^3; -НҚИЗ иссиқлик ёғли соҳаси бўйича; тоза сувлар 0,33÷0,98 м^3 ; айланма сувлар 10÷15м^3; НҚИЗ иссиқлик –ёғли соҳаси бўйича; нефтни кимёвий ишлаб чиқариш билан биргаликда, тоза сувлар 1,63÷2,63м^3; айланма сувлар 18÷37м^3. Нефтни қайта ишлаш заводларида ишлаб чиқиладиган нефт маҳсулотларини улуш бирлигига тўғри келадиган мукаммал сув меъёрлари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Саноат корхонаси соҳаси ва ишлаб чиқариш усули	Хом ашёни тури ёки маҳсулот ва ўлчам бирлиги	Сув таъминоти тизими	Ўлчам бирлигига тўғри келадиган ўртача йиллик сув сарфи, $м^3$				
			айланма кетма-кет фойдаланилади	тоза сув манбасидан			
				техник сув	ишлаб чиқариш мақсадлари учун	хўжалик ичимлик учун	жами
Нефтни қайта ишлаш заводи (1,2млн.т. нефт 1 йилгача)							
Иссиқлик бўйича нефтни қайта ишлаш заводи унчалик чуқур бўлмаган ишлов бериш тизими	1 тонна ишлов берилади ган нефтга	айланма	8	0,38	0,01	0,02	0,41
Иссиқлик бўйича нефтни қайта ишлаш заводи чуқур бўлган ишлов бериш тизими	1 тонна ишлов берилади ган нефтга	айланма	14	0,55	0,011	0,022	0,583
Иссиқлик бўйича нефтни қайта ишлаш заводи чуқур бўлмаган ишлов бериш тизими, ёғ ишлаб чиқариш қуввати 400000т/йил	1 тонна ишлов берилади ган нефтга	айланма	10,5	0,45	0,013	0,022	0,485
Иссиқлик бўйича нефтни қайта ишлаш заводи чуқур бўлган ишлов бериш тизими, ёғ ишлаб чиқариш қуввати 400000 т/йил	1 тонна ишлов берилади ган нефтга	айланма	40	1,32	0,017	0,03	1,367
Нефт кимё ишлаб чиқариш соҳаси							
Изобутелин ва формалдегиддан сув билан ишлов бериб изопрен ишлаб чиқариш	1 тонна маҳсулотга	айланма	525	26,67	0	0,85	27,52
Бутил спиртини ишлаб чиқариш	1 тонна маҳсулотга	айланма	67,4	2,2	0	0,15	2,35
Демитилацетамид ишлаб чиқариш	1 тонна маҳсулотга	айланма	0,154	0,01	0	0,14	0,15
C_{10} C_{16} синтетик ёғли спиртни сув билан ишлов бериш усули орқали ишлаб чиқиш	1 тонна маҳсулотга	айланма	87,97	2,865	0	0,319	3,184
2-этилгексанол ишлаб чиқариш	1 тонна маҳсулотга	айланма	67,07	1,93	0	0,03	1,96

НҚИЗ – айланма сув таъминоти тизимида сувни исроф бўлиши сарфини, чиқариб ташланадиган сув сарфини ва қўшиладиган сув миқдорини ўз ичига олувчи тенглашган баланси (тенглиги) бўлиши керак. Бу тенгликни тузишда қабул қилинган, яъни меъёрий хужжатларга асосланишимиз мақсадга мувофиқдир. Замонавий айланма сув таъминоти тизимида йўқолган сув ўрнини, тозаланган техник сув ҳисобидан тўлдириши керак, баъзи ҳолларда соғломлаштириш ташкилотларини махсус рухсатномаси билан тозаланган хўжалик-маиший оқова сувлардан фойдаланишга рухсат берилади [2].

Айланма сув таъминоти тизимида, йўқолган сув сарфини (тўлдириши керак бўлган ёки айланма тизимга техник сувни тенглигини сақлаш учун) керак бўлган сув миқдори қўйидаги ифода орқали топилади:

$$P = P_1 + P_3 + P_3$$

бу ерда, P_1 –градирнларда (совутгичларда) парланганда йўқолган сув миқдори (климатик шароитга қараб 1-2% ни ташкил этади); Ўзбекистон Республикасидаги нефтни қайта ишлаш заводларида ишлаб чиқиладиган нефт маҳсулотларини улуш бирлигига тўғри келадиган оптимал сув меъёрлари 1. Йиллик ўртача меъёрни ўзгартириш коэффициенти $К_{ёзги}$ =1,2; $К_{киш}$ =0,8/ 2. Сув сарфи иссиқлик энергиясини ишлаб чиқувчи марказни ҳисобга олмаган ҳолда келтирилган. P_2- радиренлар шамол олиб кетган сув сарфи миқдори (0,5%); P_3 – айланма сув таъминоти тизимида йўқолган сув сарфи (ишлаб чиқариш ва сувда туз аралашмасини ҳосил бўлиш жараёнидаги йўқолан сув сарфи), бу кўрсаткич айланма сув таъминоти тизимида тузларни миқдорини ҳисоблаш натижасида аниқланади. Сув сарфини ҳисоблашда қуйидагиларни эътиборга олиш керак, яъни технологик қурилмаларни, цех ва ишлаб чиқариш ускуналарини лойиҳага асосланиб, нефтни қайта ишлаш жараёнини сифатини реагентларини ва деэмулгаторларни ҳисобга олган ҳолда қабул

қилиш. Ёнғинга қарши сув сарфини ҳисоблашда НҚИЗ учун махсус ўрнатилган меъёрий хужжатларга асосланган ҳолда қарор қабул қилиш ҳамда ҳисобни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Хўжалик – ичимлик сув сарфини ҳисоби. НҚИЗ-да хўжалик – ичимлик сув сарфи қуйидаги ифода орқали ҳисобланади:

$$W_n = N_n \cdot r \cdot T$$

бу ерда N_n - сув сарфини меъёри, л 1 одамга бир кунда; r – ишчилар сони; T – битта ишчини бир ойдаги ёки йилдаги иш куни. Душ қабул қилиш учун сув сарфи. Ишчиларни душ қабул қилиши учун сув сарфи қуйидаги ифода орқали топилади:

$$W_g = \frac{N_g \cdot K_g \cdot r \cdot T}{a},$$

Бу ерда, N_g – битта душ тўрига соатбай сув сарфи, л/соат; K_g – сменада душ қурилмасини ишлаш вақти, соат; r – ишчилар сони; T – битта ишчини бир ойдаги ёки йилдаги иш куни; a – битта душ тўрини қанча одамга хизмат қилиш. НҚИЗ майдонини сепиш учун сув сарфи. Нефтни қайта ишлаш заводига қарашли умумий майдонга сепиш учун сарф бўладиган сув миқдори қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$W_{сеп} = N_{сеп}\, S_т\, T\, K_{сеп},$$

бу ерда $N_{сеп}$ - бир марта сепиш учун сув меъёри, л/м^2; $S_т$ – сепиладиган майдон юзаси, м^2; $K_{сеп}$ – сепилиш сони; T – сепиладиган кунлар сони.

2-жадвал

Техник тоза ва айланма сув таъминоти тизимидаги сувларни сифат кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Кўрсаткичларни мазмуни	
	айланма сув таъминоти тизимидаги тозаланган сув	тоза техник сув
Температура, ^{0}C	≤ 25	≤ 15
Нефт маҳсулотлари, мг/л	≤ 25	-
Лойқалиги, мг/л	≤ 25	≤ 100
Ҳиди балл	≤ 3	-
Қаттиқлик, мг-экв/л вақтинчалик	≤ 5	≤ 2,5
доимий	≤ 15	3,3
Тузларни миқдори, мг/л	≤ 2000	≤ 500
Cl, мг/л	≤ 300	≤ 50
SO^2_4, мг/л	≤ 500	≤ 130
pH	7,5÷8,5	7,5÷8,5

Қолган хўжалик – маиший сув сарфлари ҳам юқоридагига ўхшаш ҳисобларда аниқланади. Нефтни қайта ишлаш заводида нефт маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун сарф бўладиган, ёнғинга қарши ишлатиладиган ва хўжалик-маиший ичимлик сувлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти бўйича сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талабларга асосланиб қабул қилинади. Техник тоза айланма сувларни сифат кўрсаткичларини талаблари 2-жадвалда келтирилган. Ишлатилгандан кейинги сувнинг маҳсулотлари билан ифлосланиши даражаси 3-жадвалда келтирилган. Техник сувларни тозалаш учун қуйидаги тозалаш иншоотлари қўлланилади: тинитиш; филтрлаш (сиздириш); ачитиш; ишқорлаш; юмшатиш; темирсизлантириш; зарарсизлантириш. НҚИЗ лардаги айланма сувларга қуйидаги ишловлар берилади: нефт маҳсулотларидан тозалаш учун тинитиш, нефтни ажратувчиларни механик аралашмалардан тозалаш, филтрлаш, ингибитирлаш, хлорлаш ва ачитиш [3].

Ўзбекистон шароитидаги нефтни қайта ишлаш заводларида фойдаланилиб, қайта тозалашга юборилаётган техник сувларни таркибини ўрганиб, қуйидагиларни аниқладик: нефтни таркибида мураккаб ҳар хил кимёвий аралашмалар мавжудлиги, айниқса углеводородлар 50-98% ни ташкил қилиш аниқланди. Нетфни қайта ишлаш заводларидан чиққан техник сувни тозаламасдан сув ҳавзаларига ташланса, сувни хўжалик-маиший юмушлари учун ҳам фойдаланишига яроқсиз қилади ва ҳавзадаги (сув манбасидаги) тирик организмларни ҳаммасига негатив таъсир қилади.

3-жадвал

Нефтни қайта ишлаш заводида ишлатилган сувни нефт маҳсулотлари билан ифлосланиши даражасини кўрсатувчи жадвал

Айланма сувни ифлосланиш даражаси	Концентрация, мг/дм^2	
	НҚИЗ дан кейинги кўрсаткич	Ҳавза учун меъёр даражаси
Нефт маҳсулотлари	7,9	0,05 гача
Фенол	1,3	0,01 гача
Хлоридлар	540	300 гача
Сульфатлар	146	100 гача
Лойқалиги	7,9	-
ХПК	1230	15 гача
Аммоний азоти	52	0,39 гача
БПК$_5$	64	3 гача

Ўзбекистон шароитида нефтни қайта ишлаш заводларида нефт маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун сарф бўладиган техник сув меёрларини ҳамда, сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талабларни мукаммал улушини илмий изланишлар олиб бориб аниқладик. Бу

олиб борилган илмий изланишларни натижаси сифатида қуйидаги хулосаларни таклиф қилиш мумкин, яъни нефтни қайта ишлаш заводида қўлланиладиган сув таъминоти тизимларини мавжуд турларини қўлланилиши соҳаси таҳлил қилинади, натижада Ўзбекистон шароитига тўғри келадиган нефтни қайта ишлаш заводини сув таъминотини айланма тизими танланди; мавжуд нефтни қайта ишлаш заводларини сув таъминоти тизимини шакллари ўрганилди, натижада гуруҳлашган (комплекс) сув таъминоти тизимини шакли танланади; нефтни қайта ишлаш заводларида нефт маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун сарф бўладиган сувларни сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаблар аниқланади.

Адабиётлар:

1. Карелин Я.А., и др. Очистка сточных вод нефтеперерабатывающих заводов. –М.: Стройиздат. 2015.-184 с.

2. Стохов Е.А. Очистка нефтесодержащих сточных вод предприятий хранения и транспорта нефтепродуктов – Л.: Недра, 2013. 263 с.

3. ГОСТ Р51797-2001. Вода питьевая. Метод определения содержания нефтипродуктов. Издание официальное. Москва, 2001.

УДК 656.13.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МАЙДОНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

Адилов О.К., Юлдошев Б., Мамаражабова Н. (ЖизПИ)
Махамадалиев З.Т. (Ўз.Р ИИВ академияси)

В статье приведены методические рекомендации и их применение при определение рабочих площадей станции технического обслуживания.

In article methodical recommendations and their application are resulted at definition of net areas of servicing deport..

Бугунги куннинг долзарб массалаларидан бири, кундан кунга транспортнинг техник ҳолатининг бузилиши ва диагностик ишлари бўлиб, техник хизмат кўрсатиш станцияларида бу масалани илмий асослашга чорлайди. Албатта, маълумки техник ҳолатининг бузилиши атроф муҳитга салбий таъсир ўтказади. Транспорт воситаларининг атроф-муҳит учун хавфлилиги нафақат унинг лойиҳавий тавсифномаларига балки унинг техник ҳолатига ҳам боғлиқ. Шунинг учун автомобил транспортининг эксплуатацияси даврида ёнилғи сарфига, чиқинди газ зарарли моддалари ташланмасига, шовқин даражаси ва ҳаракат хавфсизлигига таъсир этувчи агрегат ва узелларининг атроф муҳитни соғломлаштиришнинг муҳим йўналиши бўлиб, техник ҳолатини сақлаш ҳисобланади.

Ҳозирда автотранспорт корхоналар бошқарув тизими олдига қўйилган вазифа асосан ҳайдовчилар таркибини замонавий технологиялар асосида тузилган дастур билан қайта тайёрлашдир, [1]. Бундай технологияларни жорий этиш юзага келаётган барча муоммаларни бартараф этишга ёрдам беради. Автомобил транспортида долзарб муоммалардан бири бу барча замонавий талабларга жавоб бера оладиган юқори малакали хайдовчилар таркибини етказиб беришдир. Тайёрлаш жараёнида ҳайдовчилар юк ва йўловчилар хавфсизлигини тўлиқ таъминлашга маъсуллигини эслатиб бориш билан уларнинг тиббий ва психофизиологик ҳолатларини назорат этиш йўллари ўқитилиб борилади. Йўл транспорт ходисалари ва йўл ҳаракат қоидалари бузилишида, уларнинг юзага келишида ҳайдовчилар тиббий ва психофизиологик ҳолатлари таъсир кўрсатади.

Мутахассислар тадқиқотлари натижасида илмий маънбаларда турли транспорт воситаларининг босиб ўтган йўлига нисбатан зарарли моддалар ташлаш миқдорлари аниқланган, бунда диагностика қилиш жараёнида зарарли омиллар аниқланган.[1]

Олинган маълумотлар асосида транспорт воситаларининг атроф муҳитга таъсирини камайтиришнинг қуйидаги тадбирлари ишлаб чиқилди:

- газодвигателлаштиришни 30%га ошириш;
- оғир йўл шароитида ишлайдиган транспортлар иш вақтини меёрлаштириш;
- жамоат транспортида йўл хақини 25%га камайтириш;
- жамоат транспорт воситаларининг масофаларини 25%га кўпайтириш;
- хизмат кўрсатиш станцияларида атроф муҳитга таъсирини камайтириш;
- хизмат кўрсатиш станцияларининг пост ва устахоналар майдонини қайта низом асосида лойиҳалаш.

Хизмат кўрсатиш станцияларининг иш

кўлами ва таснифи ўзида ишчи постларни жамлаган технологик майдончалар ўлчамларига боғлиқ. Шунинг учун станцияларни лойиҳалаш ишчи постларни аниқлашдан бошланиши керак. Қаров ишлари ҳисоби жараённинг бир хиллигини ҳисобга олиб ўтказувчанлик қобилиятига асосланади.

Станциянинг ўтказувчанлик қобилияти ёндош туманлар автомобилларга хизмат кўрсатиш станцияларининг катталиги асосида ва операциялар частотаси асосида аниқланади.

$$G_a = \frac{GV_a}{m_n}\beta, \qquad [1]$$

бу ерда: G_a - ўтказувчанлик қобилияти, автомобил/йил;

G - енгил автомобиллар парки катталиги, автомобил;

V_a - йиллик қаров операциялари частотаси;

m_n - йиллик иш кунлари сони;

β - мавсумий коэффициент.

Қаров ўтказиш учун постлар сони, A_a

$$A_a = \frac{C_a t_a}{f_a T\alpha}\beta, \qquad [2]$$

Бу ерда: C_a - ўтказувчанлик қобилияти, автомобил/йил;

t_a - қаров операциясининг вақти, соат;

f_a-кунлик сменалар сони;

T - смена вақти, соат;

α - ишчи вақтидан фойдаланиш коэффициенти;

C_a -нинг қийматини ўрнига

$$A_a = \frac{GV_a t_a \beta}{m_n f_a T\alpha}, \qquad [3]$$

Масалан: Агар шаҳарга ёндош туманлар умумий енгил автомобилларга хизмат кўрсатиш станцияси 2400 автомобилга хизмат кўрсатишдан иборат, V_a = 20 марта/йил; T_a=0,1 соат; β=1,2; m_n= 300 кун/йил; f_a= 2 смена; T=8 соат; α=0,6 бўлганда

$$A_a = 2400\cdot 20\cdot 0.1\cdot 1{,}2 / (300\cdot 2\cdot 8\cdot 0{,}6) = 2$$

Ускуналар ёрдамида диагностика қилиш юқоридаги принцип асосида ҳисобланади.

Операциянинг давомийлиги автомобилнинг техник ҳисобини у ёки бу ускуналар ёрдамида текширишга сарфланадиган минимал вақт билан аниқланади.Масалан двигателни махсус тестерлар ёрдамида диагностика қилиш 15 минутни ташкил қилади. Бу ҳолда диагностика операцияларини шундай тақсимлаш керакки, унда автомобилларнинг хар бир постда бўлиши бир хил вақтни ташкил қилишига (оқим асосида) эришиш керак бўлади. Бунда шартли постлар диагностика тизимига бириктирилиши мумкин. Агар минимал диагностика вақти станциянинг ўтказувчанлик қобилятини таминлай олмаса параллел постлар ва тизимлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Мисол учун автомобилларни тизимли текшириш операцияларини ўтказадиган, барча операциялар вақти 1 соат, минимал вақт эса 0,2 соат бўлган технологик майдончани олиш мумкин. Бу холатда диагностик муаммолар 4 тадан ортиқ бўлмаслиги керак.

Бизнинг мисол учун қуйидаги маълумотларни оламиз: G =2400 автомобил/йил; V_a= 6 марта/йил; T_d=0,25 соат, β=1,4; m_n = 300 кун; T=8 соат; α=0,6

Зарур диагностик тизимлар сони:

$$D_d = \frac{GV_a t_d \beta}{m_n f_d T\alpha} = \frac{2400\cdot 3\cdot 0{,}25\cdot 1{,}4}{300\cdot 1{,}5\cdot 8\cdot 0{,}6} = 3{,}3$$

яъни умумий постлар сони A_d=4, D_d=8 бўлган 2 та диагностика тизимини лойиҳалаш керак бўлади.

Таъмирлаш постларини лойиҳалашда таъмир ишлар технологик жараёнларнинг хилма хиллигини хисобга олиб нафақат жараёнлар частотасини, балки уларнинг давомийлигини ҳисоблашда ҳам айрим ноаниқликлар бўлиши мумкин. Шунинг учун таъмирлаш постларининг сонини таъмир ишларига сарф бўладиган иш вақтидан келиб чиқиб аниқланади. Таъмирлаш ишларини ўтказиш иш вақти станциянинг умумий режалаштирилган иш вақтидан келиб чиқиб белгиланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$A_j = \frac{C_{mj}\beta}{m_n f_j T P_j \alpha},$$

бу ерда A_j - таъмирлаш постларининг сони;

C_{mj} - ХК станцияларининг таъмирлаш қуввати, соат/йил;

β - мавсумий коэффициент;

m_n - йиллик иш кунлари сони кун/йил;

T - смена вақти, соат

P_j - бир постда банд бўлган ишчилар сони (таъмирлаш ишларининг хилига қараб)

α - иш вақтидан фойдаланиш коэффициенти.

Мисол учун умумий қувватда 10% ажратиладиган қувватни таъмирлаш постлари сонини аниқлаш мумкин. Қуйдаги сон қийматларини қўйиб C_{mj}=20000 соат/йўл; β=1.5; m_n=300 кун; f=1.5 смена; T=8 соат; P_j=1.4 киши/пост; α=0,7 бўлганда

$$A_j = \frac{20000\cdot 1{,}5}{300\cdot 1{,}5\cdot 8\cdot 1{,}4\cdot 0{,}7} = 8.5 \text{ пост};$$

Айрим технологик майдонларни режалаштиришда автомобилларнинг постлар бўйлаб

ҳаракатланишини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Мисол учун тормоз самарадорлигини роликли ўлчаш ускунасини олиш мумкин, чунки у ҳар бир ўқдаги тормозлаш самарадорлигини ўлчаш, шунингдек газобаллонли двигателлар техник холатини текшириш ва назорат қилиш технологик жараёнлар тезлашишига имкониятини беради.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу корхоналар таркибидаги транспорт воситалари республикамизнинг барча йўналишлари (шаҳар, шаҳарлараро, туманлар) бўйича ташишда иштирок этишади.

Аммо яна бир зътиборга молик жиҳати шундаки, транспорт воситаларини эксплуатация қилиш жараёнида деталларнинг техник хусусиятлари ўзгаришлари назоратга олишда эксплуатацион кўрсаткичларни этиборга олиш лозим.

Автотранспорт корхонасидаги транспорт воситалари техник ҳолатини баҳолаш учун дастлаб зарур кўрсаткичлар аниқланади, сўнгра ушбу кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш ишлаб чиқилади. Ушбу кўрсаткичларни танлашда жиддий муаммолар юзага келмайди: жумладан, ишончилилик кўрсаткичларидан фойдаланилса етарли бўлади. Корхона техник ҳолатини баҳолашда, албатта, автомобиллар эксплуатацион даврийлиги структурасини алоҳида ҳисобга олиш талаб қилинади.

Ҳар бир касбда инсоннинг фаолиятини таҳлил қилишдан келиб чиқиб, унинг муҳим руҳий-физиологик ўзига хослигини ажратиб кўриш мумкин. Ҳайдовчи доимо ҳаракатдаги барча қатнашчиларининг ҳаракатланиш тартиби, йўлнинг ҳолати ва ўлчамлари, атроф-муҳит ҳолати ва бошқарув воситалари мавжудлиги, автомобилнинг қисм ва асбобларининг ҳолати тўғрисидаги катта ҳажмдаги ахборотни доимий равишда қабул қилиши ҳамда қисқа муддатда ахборот мажмуасини қайта ишлаб ва таҳлил қилиб, қарор қабул қилиш керак.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳайдовчилар ҳар доим ҳам тўғри қарор қабул қилиб ҳаракат қилмайдилар. Бундай ҳолат вужудга келишига кўпинча қуйидагилар сабаб бўлади:

- ахборот ўз вақтида олинмаган, унинг натижасида ҳайдовчи ҳаракат шароитини тўғри баҳолай олмаган ва ЙТҲнинг олдини олиш имконияти етарли бўлмаган;
- бирламчи ахборотни нотўғри тушуниш, масалан, бурилиш учун берилган сигнални ҳайдовчи тормоз сигнали деб қабул қилиши;
- ҳаракатланиш шароитини нотўғри таҳлил қилиш, масалан, чорраҳага яқинлашаётган ҳайдовчи светофорнинг сариқ сигналидан кейин яшил ёнишини кутган, лекин сигнал қизил ёнган;
- нотўғри қарор қабул қилиш, масалан, вужудга келаётган ЙТҲнинг олдини олишнинг бирдан-бир тўғри йўли йўналишни бирмунча ўзгартиришнинг ўрнига ҳайдовчи жадал тормоз қилишга қарор қилиши;
- нотўғри ҳаракат қилиш, масалан, ҳайдовчи тўсатдан тормоз педали ўрнига ёнилғи берувчи педални босиши ва шу билан ҳаракат тезлигини бирданига ошириб юбориши.

Ушбу ҳолатлардан кўриниб турибдики, ўз ўрнида транспорт воситаларида техник жиҳатдан носозлик аломатлари турли шароитларда ҳаракатланишида ишончилик хусусиятларининг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридаги натижалардан кўринадики, технологик муаммоларни лойиҳалаш жараёнида зарур постлар сони ҳақида маълумотлардан ташқари, автомобиллар ўлчамлари геометрик параметрлари, мўлжалланаётган технологик жиҳозлар ўлчамлари, хизмат кўрсатиш ва турли ишларни бажариш учун майдончалар, шунингдек техника хавфсизлиги талаблари ҳисобга олиниши экологик жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Арслонов А., Султонов Т., Хўжаев М. Ўзбекистонда биогаз технологияларини ривожлантириш омиллари ва унинг молиявий манбалари. Экология хабарномаси. № 9 (78) 2007.
2. Базаров Б.И. Научные основы энерго-экологической эффективности использования альтернативных моторных топлива: Дисс…док техн. Наук.- Ташкент: ТАДИ, 2006.
3. Абдуазизов Т. Автомобил транспорти экологияси. Жиззах. 2011.
4. Адилов О.К., Тиркашева М.Б. Карерда ишловчи автомобилларнинг экологик хавфсизлигини таъминлашнинг эксплуатацион усуллари. ФарПИ илмий техник журнали, 2015 йил. 125-129 б.

УДК 528.482

O'TISH QAYRILMALARINI HISOBI VA ULARNI AVTOMOBIL YO'LLARINI XAVFSIZLIGIGA TA'SIRI TO'G'RISIDA

Nazarov B.R., Yuldashev A.O. (TAQI)

Ushbu maqolada, avtomobil yo'llaridagi virajlar qurilishida, o'tish qayrilmasini hisoblash metodikasi va uni joylarda barpo etish tartibi, ekologik xavfsizlik va mustahkamlikga ta'siri ifodalangan. O'tish qayrilmasini barpo etish masalasi ko'rilgan. Harakatlanish qismini kengaytirish hisoblarini tahlili bajarildi.

Method of calculating of transition curve required for design of roads turns, procedure of its construction insitu and its impact on ecological safety and reliability are presented. Questions of transition curves construction are considered. Analysis of calculation of trackway broadening is presented.

Avtomobil yo‘llar shahar transport tizimini asosiy elementlaridan biri hisoblanadi. Ular keng ko‘lamdagi xududlarni bog‘laydi, shaharlarda sodir bo‘luvchi barcha jarayonlar birligini va xavfsizligini, yo‘nalishlarni sifatli o‘zgarishining bir-biriga bog‘liqligini, tashqi muhitga moslashishini yaxshilashni ta'minlaydi, ular bo‘yicha ko‘plab yo‘lovchi va yuk qatnovlari amalga oshiriladi. [1-3]. Shaharlarda iqtisodiy ustunlikni tashkil etish va o‘zgartirish, mustahkam bo‘lmagan harakatlanuvchi, havfsiz va ekologik sof avtomobil yo‘llarisiz amalga oshirib bo‘lmaydi.

Barcha avtomobil yo‘llar egri chiziqli uchastkalarga – burilishlarga ega. Avtomobil yo‘llarini burilish uchastkalarida, turli radiusli qayrilmalar rejalanadi. To‘g‘ri chiziqdan egri chiziqqa o‘tishda tekislash uchun barcha holatlarda o‘tish qayrilmalarini qurish lozim hamda yo‘lni bir nishabli profildan ikki nishabli profilga o‘tishi amalga oshiriladi, uni “virajni chiqarish” deyiladi.

Relef balandliklarini farqi (ko‘tarilish va pasayish) uncha katta bo‘lmagan hollarda, trassa yer yuzasi yaqinidan o‘tganda, u aylanma profil bilan loyihalanadi va bu holda yer ishlarini hajmi kam bo‘ladi.

Trassa yer yuzasidan uzoqlashganda (keskin va relef farqi katta), uni kesuvchi chiziqlar bilan loyihalanadi va unda katta hajmdagi yer ishlaridan qutilishning imkoni bo‘lmaydi.

Bevosita qayrilmani o‘zi quyidagilardan tashkil topadi:

– doiraviy qayrilma yoyidan hamda turli radiuslarga ega bo‘lgan aylanalar yoyidan;

– o‘zgaruvchi radiusli qayrilmalar orqali doiraviy qayrilmalar bilan birlashuvchi to‘g‘ri uchastkalardan (burilishlar o‘tish qayrilmalar bilan);

– ikkita o‘tish qayrilmalaridan (biklotoidlar);

– bitta o‘tish qayrilmadan (klotoidlar yoki radioidlar).

Avtomobil yo‘llar qurilishi amaliyotida ko‘pincha klotoidlardan foydalaniladi, shuning uchun u o‘zining shakli bo‘yicha, juda doiraviy qayrilmaga yaqin bo‘ladi.

Ma'lumki, qayrilmani asosiy nuqtalari quyyidagilardan iborat:

– burilishni boshlanishi *BB* – birinchi o‘tish qayrilmasini boshlanishi 1O‘QB hisoblanadi;

– birinchi o‘tish qayrilmasini oxiri 1O‘QO – doiraviy qayrilmani boshlanishi DQB hisoblanadi;

– ikkinchi o‘tish qayrilmasini oxiri 2O‘QO – doiraviy qayrilmani oxiri DQO hisoblanadi;

– burilishni oxiri BO – ikkinchi o‘tish qayrilmasini boshlanishi 2O‘QB hisoblanadi.

Burilishni klotoidli qayrilmasini elementlari quyidagi formula orqqali hisoblanadi

$$\rho = \frac{A^2}{S} \text{ yoki } \rho = \frac{C}{S}, \qquad (1)$$

bu yerda ρ – klotoidlar egrisini radiusi;

S – klotoidlar uzunligi;

C – doimiy klotoidlar ($S = A^2$);

A – klotoidlar parametrlari.

O‘tish qayrilmasi burilishlarda avtotransportlarga ta'sir etuvchi, markazdan qochma kuchlarni kamaytirish uchun ham zarurdir. Markazdan qochma kuch quyidagi formula orqali hisoblanadi

$$F = \frac{P}{g} \cdot \frac{\upsilon^2}{\rho}, \qquad (2)$$

bu yerda F – markazdan qochma kuch;

P –avtotransport vazni;

g – og‘irlik kuchi tezlanishi;

υ – harakat tezligi;

ρ – qayrilma radiusi.



1-rasm. Klotoid



2-rasm. O‘tish qayrilmasi sxemasi

To‘g‘ri burchakli koordinatalarda klotoidlar tenglmasi Makloren qatoridan aniqlanadi va quyidagicha ifodalanadi:

$$\left.\begin{aligned} x &= S\left(1-\frac{S^4}{10C^2}+\frac{S^8}{3456C^4}-\ldots\right), \\ y &= \frac{S^3}{6C}\left(1-\frac{S^4}{56C^2}+\frac{S^8}{1040C^4}-\ldots\right). \end{aligned}\right\} \quad (3)$$

Joyda birinchi o'tish qayrilmasini boshlanishini (1O'QB) aniqlash uchun o'tish qayrilmasi boshi va siljimagan doiraviy qayrilma boshi orasidagi masofagan teng bo'lib, doiraviy qayrilma boshidan kesma o'lchab qo'yiladi va xuddi shu masofa siljimagan doiraviy qayrilmaning oxiridan ham o'lchab qo'yiladi.

Siljimagan doiraviy qayrilmani o'rtasi, burilish burchak uchidan (BB) bissektrisa yo'nalishi bo'yicha bissektrisa miqdorini B + r (r – siljish miqdori) joyda o'lchab qo'yish yo'li bilan topiladi.

Chunki o'tish qayrilmalari hisoblanadi, so'ngra virajlarni qurish uchun rejalanadi, unda u avtotransport harakati uchun silliq va xavfsiz bo'lishi lozim.

Viraj, qayrilmani markaziga qiyalik bilan yo'l qoplamasini bir nishabli ko'ndalang profilidan iborat bo'ladi. Bir nishabli profil doiraviy qayrilmani barcha uzunligida saqlanib qoladi. Siljish miqdori *P* quyidagi formula orqali aniqlanadi

$$P = R - \frac{R-\gamma_i}{\cos\gamma} \quad (4)$$

bu yerda γ_i – o'tish qayrilmasi oxirini ordinatasi.

Taqribiy hisoblar uchun qabul qilinadi

$$P = \frac{l^2}{24R} \quad (5)$$

Qayrilmani radiusi 700 metrdan kichik bo'lganda, qatnov qismdagi virajlarda "qo'shimcha kengaytirish" bajariladi, uning tarmog'i o'tish qayrilmasi chegarasini aqinlagandek topilpdi.

Bu kengayishning miqdori, harakat qatnovining yo'liga bog'liq holda turlicha bo'lishi mumkin.

Qatnov qism esa doiraviy qayrilma chegarasining to'la miqdorida kengaytiriladi. O'tish qayrilmasi chegarasida kengayish asta-sekin kamayadi va yo'qqa chiqadi.

To'la kengayish chegarasida (doiraviy qayrilmada) ichki chekka radius bo'yicha rejalandi, u quyidagi formula orqali hisoblanadi

$$R_k = \left(R - \frac{b}{2} + \Delta b\right),$$

bu yerda R – burilish radiusi;

b – qatnov qismning kengligi;

Δb – kengayishni to'liq miqdori.

Eng oddiy kengayish tarmog'i to'g'ri chiziq bo'yicha amalga oshiriladi, ammo bu holda qatnov qism tarmog'ini chekkasini boshi va oxiri keskin burilishlarga ega bo'ladi, u harakat xavfsizligini kamaytiradi va yo'l transport xodisasi xavfini ko'paytiradi. Bunday burilishlarga yo'l qo'ymaslik va silliq qayrilma bo'yicha chiziqli tarmoqqa ega bo'lish uchun kengayish tarmog'ini rejalashni "radioid" yoki "ko'pmarkazli qayrilma" bo'yicha amalga oshirish lozim.

Trassalashda klotoidni qo'llanishi silliq trassani barpo etishga imkon beradi, u tabiiy tarzda atrofdagi joy bilan mos keladi. Klotoidli trassalash ko'rish mayinligini yaxshilaydi, xaydovchilar uchun psixologik aniqlikni ta'minlaydi, yo'l-qurilish materiallarining ekologik ko'rsatgichlari takomillashtiradi va xarakat xavfsizlik darajasini oshiradi.

Avtotransport vositalar ekspluatatsion ko'rsatgichlarini yaxshilanishi, avtomobil yo'llari va injenerlik inshootlarini loyihalash, qurish, ekspluatatsiya qilish jarayonini takomillashtirilishiga, yo'l-qurilish korxonalarini ishlab chiqarish iqtisodiy ko'rsatgichlari, ob'ektlar sifatini modernizatsiyalashga ijobiy ta'sir etadi va yo'l–qurilish materiallarini ekologik ko'rstagichlarini shakllanishiga yordam beradi.

Doiraviy va o'tish qayrilmalarini birlashishi avtomobil transport ishlarini samaradorligini oshishiga olib keladi, avtotransport yuk qatnovi tizimini takomilashishiga ta'sir etadi hamda harakat xavfsiligini ta'minlaydi.

Klotoidli trassalash avtotransport korxonalari ishlarini tashkiliiy ko'rsatgichlarini hamda ishlab chiqarish-iqtisodiy oshishni oldindan belgilaydi, bu esa avtomobil-yo'l kompleksini standartizatsiyalash va sertifikatsiyalash tizimlarini tkomillashtirish bilan bog'liqdir va o'z navbatida korxona va tashkilotlarni ilmiy-texnik ishlariga ijobiy ta'sir etadi.

Adabiyotlar:

1. Родионов М.В., Селивёрстов В.А. Повышение экологической безопасности эксплуатируемых грунтовых гидротехнических сооружений // Вестник СГАСУ. Градостроительство и архитектура. 2011. Вып. № 1. С. 100-105.

2. Ахрамеева Н.В. Экологические проблемы производства строительных изделий // Природоохранные и гидротехнические сооружения: проблемы строительства, эксплуатации, экологии и подготовки специалистов: Материалы Международной НТК. Самара, 2014. С. 100-105.

3. Говердовская Л.Г. Экологические проблемы при строительстве автомобильных дорог // Природоохранные и гидротехнические сооружения: проблемы строительства, эксплуатации, экологии и подготовки специалистов: Материалы Международной НТК. Самара, 2014.

УДК 656.14

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ОГОҲЛАНТИРУВЧИ ТИЗИМ ТАҲЛИЛИ

Нуруллаев У.А., Хамраев Ж.А. (ЖизПИ)

В статье освещена эффективность проведённых мероприятий при проверке водителей транспортных средств на алкоголь, а также разработаны рекомендации по улучшению соответствующих мероприятий.

In this article efficiency of the spent actions is studied at check of drivers of vehicles on alcohol from the party, mechanical engineers АТП, and also recommendations about improvement of actions are developed.

Республикамизда ҳозирда барча соха буйча ислохатлар олиб борилмокда. Шундай ислохатлардан бири автомабил транспорти хайдовчилари малакаси тибий ва рухий холатлари буйча амалга оширилаётган ишлардир. Транспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар маданияти, манавияти, тиббий ва руҳий ҳолатлари қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бериши лозим.

Олиб борилаётган тадқиқотда Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракат хавфсизлиги бош бошқармаси статистик малумотлари бўйича 15% йўл транспорт ҳодиса (ЙТҲ) лари тиббий холати бўйича, 20% йўл транспорт ходисаларини маст ҳолда транспортни бошқариш билан содир этилгани аниқланган.

Маст ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган ЙТҲлар олдини олиш ҳаракат хавсизлигини таминлаш бўйича огоҳлантириш тизими фаолиятининг асосий максади ҳисобланади.

Ушбу мақсадда эришиш учун мажмуий ёндашувни талаб этади.

Спиртли ичимликка қараши огоҳлантириш тизими доимий равишда автотранспорт кархона (АТК) ларида, транспорт департаменти, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлигида ташкил этилаётган тадбирларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши талаб этилади.

Ўтказиладиган бундай тадбирлар илмий жиҳатдан асосланиши талаб этилади. Шу нуқтаи назардан барча ташкил этиладиган тадбирлар фаолияти башорат этилиши ва самарадорлиги назорат этилиши лозим.

Ҳайдовчилар қон таркибидаги алкогол концентрацияси 0,05 % (промилл) бўлса, бу уларни бир мунча тинчлантиради. қон таркибида алкогол концентрацияси 0,05 % дан 0,15 % гача бўлганда ҳаракатланиш пайтдаги мувозанат ва ҳатто ҳаракатларида ўзгариш кўзга ташланади.

Агарда ҳайдовчининг қонида алкогол миқдори 0,5 промиллдан катта бўлса, у ҳолда ҳайдовчи маст деб топилади.

Алкогол таъсир қилиши натижасида ҳайдовчининг марказий асаб тизими таъсирланади ва ҳайдовчининг ахборотни қабул қилиши сусаяди, реакция вақти ортади, ҳалокатлик вазиятига тушган вақтида қарор қабул қилишида хатоликларга йўл қўяди [1].

Ҳайдовчилар айби билан содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларига (ЙТҲ) боғлиқ қондаги алкогол концентрация даражасининг ишончилигини қуйидаги келтирилган математик қонуният билан илмий тадқиқ этилади. [2]

$$P_{мх} = \alpha \cdot P_{их} \qquad (1)$$

бу ерда $P_{мх}$ - ЙТҲлар содир этилишида маст ҳайдовчилар иштирокининг эҳтимоллик даражаси,

α – маст ҳайдовчиларнинг ҳафлилик коэффициенти, дастлабки ҳолат учун α = 20 деб қабул қилиш мумкин.

$P_{их}$ - спиртли ичимлик ичмаган ҳайдовчиларнинг ЙТҲларини содир этиш эҳтимоллиги.

Ҳайдовчилар қон таркибидаги алкогол концентрацияси билан маълум Т- вақт давомида йўналишларда ҳаракатда бўлса, у ҳолда β- маст ҳайдовчилар миқдорининг ЙТҲлар содир этиш эхтимолиги катта бўлади.

Бундай ҳолда ҳайдовчилар малум кўйилган талаб Т - вақт ичида йўналишда транспорт бошкарувида бўладилар. Агар β эҳтимоллик даражаси маълум бўлса, у ҳолда спиртли ичимлик ичган ҳайдовчилар айби билан содир этилган йўл-транспорт ходисаларнинг огоҳлантириш тизимининг фаолиятини баҳолаш учун фойдаланилади. ЙТҲ содир этилишида γ - маст хайдовчилар улиши қуйдагича аниқланилади.

$$\gamma = \frac{N_{мх}}{N_{их} + N_{мх}} = \frac{\alpha \cdot \beta}{1 - \beta + \alpha \cdot \beta} \qquad (2)$$

бу ерда: $N_{мх} = \beta \cdot T \cdot P_{мх}$ - ЙТҲлар содир этишда иштирок этган маст ҳайдовчиларнинг умумий сони;

$N_{их}$ - ичмаган ҳайдовчилар умумий сони.

Шунингдек спиртли ичимлик исътемол қилган ҳайдовчиларга нисбатан қаттиқ чоралар қўллаш, таниш-билиш каби иллатларга чек қўйиш ва йўналишларда назоратларни кучайтириш билан йўл ҳаракат қоидаларининг бузи-

лишининг олдини олишга ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга катта хисса қўшади.

Албатта ҳозирда ҳайдовчилар таркибининг мастлик даражасини аниқловчи ташхисловчи мосламалар оммавийлашиб кетган, айнан ушбу мосламаларни ишлаб чиқариш жараёнинг АТКлар шароитларига тўлиқ тадбиқ этилса ЙТҲлар олдини олиш ва улар миқдорини камайтиришга эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Азизов Қ.Х Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари. Тошкент. 2009.

2. Кошкин.Е.А., Корнеев.А.И. маст ҳолда рулни бошқариш- қотиллик. Москва. 1980.

УДК-656.13

AVTOMOBIL TRANSPORTINING EKOLOGIK XAVFSIZLIGINI TA'MINLASH USULLARI

Islomov S. E., Qo'shboqov I. S. (Jizzax Politexnika instituti)

В статье приведены оценки влияния автомобильного транспорта на атмосферу, а также пути улучшения экологических показателей путём усовершенствования конструкции автомобиля.

In article influences of motor transport on atmosphere, its reasons, and as ways of improvement of influence of ecological indicators, by improvement of a design of the car are resulted.

Statistik ma'lumotlarga ko'ra, XXI asrga kelib insoniyat atmosferaga tabiiy ravishda zaharli gazlar bilan ifloslanishidan 170 marta ko'proq, yiliga 2 mlrd tonnadan ortiq zaharli gazlar chiqarmoqda, bunda: avtomobil transporti-40%, qishloq xo'jaligi va maishiy xizmatlar-24%, energetika sanoati - 20%, ishlab chiqarish-14%ni tashkil qiladi. Shunday ekan, avtomobil transportining atrof-muhitga zararli ta'sirini kamaytirish insoniyat oldida turgan dolzarb masalalardan biridir.

Avtomobilning harakat paytidagi zaharlik darajasiga, asosan dvigatel va uning tizimlarining texnik holati ta`sir etadi. Dvigatel va uning tizimlarining texnik holati yomonlashishi yonilg`ining ortiqcha sarflanishini keltirib chiqarish bilan bir qatorda, atrof-muhitga chiqarilib yuborilayotgan zaharli gazlar miqdorining oshishiga sabab bo'ladi. Avtomobildan atrof-muhitga chiqayotgan zaharli gazlarni me'yordan oshirib yuboruvchi barcha nosozliklarning 80-85% dvigatel va uning tizimlariga to`g`ri keladi, qolgan 15-20% nosozlik transmissiya va yurish qismiga to`g`ri keladi. [1]

Ko'rinib turibdiki, avtomobil transportining atrof-muhitga zaharli ta'sirini kamaytirish uchun dvigatel va tizimlarni mukammallashtirib, uning ekologik ko`rsatkichlarining yaxshilanishga erishish mumkin. Buning uchun quyidagilarni amalga oshirish lozim:

1. Dvigatel konstruktsiyasi va ishchi jarayonlarini boshqarishni mukammallashtirish. Avtomobil ishlab chiqaruvchilari muntazam ravishda dvigatel va tizimlarni mukammallashtirib, uning ekologik ko`rsatkichlarini yaxshilamoqdalar. Bular, birinchidan-yonilg`i aralashmasining tarkibini va yonish jarayonini yaxshilash hisobiga; ikkinchidan-o`t oldirish va yonilg`i uzatish tizimini mukammallashtirish; uchinchidan-dvigatel ishini elektron boshqarish tizimini va ishlatilgan gazlar larning katalizli neytrallagichlarini qo`llash evaziga amalga oshirmoqda. Bu sohadagi eng konstruktiv mukammallashtirishlar quyidagilar:

Dizel avtomobillari:

- Turbinali haydash va havoni oraliq sovutish, azot oksidi (NO_x) va qattiq zarrachalar chiqishini 30% kamayishini ta`minlaydi va yonilg`i tejamkorligini 8% ga yaxshilaydi.
- Boshlang`ich neytrallagich bilan birgalikda chiqindi gazlarning ishqorli katalizator neytrallagichi: CO ning to`yinganlik darajasini 85-90%, C_xH_y -75%, NO_x-20% ga kamayishini ta`minlaydi.
- Sachratishni elektron boshqarish bilan birgalikda sachratish bosimini 18-20 Mpa ga oshirish, yonilg`ining aralashish darajasini ko`paytiradi, yonish tezligi va to`liq yonishni oshiradi, hamda qattiq zarrachalar chiqishini 40-60% ga kamaytiradi.

Benzinli avtomobillar:

- NO_x chiqindisini 40-60% pasayishini va chiqindi gazlar qayta aylanishini ta`minlovchi, CO va C_xH_x chiqishini kamaytiruvchi ikki tarkibli katalizli neytrallagichlar.
- Ishlatilgan gazlarning zaharligini 25-30% ga kamaytiruvchi, kiritish kollektoriga yonilg`ini miqdoriy purkalishini boshqarish.
- Miqdorli sachratish, elektron boshqarish tizimi va uch tarkibli neytrallagichni birlashtiruvchi, chiqindi gazlarning tarkibi va ishchi jarayonlarni boshqaruvchi tiklanuvchi aloqali kompyuter tizimi har xil firmalar tomonidan yengil avtomobillarda keng qo`llanmoqda va u CO ni solishtirma chiqishini 2,2 g/km gacha, $C_xH_y$+$NO_x$ ni 0,7 g/km gacha kamayishini ta`minlamoqda, bu esa EVRO-

2 ning qat`iy me`yoriga mos keladi.

- Zaryadni uyurma harakatga keltirishni ta`minlovchi va zaharlilikni EVRO-3 me`yorigacha (CO 2,3 g/km, C_xH_y+NO_x 0,2 ±0,15 g/km gacha) kamaytiruvchi ko`p klapanli dvigatel silindrga miqdorli (dozali) sachratish.

2. Ishlatilgan gazlarning zaharliligini kamaytiruvchi qurilmalar bilan seriyali chiqarilayotgan avtomobillarni jihozlash. Ularga quyidagilar kiradi:

Yuqori quvvatli o`t oldirish kontaksiz tizimi (O`KT). O`KT ning o`nlab turlari ishlab chiqarilmoqda. Ular yengil, yuk avtomobillari va avtobuslaridagi eskirgan tizimlarni almashtirishga mo`ljallangan. Ularni qo`llash dvigatel quvvati 3-5% ga oshirish, yonilg`i sarfini 4-7% ga kamaytirish va zararli moddalarni chiqishini 15-20% ga qisqartirishni ta`minlaydi.

1-jadval.

Turli yoqilg'ilarda ishlovchi avtomobillardan chiqayotgan zaharli moddalar

Avtomobul va yonilg`i turi	Chiqindi gazlarni tozalash tizimi	Zaharli moddalarning solishtirma chiqishi, g/km					
		CO	C_xH_y	NO_x	Qattiq zarracha	PAU	Aldegidlar
Yengil benzinli	Neytrallagichsiz	6,0-7,0	1,5-2,0	2,0-3,0	0,04	0,015	0,015-0,2
	Neytrallagichli	1,2-1,4	0,3-0,4	1,7-2,7	0,035	0,045	0,04
Yengil, suyultirilgan gazda	Neytrallagichsiz	5,0-5,5	1,5-2,0	3,0-3,5	0,035	0,012	0,15
	Neytrallagichli	1,2-1,4	0,3-0,4	2,9-3,3	0,035	0,004	0,04
Yuk, benzinli	Neytrallagichsiz	85-95	8-10	15-17	0,05	0,075	0,65-1,0
	Neytrallagichli	15-17	1,0-1,2	14-16	0,045	0,01	0,12
Yuk, siqilgan gazli	Neytrallagichsiz	2-3	2-3	8,5-9,5	0,07-0,1	0,0003	0,045
Yuk, dizelli	Neytrallagichsiz	3,5-4,5	2-3	11-14	0,3-0,4	0,0008	0,08
	Neytrallagichli	1,0-1,5	0,7-1,0	11-14	0,2-0,3	0,0002	0,025
	qurum filtrli	3,5-4,5	2-3	11-14	0,05-0,07	0,0006	0,08
Yuk, gazodizelli	Neytrallagichsiz	10-12	8-10	11-13	0,15-0,2	0,0004	0,55
	Neytrallagichli	2-3	1,1-1,22	11-13	0,1-0,15	0,0002	0,035

Izoh: PAU-poliaromatik uglevodorodlar

Majburiy salt yurish ekonomayzeri (MSYuE) bilan birgalikdagi yuqori quvvatli kontaktsiz o`t oldirish tizimi. Ushbu qurilmalarni benzinli avtomobillarga o`rnatish, odatdagi kontakli-qurilmalarni benzinli avtomobillarga o`rnatish, odatdagi kontaktli-tranzistorli o`t oldirish tizimiga nisbatan zararli moddalarning chiqish massasini 30% gacha, agar uni mikroprosessorli tizim bilan to`ldirilsa (ular ham ishlab chiqarilmoqda va sotilmoqda), 35-42% ga kamaytirish ta`minlaydi.

Ikki takibli katalizli neytrallagichlar. Benzinli va dizel avtomobillaridan ikki tarkibli neytrallagichlarni qo`llashning anchagina samaradorligini ko`rsatuvchi, BMT EIK qoidasi asosida, yengil va yuk avtomobillari dvigatellarining nisbiy laboratoriya sinovi natijalari keltirilgan.

Neytrallagichlar chiqindi gazlarni chiqarish tizimida osongina o`rnatiladi va 160 ming km yurgandan keyin almashtirilishi kerak. Neytrallagich ichidagi katalizator ishlatish jarayonida chiqindi gazlarning suyuq va qattiq tarkiblari bilan ifloslanadi va sul`fatlar bilan qoplanadi. Shuning uchun har 20-25 ming km da uning hususiyatini tiklab turish lozim. U o`z ichiga katalizatorli qisilgan havo bilan purkash, 3-4 soat ichida issiq suv bilan yuvish, qayta purkash va quritishni oladi. Katalizator uch marta tiklangandan keyin almashtiriladi.

3. Ekologik toza yonilgi, moy va ekspluatatsiya materiallarini tanlash va ishlatish:

**- Etillangan benzinni ishlab chiqarishni kamaytirish va to`xtatish.** Neftni qayta ishlovchi zavodlar etilsiz AI-80, AI-92, AI-95, AI-98 benzinlarni ishlab chiqarishni sezilarli darajda ko`paytirdilar. 2000 yil holati bo`yicha ularning umumiy ishlab chiqarishdagi ulushi 50% ga yetdi va o`sishda davom etmoqda.

Etilsiz benzinlarda tetraetilqo`rg`oshinli suyuqlik bo`lmaydi. Uning o`rniga yuqori oktanli kislorodi bor komponentlar metiltretbutlli efir (MTBE) yoki etanol ishlatilmoqda. Benzin tarkibiga ushbu komponentlarni qo`shish (massa bo`yicha 5% gacha) kerakli oktan sonini ta`minlaydi va yonilg`ida qo`rg`oshin miqdorini bir necha o`n marta (0,013 g/dm^3 gacha) kamaytiradi.

- Etilsiz benzinlar sifatini oshirish. 1998 yil etillanmagan avtomobil benzinlari uchun ГОСТ П51105-97 kuchga kirgan va u benzinlarning sifatini Yevropa me`yorlari darajasiga ko`tarishni ko`zda tutadi. U narsa oltingugurt, benzol miqdorini va qatronning to`yinganlik darajasini kamaytirish hisobiga erishiladi. Yana benzinga, chiqindi gazlarda CO miqdorini 40%, C_xH_y ni esa 30% gacha kamayishini ta`minlovchi maxsus yuvuvchi qo`chimchalar aralashtirish ko`zda tutilgan.

**- Dizel yonilg`isining sifatini oshirish.** Dizel yonilg`isini sifati, asosan, uning tarkibidagi oltingugurt, kul va mexanik qo`shimchalar va suv miqdoriga qarab belgilanadi. Xalqaro talablarga asosan mexanik qo`shimchalar va suv bo`lishi ta`qiqlanadi, kul hosil bo`lishi 0,01% dan, oltingugurtning massali ulushi 0,05% dan oshmasligi kerak.

Dizel yonilg`isida bir necha barobar ko`p oltingugurt bor. Ular ikki turga bo`linadi. Birinchisidan oltingugurt massalari ulushi 0,2% dan, ikkinchisidan esa 0,5% dan oshmasligi kerak. Natijada avtomobillarning chiqindi gazlardagi SO_2

ulushi, oltingugurti kam yonilg`iga nisbatan 4 marta ko`p va undan yuqori bo`ladi.

Ko`rinib turibdiki, ishlab chiqarilayotgan yonilgilarda oltingugurtning massali ulushini 0,05% gacha kamaytirishni ta`minlash zarur va u avtomobil parkining ekologik havfsizligini oshiradi. Bundan tashqari, ishlab chiqarishda tutashga qarshi maxsus qo`shimchalardan foydalanish kerak, u esa dizel chiqindi gazlari burqsishini 30-40% ga kamaytiradi.

**- Megapolistlarda maxsus zahari kam yonilg`ilarni ishlatilishi.** Horijdagi va mamlakatimizdagi megopolis va katta shaharlarda ekologik holat juda ham yomon. Uni yaxshilash choralaridan bir minimal zaharlililikka ega bo`lgan "shahar yonilg`isi" ni ishlab chiqarish va qo``llashdir. Moskvada, masalan, 1997 yil motor yonilg`isi uchun yagona texnik talablar joriy etilgan. Ularda hamma etilsiz benzillarda qoldiq qo`rg`oshim miqdori, oltingugurtning massali ulushi va smolaning to`yinganlik darajasini anchagina kamaytirish ko`zda tutilgan.

- Yuqori sifatli moylarni ishlatish. Motor moylarini sifati ham chiqindi gazlar zaharliligiga ta`sir etadi. Ayniqsa, kunli qo`shimchalari bor moylar, silindrda oxirigacha yonmaydi va qattiq zarrachalar paydo bo`lishining qo`shimcha manbai bo`lib qoladi. Xatto xorijiy dvigatellarda ham, uning ulushi umumiy qattiq zarrachalarning 40 %ini tashkil etadi.

Hulosa o'rnida aytish mumkinki, avtomobillar va uning dvigateli konstruktsiyalarini takomillashtirish, ishlatilgan gazlarning zaharliligini kamaytiruvchi qurilmalardan samarali foydalanish, ekologik toza yonilgi, moy va ekspluatatsiya materiallarini ishlatish orqali avtomobil transportining atrof-muhitga zararli ta`sirini kamaytirishga erishish mumkin.

Adabiyotlar.

1. Сидикназаров Қ.М., Асатов Э.А., Мусажонов М.З. ва бошқ. Автомобилларнинг техник эксплуатацияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. ТАЙИ профессори Сидикназаров Қ.М. таҳрири остида. – Т.: Voris-nashriyot, 2008. 560 б.

2. Эргашев А., Эргашев Т. Экология, биосфера ва табиатни мухофаза қилиш. Тошкент, Янги аср авлод: 2005, 433 бет.

3. Islomov Sh.E. "Avtomobil transportining ekologik ko'rsatgichlarini yaxshilash". Tezis. Hotin-qizlarning fan, ta'lim, madaniyat va biznes sohasidagi yutuqlari Xalqaro ilmiy-texnik konferensiya materiallari. Jizzax: JizPI, 9-10 iyun 2017 y. 139-142 b.

УДК 656.13

ДВИГАТЕЛ ДЕТАЛЛАРИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ЭКСПЛУАТАЦИЯ ШАРОИТИДА ЎЗГАРИШИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБИ

Бегматов Б. Я., Сувонқулов Ш., Нуруллаев У.А. (ЖизПИ)

В статье преведен анализ дефектов возникающих в двигателе, шасси и кузове автомобиля во время его эксплуатации, а также расчёты показателей износа деталей двигателя.

In this article defects arising in the engine, the chassis and a body of the car are resulted during its operation, and also calculations of indicators of deterioration of details of the engine.

Транспорт воситаларини эксплуатация қилишда двигател, шасси, кузов қисмларида турли нуқсонлар юзага келиши хизмат кўрсатиш жараёнидан маълум. Шу сабабли ушбу мақола транспорт воситалари қисмларида содир бўладиган турли ейилиш ва емирилишларни келтирилиб, бу борадаги башорат тизими ёритилган.

Транспорт воситалари двигателларининг ейилиши ва ейилишга чидамлилик қийматларини баҳоламасдан туриб, уларнинг техник эксплуатацион кўрсаткичларини прогноз қилиб бўлмайди.

Шу муносабат билан двигатель деталларининг конструктив ва иш параметрларини, фильтрловчи элементлар типини, шунингдек ишлатиш шароитини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ейилганлигини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқариш зарурати пайдо бўлади.

Транспорт воситалари турли иқлим, эксплуатацион, йўл шароитларида эксплуатация қилиниши сабабли двигател деталларида турли куч ва кучланишлар ҳосил бўлади.

Цилиндр-поршен гуруҳи деталларининг ейилиши ҳаво, мой ҳамда ёнилғи билан бирга абразив зарралар кириши натижасида содир бўлади. Ушбу ейилиш оқибатида деталларнинг дастлабки кўрсаткичлари ўзгаради. Поршен устки босимининг пасайиши илмий манбаларда кенг ёритилган.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижалари бўйича цилиндр-поршен гуруҳи деталларига тидбиқан олганда, ўзаро таъсирлашувнинг дастлабки босқичларида зарраларнинг ишқаланувчи сиртлар билан эластик-пластик таъсир-

лашуви содир бўлиши аниқланди. Зарра ўзаро таъсирлашувчи сиртлар бўйлаб бир вақтда ҳам сирпаниши, ҳам айланиши, кейин у металга қадалиб қолгач эса уни қирқа бошлаши эксперимент тадқиқотларда аниқланди. Шу сабабли зарраларнинг детал чиртига ботиш чуқурлигини ҳисобга олиб, деталларнинг емирилишига сабаб бўладиган, ўзаро таъсирлашув цикллари сони хромланган ҳалқалар учун 2,0 га, термик ишлов берилмаган гилзалар учун 1,0 га тенг қилиб олинган. [1].

Цилиндр-поршен гуруҳи деталларининг ейилишини илмий манбаларда қуйидаги формула билан ифодаланган:

$$E = E_1 + E_2 + E_3 + E_4 \qquad (1)$$

бу ерда: E_1, E_2, E_3, E_4 – киритиш, сиқиш, кенгайиш ва чиқариш тактларида деталларнинг ейилиши.

Эксперимент тадқиқотларда деталларнинг турли тактларида цилиндр-поршен гуруҳи деталларининг ишлаш шароитларини таҳлил қилинган киритиш ва чиқариш тактларида босим кучлари ҳалқа ортида жуда кичик бўлишини ва шу сабабли сиртнинг жуда кам ейилишини, чунки сиртларнинг эластик деформацияланиши содир бўлиши аниқланди. Шунинг учун (1) ифодадаги киритиш E_1 ва чиқариш E_4 тактларида деталларнинг ейилишини ҳисобга олмаймиз.

У ҳолда (1) ифода қуйидагига тенг бўлади:

$$E \cong E_2 + E_3 \qquad (2)$$

Иш шароитларида вақт бирлиги ичида ҳаво билан бирга кирган абразив зарралар миқдори n_a^x, ҳаво сарфи G_h ва ундаги зарралар миқдори K_a^x га, шунингдек ҳаво тозалагичнинг чангни ўтказиб юбориш коэффициенти ε_0 га боғлиқ бўлади.

Двигатель цилиндрига ҳаво билан бирга кириб қолган ҳамма абразив зарралар поршен йўлига S тенг бўлган гилзаларнинг баландлиги бўйича бир текис тақсимланади, деб фараз қиламиз.

Гилза деворининг мой пардасидаги абразив зарралар массаси G_a^m бу парданинг қалинлигига ва мойдаги абразив зарралар миқдорига K_a^m боғлиқ бўлади. Мойдаги абразив зарралар гилзанинг баландлиги бўйича бир текис тақсимланган, деб фараз қиламиз. Бундан ташқари, диаметри мой пардасининг қалинлиги ва гилза ҳамда ҳалқа микроғадир-будирликларининг қалинлиги йиғиндисидан катта бўлган абразив зарраларгина гилза ва ҳалқанинг ишқаланувчи сиртлари билан ўзаро актив таъсирлашади деб қабул қилинган (1-расм).

Таклиф этилган ҳисоблаш моделига мувофиқ, абразив зарралардан ейилиш асосан сиқилиш тактида ва кенгайиш тактининг бошида содир бўлиши ишқаланувчи сиртларда деформацияни юзага келтириши аниқланган.



1-расм. Гильза ва ҳалқалар пассив (а) ва актив (б) ўзаро таъсирлашув даврларида абразив зарраларга таъсир этувчи кучлар схемаси, в –сиқилиш тактида ҳалқанинг вазияти, г –ҳалқа ва гильзанинг сиртида абразив зарралар сирпаниш йўлини аниқлаш схемаси.

Шуни айтиб ўтиш керакки, ҳаво билан кирган зарраларнинг ҳаммаси ҳам ҳалқа билан гилза орасидаги тирқишга киравермайди ва улар билан актив ўзаро таъсирлашавермайди. Уларнинг бир қисми (йирикроқлари) поршен юқорига кўтарилганда сиқилиш тактида мой билан бирга поршен арифчасига ўтади ва ҳалқа тореци билан ўзаро таъсирлашади.

Илмий манбаларда детал сиртининг ейилганлиги якка абразив зарралар таъсирида ҳосил бўлган алоҳида элементар ейилишларни қўшиш йўли билан аниқланаиши кўрсатилган:

$$E_i = \Delta E_i \left(n_{ai}^x + n_{ai}^m \right) \qquad (3)$$

Гилзанинг ҳалқалардан ейилиши турли фракциялардаги абразив зарралар таъсирида, сиқилиш тактида биринчи ҳалқа п.ч.н. дан ю.ч.н. гача ҳаракатланганида зарраларнинг бир марта майдалангунига қадар содир бўлади.

Иккинчи ҳалқа янгидан ҳосил бўлган зарраларнинг жами миқдори n_a' билан поршен йўлининг $S - H_2$ баландлигида, яъни 1-ҳалқага қараганда кичикроқ участкада ўзаро таъсирлашади [2]/

Гилзанинг иккинчи ҳалқадан ейилганлиги “гилза-абразив зарралар-иккинчи ҳалқа” системасида бошланғич зарралар эмас, балки бошланғич зарралар бир марта майдалангандан сўнг янгидан ҳосил бўлган абразив зарралар

қатнашади. Сиқиш тактида цилиндр-поршен гуруҳи деталлари ейилишининг энг асосий тури абразив зарралардан ейилишдир. Сиқилиш тактининг охирида ҳамма зарралар асосан пассив ҳолатга ўтади. Шу сабабли кенгайиш тактининг бошида тирқиш билан ўлчамдош бўлган зарралар гилза ва ҳалқанинг сирти билан актив ўзаро таъсирлашади. Юзаларнинг бу зонасида еёилиш ҳам сиқилиш тактидагидек аниқланади [3].

Поршеннинг ҳаракати бўйича бу зонадан қуйироқда кенгайиш тактида цилиндр-поршен гуруҳи деталларининг ейилишини фрикцион толиқиш гипотезаси бўйича аниқлаш мўлжалланади. Кенгайиш такти давомида ейилиш қийматини аниқлаш учун ейилиш интенсивлигини ишқаланиш йўлига кўпайтириш керак. Ҳалқалар учун ишқаланиш йўлига кўпайтириш керак. Ҳалқалар учун ишқаланиш йўли поршен йўлига, гилзалар учун эса ҳалқалар баландлигига тенг.

Сиқилиш ва кенгайиш такти давомида деталларнинг ейилишини кўриб чиқиш натижасида цикл давомида гилза ва ҳалқалар ейилишининг аналитик боғлиқликлари аниқланади. Деталларнинг ейилиш тезлиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$v_e = (E_2 + E_3) \cdot 30 \cdot n_{dv} \qquad (4)$$

бу ерда: n_{dv} – тирсакли валнинг айланиш частотаси, мин$^{-1}$.

Олинган тенгламалар кўриб чиқилаётган вақт ичида гилза ва ҳалқанинг чизиқли ейилиши ҳамда ейилиш тезлигини ҳалқанинг гилза сиртидаги вазиятини, ишқаланувчи сиртларнинг микроғадир-будирликларини, абразив заррага таъсир қилувчи кучларни ҳамда унинг сирпаниш йўлини эътиборга олган ҳолда ҳисоблаб топишга имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда гилзанинг умуман баландлиги бўйича ейилиш тезлиги ҳар бир ҳалқадан ейилиш тезлигини уларнинг гилза билан ўзаро таъсирлашиш зонасини ҳисобга олган ҳолда қўшиш йўли билан аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Қодиров С.М. Ички ёнув двигателлари -Т.: Зарқалам, 2006.
2. Қодиров С.М., Қодирхонов М.А. Двигатель ва автомобиллар назарияси, -Т.: Ўқитувчи, 1969.
3. "Жиззах автотеххизмат" МЧЖ дан олинган статистик маълумотлар, 2017.

УДК. 629.331

К ВОПРОСУ ЭКСПЛУАТИРУЕМЫХ ГАЗОБАЛЛОННЫХ АВТОМОБИЛЕЙ

Умиров И., Нуруллаев У. (ДжизПИ)

В статье описываются степень унификации газобаллонных автомобилей, работающих на СПГ, отличительные особенности эксплуатируемых газобаллонных автомобилей, а также эффективность показателей при применении специальных конструкций газовых двигателей с увеличенной степенью сжатия.

In this article distinctive features maintained газобаллонных cars, and also efficiency of indicators are described unification degree газобаллонных the cars working on СПГ, at application of special designs of gas engines with the increased degree of compression.

В основных направлениях экономического и социального развития Узбекистана, перед автомобильной промышленностью поставлена задача обеспечивать увеличение и улучшение структуры выпуска автомобилей, более полно отвечающих потребностям народного хозяйства и экологичности, а также задаче экономии топлива [1].

В настоящее время в нашей республике растёт количество эксплуатируемых газобаллонных автомобилей. Их можно разделить на грузовые, пассажирские и специальные. К первой группе относятся грузовые автомобили и автомобили тягачи; к пассажирскому подвижному составу относятся легковые автомобили и автобусы [1].

Отличительной особенностью эксплуатируемых газобаллонных автомобилей является наличие универсальной системы питания. Она может быть предназначена для работы двигателей на жидком базовом топливе или СПГ. Степень унификации газобаллонных автомобилей, работающих на СПГ, с базовыми бензиновыми автомобилями действующего производства, по основным агрегатам и системам двигателя, составляет в среднем 90%. Поэтому, при переводе на газовое топливо, базовые бензиновые и дизельные двигатели и сами автомобили не требуют принципиального изменения конструкции. Наибольшей модернизации при использовании СПГ требует платформа автомобиля для размещения газовых баллонов. Для неё степень унификации составляет 82-85% [2].

Газобаллонное оборудование устанавлива-

ется на любые автомобили, работающие на бензине или дизельном топливе. Редким исключением являются автомобили, оборудованные двигателями с непосредственным впрыском бензина. На данный момент существуют четыре поколения газобаллонного оборудования [2]:

- к первому поколению относятся классические системы с редуктором вакуумного типа, предназначенные, в основном, для установки на карбюраторные двигатели;
- ко второму поколению относится оборудование, содержащее компьютерный блок, управляющий подачей газа и предназначенные для инжекторных автомобилей с лямбда-зондом;
- в третьем поколении не используется смеситель. Подача газа осуществляется через механические форсунки. Третье поколение является переходным, и потому оно не распространилось;
- четвёртое поколение, это самая современная газовая аппаратура для автомобиля. Компьютерный блок управления подачей газа работает в паре с автомобильным компьютером, а газ поступает через электрические форсунки.

В соответствии с классификацией, газовые системы питания [4], по способу управления подачей газа, могут быть пневматическими (эжекторными), электрическими (инжекторными), механическими и пневмомеханическими.

Использование классических (эжекторных) газовых систем питания связано с установкой газовоздушного смесителя с достаточно узким проходным сечением (диффузором) для потока воздуха. Это вызвано необходимостью поддержания определенного разрежения на выходе из последней ступени газового редуктора. Причем, данное разрежение связано с размерами диафрагмы и рычажно-клапанной системы выходной полости редуктора и, следовательно, для ее управления следует учитывать тип газового дозатора, место установки смесителя и режим работы конкретного двигателя.

В этом случае, требования обеспечения высокой мощности газового двигателя вступают в противоречие с условиями наполнения цилиндров, организацией качества смесеобразования, стабильности работы на режимах холостого хода и малых нагрузок. При имеющемся сечении диффузора газовоздушного смесителя, выбранного исходя из максимальных расходов (мощностей) газового топлива, разрежение в нем на режимах пуска, холостого хода и малых нагрузок становится настолько мало, что чувствительности редуктора не хватает для сохранения приемлемой стабильности расхода газа на этих режимах.

Проведенные исследования указали на перспективность использования инжекторных газовых систем питания: увеличение мощности двигателя за счет увеличения коэффициента наполнения, равномерности распределения горючей смеси по цилиндрам; снижение эксплуатационного расхода топлива за счет точности дозирования впрыскиваемого топлива; выполнение современных экологических требований; улучшение динамических качеств двигателя (автомобиля); достижение надежного запуска двигателя и быстрого его прогрева; возможность форсировки двигателя по частоте вращения коленчатого вала.

Различие по методу зажигания является важнейшим показателем, так как он обуславливает особенности протекания рабочего процесса и накладывает отпечаток на основные параметры и показатели двигателя.

По методу воспламенения рабочей смеси применяются газовые двигатели трех типов: с искровым зажиганием; с зажиганием от запальной дозы дизельного топлива и с форкамерно-факельным зажиганием. Для газовых двигателей не нашёл применения метод воспламенения от сжатия, используемый в дизелях, из-за высокой температуры воспламенения природного газа, которая требует чрезвычайно высокой степени сжатия.

Применяемые в двигателях, работающих на газовом топливе, системы принудительного зажигания, предусматривают создание в цилиндре к моменту начала сгорания подготовленной к воспламенению рабочей смеси. Различие же состоит в том, каким образом образуется очаг, начинающий процесс горения основной части рабочей смеси. При искровом зажигании, таким очагом является объём, прилежащий к межэлектродному пространству свечи зажигания. В двигателе с газожидкостным процессом, очаги сгорания образуются в объёме, охваченном факелом впрыснутого дизельного топлива. Форкамерно-факельное зажигание предусматривает принудительное создание очага факельного типа за счёт предварительного сжигания небольшого объёма газовоздушной смеси в специальной камере. На универсальных газобензиновых автомобилях устанавливают двигатели, содержащие две автономные равноценные системы питания – газовую и бензиновую. Использование двух систем питания способствуют увеличению суммарного запаса хода автомобилей и расширению сферы их применения.

На рис. 1 приведена классификация существующих систем газобаллонного оборудования [2].

Рис. 1. Функциональные системы газобаллонного оборудования.

С начала 70-х годов до настоящего времени, эксплуатируемые ГБА оборудуются в основном ГБО различных заводов изготовителей Российской Федерации, Белоруссии, Украины. В последние годы рынок Узбекистана стал пополняться ГБО зарубежных фирм (Италия, Южная Корея, Турция, Германия и др.) для легковых и малотоннажных автомобилей. В настоящее время многие модификации современных газобаллонных автомобилей предназначенных для работы на СПГ, из-за ряда причин (неразвитость инфраструктуры производства ГБА) выполнены по газобензиновой схеме и оборудованы газобаллонной установкой первого поколения.

Эта газобаллонная установка автомобиля, работающего на СПГ, состоит из редукторов высокого и низкого давления, электромагнитных клапан-фильтров, баллонов высокого давления, закрепленных на грузовых автомобилях под грузовой платформой с помощью кронштейнов и хомутов, в автобусах – на крыше, а в легковых автомобилях, – в багажнике. Из-за зависимости полезного объёма газового баллона от рабочего давления, в настоящее время ведутся работы по повышению максимального давления в баллоне от 20 МПа до 40 МПа и больше.

Вместе с тем, подобная система питания при работе на СПГ не позволяет реализовать преимущества газа как высокооктанового топлива. В этом случае, степень сжатия двигателя и, следовательно, топливная его экономичность, определяются октановым числом бензина А-80. Перевод бензинового двигателя на питание СПГ, при неизменной степени сжатия, снижает максимальную его мощность на 15-20%. Применение специальных конструкций газовых двигателей с увеличенной степенью сжатия на 18-25%, позволяет повысить мощность двигателя на 9-12%, а также уменьшить расход топлива и повысить запас хода на 8-10%, по сравнению с показателями базового двигателя со степенью сжатия предназначенного для работы на бензине.

Литература:

1. Автомобильный транспорт Узбекистана 2004–2005. - Москва: «Синяя книга» IRU. 2006.- 267 с.

2. Ахметов Л.А., Иванов В.И., Ерохов В.И. Экономическая эффективность и эксплуатационные качества газобаллонных автомобилей. - Т.: Узбекистан, 1984.- 198 с.

УДК 656.13

АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИДА ЗАРАРЛИ ЧИҚИНДИЛАРНИ АНИҚЛАШ УСЛУБИЯТИ

Адилов О.К., т.ф.н., доц.; **Нуруллаев У.,** илмий тадқиқотчи (ЖизПИ)

В статье приведены методические рекомендации и их применения в производство в целях усовершенствования экологической безопасности автомобильного транспорта.

In article methodical recommendations and their applications in manufacture with a view of improvement of an ecological security of motor transport are resulted.

Автомобилларнинг кузови, агрегатлари ва деталларининг юзасини бўёқ ва лак билан қоплаш ва уни қуритиш жараёнида атмосферани ифлослантирувчи бир қатор зарарли моддалар ажралиб чиқади, жумладан ацетон, бутил ацетат, ксилол, стирол, этилбензол, амил спирт, уайт-спирт, этилцеллозоль, амилацетат, толуол, диоксан, метанол, пропанол, этилметилбензол, C_1–C_{10} углеводородлар каби 20 дан ортиқ учувчан бирикмалар буғ ва газ кўринишида атмосфера ҳавосига чиқариб юборилади.

Лак ва бўёқ материаллар таркибидаги ифлослантирувчи моддалар ташламасининг миқдори қопламани суркаш усулига, қўлланиладиган жиҳозларнинг иш унумдорлигига, қопламанинг қалинлигига, ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолувчи ёки нейтралловчи воситаларнинг мавжудлигига ва бошқа бир қатор субъектив омилларга боғлиқ.

Дастлабки ҳисобларда лак ва бўёқ материалларининг ёки эритувчиларнинг учувчан бирикмалари бўяш ва қуритиш жараёнида тўлиқ равишда газсимон ҳолатга ўтиб кетади деб қабул қилинади.

Дастлабки маълумотлар сифатида лак ва бўёқ материалларининг режавий ёки ҳақиқий сарфи, улардаги учувчан бирикмаларнинг таркибий улуши, учувчан бирикмаларни тозаланиш даражаси каби кўрсатгичлар эътиборга олинади.

Манба орқали атмосферага ташланаётган ифлосланишларни ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади.

Махсус газ тозалаш қурилмалари қўлланилмаган ҳолларда, лак ва бўёқ материаллари билан автомобил кузови ва деталларини қоплаш давомида ажралиб чиқадиган ва атмосфера ҳавосига қўшилиб кетадиган аэрозоллар миқдори қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$M_a = M_K \cdot f_a \cdot f_T \cdot 10^{-4}, \text{ т} \quad (1)$$

бу ерда: M_K - қоплаш учун ишлатиладиган лак ва бўёқ материаллари массаси, Т; f_a - аэрозол кўринишида йўқотилган лак ва бўёқ материалларининг сарфланиш улуши, %.

